

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ

**КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ,
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ВА УЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТИ**

Асқар НИГМАТОВ, Бахтиёр КАМОЛОВ

**ЭКОТУРИЗМ ВА УНИНГ ҲУДУДИЙЛИК,
ДАВРИЙЛИК, КОМПЛЕКСЛИЛИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

(Наманган вилояти мисолида)

**Тошкент – 2018
“Наврўз” нашриёти.**

КВК 80.10(Ў)

Н 30

УКК :714(22+13)

А.Н. Нигматов, Б.Х. Камолов «Экотуризм ва унинг ҳудудийлик, даврий-лик ва комплекслик хусусиятлари» (Наманган вилояти мисолида). Монография. – Тошкент.: «Наврўз нашриёти, 2018 .–144 б.

Монографияда туризм тушунчасини универсал кўринишда таърифлаб берилган. Сайёҳликнинг мақсадига кўра туризмни таснифлаш, ажратилган туризм турларини таърифлашда эса қўйилган мақсадни киритиш орқали тушунчага аниқлик киритиш масаласи олға сурилган. Экологиянинг мазмун ва моҳиятидан келиб чиққан тарзда экотуризмга қўйиладиган талаблар ҳамда унинг туризм соҳасида тутган ўрнига аниқликлар киритилган. Илк бор фанда, Наманган вилояти мисолида, туризмни нафақат маъмурий бирликлар, балки экотизимларни таснифлаш орқали миниекотизимлар сайёҳлик имкониятининг ҳудудийлик, даврийлик ва комплекслик хусусиятлари тавсифланган, улар вилоятни экотуристик районларга бирлаштириш, ажратилган районларда соф экотуристик ва комплекс маршрутларни ўтказиш ҳамда келажак истиқболларини белгилашнинг илмий асослари ёритилган.

Монография туризм, ўлкашунослик, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси, география, тарих, биология, иқтисодиёт ва сервис йўналишида фаолият юритаётган фан, таълим ва амалиёт ходимлари, педагоглар, докторантлар, магистрлар, талабалар ҳамда ўқувчилар учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

-А.Козоков, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, доцент

Такризчилар:

-А.Н.Расулов тарих фанлари доктори, профессор

-А.А.Назаров география фанлари номзоди, доцент

Монография Касб-ҳунар таълими тизимини инновацион ривожлантириш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти Илмий кенгаши томонидан муҳокама қилинган (2018 йил 26 август 1-сонли баённома) ва нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-381-77-3

© А.Нигматов, Камолов Б, 2018

© “Наврўз” нашриёти.

М У Н Д А Р И Ж А

Муқаддима.....	4
1-боб. ТУРИЗМ ВА УНДА ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИНГ ТУТГАН ЎРНИ	
1.1 Туризм тушунчаси ва унинг замонавий таснифи.....	7
1.2. Экология ва унинг объекти ҳақида.....	21
1.2. Экологик туризм – мустақил сайёҳлик тури.....	28
2-боб. НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ВА УНИНГ ТУРИСТИК ИМОКНИЯТЛАРИ	
2.1. Наманган вилоятининг географик тавсифи.....	42
2.2. Наманган вилояти маъмурий бирликларининг туристик имкониятлари.....	56
3-боб. НАМАНГАН ВИЛОЯТИ МИНИЭКОТИЗИМЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТУРИСТИК ИМОКНИЯТЛАРИ	
3.1. Наманган вилояти миниэкотизимлари ва уларнинг таснифланиши.....	73
3.2. Наманган вилояти экотизимларининг ҳудудийлиги, даврийлиги ва комплекслиги.....	87
4-боб. НАМАНГАН ВИЛОЯТИНИНГ ЭКОТУРИСТИК РАЙОНЛАРИ, МАРШРУТЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ	
4.1. Миниэкотизимлар доирасида ажратиладиган экотуристтик районлар.....	99
4.2. Экотуристтик районларда туристик маршрутлар.....	109
4.3. Наманган вилоятида экотуризмнинг ривожлантириш истиқболлари.....	124
Хулоса.....	132
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	136



МУҚАДДИМА

Туризм бугунга келиб жаҳон мамлакатларининг иқтисодиётида катта даромад келтирадиган ва жадал суръатларда ривожланаётган инфратузилма тармоқларига айланиб бормоқда. Ҳозир у жаҳон ялпи маҳсулоти ва истеъмол савдосининг ўндан бир қисмини, дунё экспортининг 8 фоизини, савдо хизматининг 30 фоизини, халқаро инвестицияларнинг 11 фоиздан ортиғини, ишлаб чиқаришда эса ҳар саккизтадан бир ишчи ўринни таъминламоқда. 2030 йилга бориб Ер куррасида туризм соҳасининг энг жадал суратларда ривожланиб бораётган янги сайёҳлик йўналишлари – шоптуризм, нозотуризм, агротуризм, экотуризм кабилар 2 баробарга кўпайиши кўзда тутилмоқда.

2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 3.2-бандида «Туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда унинг роли ва улушини ошириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш», 4.3-бандида эса «одамларнинг экологик хавфсиз муҳитда яшашини таъминлаш масаласи қўйилган»¹. Зеро мамлакатимизда истиқболда барқарор ривожланишни таъминлаш, аҳолини иқтисодий-ижтимоий муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизликни таъминлашнинг энг мақбул йўлларида бири экотуризмни ривожлантиришдир.

Фарғона водийси, жумладан Наманган вилояти ҳам бундан мустасно эмас. Вилоят ҳокимининг 2016 йил 16 февралдаги «Наманган вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори ва Ангрен-Поп темир йўлини ишга туширили муносабати билан вилоятда экотуризмни жадал суратларда ривожлантириш масаласи приоритет (бирламчи) вазифалар туркумидан жой олган. Лекин, амалда экотуризмнинг мазмун ва

¹ <http://lex.uz/pages/getpage>.

моҳияти бошқа туристик турлар билан аралаштириб юборилмоқда, аниқ бир статистик маълумотлар базаси шаклланмаган ва тегишли кадрлар билан таъминланмаган. Унинг ҳудудийлик, даврийлик ва комплекслик хусусиятлари атрофлича илмий асосланмаган. Бу эса экотуризмни мустақил ва ўзига хос туристик тури сифатида шаклланишига, унинг имкониятларини баҳолаш, назорат қилиш ва ривожлантиришга йўл қўймапти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2015-2017 йилларда Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш ва экотуристлик потенциални мустаҳкамлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2015 йил 22 январдаги 01-03-05-19-сонли қарори ва унинг ижросини таъминлашдаги 2015 йил 10 мартдаги қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сонли ва «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сонли фармонлари; «Кириш туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 6 февралдаги ПҚ-3509-сонли ва «Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 7 февралдаги ПҚ-3514-сонли қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда миллий туризм, жумладан экотуризмни ривожлантириш масаласи кўндаланг қилиб қўйилган.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиққан тарзда мазкур тадқиқот олдига – туризм, жумладан экотуризм илмий-назарий асосларига аниқлик киритиш орқали Наманган вилояти мисолида экотуризмнинг ҳудудийлик, даврийлик ва комплекслик хусусиятларини очиқ бериш **мақсад** қилиб олинди. Мақсадга эришмоқ учун эса қуйидаги **вазифалар**ни бажариш зарурати пайдо бўлди:

✓ туризм, жумладан экотуризмнинг илмий-назарий асосларига креатив ёндашиш;

- ✓ инновацион характердаги таклиф ва тавсияларни баён этиш;
- ✓ Наманган вилояти мисолида туризм, жумладан экотуризмнинг ҳудудийлик, даврийлик ва комплекслик хусусиятларини очиб бериш;
- ✓ вилоят ҳудудини экотуристлик районлаштириш, сайёҳлик маршрутларини ишлаб чиқиш ва келажак истиқболларини белгилаш.

Тадқиқотларни олиб боришда қиёсий таҳлил, таққослаш, статистик, картографик, математик, тарихий-қиёсий, типологик ҳамда камерал, лаборатория ва дала-экспедиция маршрутларига тегишли методлардан фойдаланилди. Махсус мавзули карталар Corel draw ва Mapinfo дастурларидан фойдаланган ҳолда яратилди.

1-бoб. ТУРИЗМ ВА УНДА ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИНГ ТУТУГАН ЎРНИ

1.1. Туризм тушунчаси ва унинг замонавий таснифи

XX асрнинг иккинчи ярмига келиб географияда янги йўналишлар яъни тиббиёт, туризм тармоқлари ривожлана бошланди. Фаннинг табиий география тармоғи туризм ресурсларини табиий географик хусусиятларини ўрганса, ижтимоий географияда – рекреация ва туризм ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий ва иқтисодий географик жиҳатларини очишга ҳаракат қилади. Туризм географияси тиббиёт географияси, иқтисодиёт, тарих ва бошқа фанлар билан бевосита алоқадорликда, яъни табиий ва ижтимоий фанлар туташган жойда вужудга келган илмий тармоқдир. Туризм ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш, жойлаштириш, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Туризмга доир мингалаб илмий асарлар чоп этилган ва талқиқотлар олиб борилмоқда. Шунинг учун ҳам мазкур тадқиқот ишимизда туризм, жумладан экотуризм тушунчаси, мазмуни ва моҳиятига тегишли масалаларни ўз изланиш предметига олиб чиқмадик. Лекин туризмнинг умумийроқ этилган тушунчаларини эслаб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Туризм сўзи француз тилида *«tourizm»* – саёҳат қилиш, дам олиш деган маънони англатиб, тор маънода – кишиларни туристик объектларга саёҳатларидир¹. Кенг маънода эса туризм – шахсларнинг доимий яшаш жойларидан муайян муддатга дам олиш, спорт билан шуғулланиш, соғломлаштириш, маърифий-маънавий (умумтарбиявий) каби вазифаларни кўзлаган тарздаги боғлиқ бўлган объектларига

¹ Краткий словарь иностранных слов.- М.: «Изд.иностранн.и нац. слов», 1958.- 404с.

қиладиган саёҳатлари¹. Мазкур тушунчага аниқлик киритган тарзда Т.В.Рассохина жисмоний шахс турист бўлиши учун вақтинчалик борар жойига ёки мамлакатига камида 24 соатдан 6 ой муддатгача бориши ёки 1 суткадан кам бўлмаслиги ва бу учун унга пул тўлланмаслиги керак, деб аниқлик киритган². Бундай талаблар Бутужаҳон туристик ташкилотининг (UN WTO) Низомига ва статистик маълумотлар тўплаш шаклига мос тушади.

Яна бир масалага ойдинлик киритишга тўғри келади, яъни туризмга берилган тушунчада киши, инсон ёки шахс сўзини қўллаш. Киши сўзи ижтимоий категория сифатида қўлланилади ва у жамиятнинг бир аъзоси сифатида қабул қилинади (А.Нигматов, 2016). Инсон эса халқаро ҳуқуқда унинг бутун ҳаёти давомида туғилиши билан вужудга келадиган яшаш ҳуқуқи. Шахс сўзи юриспруденцияда киши ёки унинг уюшмасининг муайян ишларни бажариш ёки фаолият юритишида юзага келадиган, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар мажмуасидир (А.Саидов, У.Тажихонов, 2001). Айнан туризм соҳасида сайёҳ нафақат муайян ҳуқуқларга балки борадиган жойда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тасдиқланган мажбуриятларни бажаришга ҳам мажбурдир. Шахс эса якка тартибдаги жисмоний ёки гуруҳлар билан биргаликда юридик шахс сифатида сайёҳат қилиш имкониятига эга.

Шундай қилиб **туризм** – *шахснинг доимий яшаш жойидан вақтинчалик борар жойига 24 соатдан то 6 ой муддатга кетма-кет, муайян мақсадда ёки мақсадларда пул тўлланмайдиган саёҳатни турли миқёсда тизимли ташкил этиши, олиб бориши ва ҳисобини юритиши санъати.*

Шундай қилиб, адабиётларда таклиф этилаётган туризм тушунчасига қуйидаги ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди:

¹ Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Менеджмент и организация бизнеса в туризме Узбекистана.- Т.: «Чинор», 2006.-С.18.

² Рассохина Т.В. Основы туризма.-М.: «МРМАТ», 2014.- С.3.

1. Шахслар эмас, бакли шахс. Чунки «шахс» сўзининг юридик луғавий маъноси айнан жисмоний ёки юридик шахс маъносини беради.

2. Доимий яшаш жойларидан эмас, балки жойидан. Чунки шахснинг доимий яшаш жойи унинг давлат рўйхатидан ўтган жойига қараб бегиланади ва туризмга доир аниқ бир статистик маълумотлар тўплаш ва таҳлил қилиш имкониятини яратади ҳамда чалкашликларга олиб келмайди.

3. Муайян муддат сўзлар бирикмасига аниқлик киритиш учун «вақтинчалик борар жойига 24 соатдан то 6 ойгача кетма-кет бориши» сўзлар бирикмасини киритиш «турист» мақомини аниқлаштиради.

4. Сайёҳларга мазкур йўналишдаги ташрифи учун пул тўланмаслик талабларини тушунчада акс эттириш. Чунки шахснинг хизмат сафари, давлат ёки корпоратив махсус топшириқларини бажариши пуллик ташрифи эканлиги билдиради.

5. Сайёҳлик турларининг кундан кунга жадал суратларда кўпайиб борётганлиги, мазкур ташрифларнинг мақсадини тушунчада бирин кетин ва узундан узун сўзлар ишлатиб санаб ўтишнинг кераги йўқлигини инобатга олган тарзда «муайян мақсадда» — агарда шахс бир туризм турини танласа ёки «муайян мақсадларда» — агарда шахс икки ва ундан ортиқ туризм турини танласа, деган сўзлар бирикмасини киритиш.

6. Туризм бу сайёҳликни ташкил этиш, олиб бориш, ҳисобини юритиш каби тизимли жараённи ўзига мужассамлаштирувчи бошқарув, менежмент ва маркетинг санъати. Шунинг учун ҳам туризм тушунчасида айнан ушбу бошқариш (халқаро ҳамжамият ва давлат бошқаруви нуқтаи назардан) менежмент (корпоратив, яъни туристик компаниялар, фирмалар, уюшмалар бошқаруви нуқтаи назардан), маркетингни (сайёҳлик бозорини ўрганиш, хизмат кўрсатиш ва сервисни ташкил этиш нуқтаи назардан) тизимли (муайян иерархик кетма-кетликда) ташкил этиш, олиб бориш ва, албатта, ҳисобини юритиш (назорат ва мониторингини юритиш нуқтаи назардан) санъати. Мазкур

жараён глобал (халқаро ташкилотлар), регионал (минтақавий уюшмалар), миллий (давлат идоралари ва нодавлат ташкилотлари) ва локал (маҳаллий давлат идоралари ва нодавлат фирмалари) миқёсда олиб борилади. Буларнинг барчасини сайёҳликни «тизимли ташкил этиш, олиб бориш ва ҳисобини юритиш санъати» деб таърифлаш мақсадга мувофиқдир.

Туризм атамасига илк бор бундай тарзда берилган таъриф унинг жадал суратларда тармоқлашиб бораётган турларига бериладиган таърифларга илмий асос бўлиб хизмат қилади. Қандай илмий асос? Туризмни кенг тармоқлашиб бораётган турларини таърифлашда эса «туризм» атамасига берилган таърифнинг «муайян мақсадда» аниқлик киритиш орқали ифода этиш мумкин. Масалан, ***тарихий туризм** – шахснинг доимий яшаш жойидан вақтинчалик борар жойига 24 соатдан то 6 ой муддатга кетма-кет, унинг тарихи билан танишиш мақсадида сайёҳларга пул тўлланмайдиган саёҳатни турли миқёсда тизимли ташкил этиш, олиб бориш ва ҳисобини юритиш санъати.*

Агарда тарихий туризм билан бир қаторда сайёҳни бошқа туризм турлари билан биргаликда комплекс равишда ташкил этиш, олиб бориш ва ҳисобини юритиш мақсадлари қўйиладиган бўлса, ушбу мақсадларга аниқлик киритиш ва таърифда акс эттириш керакдир. Тарихий туризмни диний ва экологик туризм билан олиб бориш мақсадлари қўйилганда комплекс тарихий, диний, экологик туризмларнинг мақсадлари таърифда акс эттирилади. Масалан, ***комплекс тарихий, диний ва экологик туризм** – шахснинг доимий яшаш жойидан вақтинчалик борар жойига 24 соатдан то 6 ой муддатга кетма-кет, унинг тарихи, диний ҳолати ва экологик вазияти билан танишиш мақсадларида сайёҳларга пул тўлланмайдиган саёҳатни турли миқёсда тизимли ташкил этиш, олиб бориш ва ҳисобини юритиш санъати.* Мазкур таъриф орқали сайёҳликни самарали ташкил этиш учун унга бир пайтнинг ўзида борар жойининг нафақат тарихи билан танишиш, ўрганиш балки диний зиёратларни амалга ошириш, муҳофаза этиладиган ёки этилмайдиган ўзига хос экотизимларини бориб кўриш орқали

комплекс турларни таклиф қилиш имкониятини яратади. Уни ташкил этиш, олиб бориш ва ҳисобини юритиш саъантини белгилайди. Бу эса ҳам туристга ҳам туристик фирмаларга ҳам сайёҳликни тизимли жараёнини аниқлаб беришга кўмаклашади.

Туризм атамасининг таърифи «турист» атамасига таъриф беришда ҳам илмий асос бўлиб хизмат қилади. Масалан, *турист – шахснинг доимий яшаши жойидан вақтинчалик борар жойига 24 соатдан то 6 ой муддатга кетма-кет, муайян мақсадда ёки мақсадларда пул тўлланмайдиган саёҳати*. Мазкур тушунча туризмга берилган таърифнинг ўзагидан олинган ва ўз таркибига «ташкил этиш, олиб бориш ва ҳисобини юритиш саъанти» сўзлар бирикмасини қамраб олмайди. Чунки ушбу тизимли жараён турист ёки сайёҳнинг вазифасига эмас, балки туризмни ташкил этувчи, олиб борувчи ва ҳисобини юритувчи глобал, регионал, миллий ва локал миқёсда фаолият юритувчи халқаро ва миллий миқёсдаги уюшма, ташкилот, идора ва фирмаларнинг функционал вазифаларига киради.

Туризмни самарали ташкил этиш ва олиб бориш учун туристик объектлар, унда фаолият олиб борувчи мутахассислар ва сайёҳларга қўйиладиган бир қатор минимал ва максимал талаблар мавжуд (М.Б.Биржаков, 2005). Илмий, амалий адабиётлар ва Интернет веб-сайтларидан кенг фойдаланган ва уларни таҳлил қилган тарзда биз *туристик қадамжой ёки объектларга қўйиладиган умумий минимал қўйидаги талабларни келтириб ўтамиз:*

- аниқ бир мақсад ва вазифаларни бажариш имкониятига эгалиги;
- сайёҳларни 24 соатдан ортиқ яшаши учун шароитнинг мавжудлиги;
- туристик хавфсизликни таъминланганлиги;
- транспорт логистикасининг йўлга қўйилганлиги;
- туристик маршрутларнинг ишлаб чиқилганлиги;
- туристик сервис ва хизмат кўрсатишни борлиги;

➤ туристик объектлар бўйича сайёҳларни қизиқтирувчи маълумотларни етарли даржадалиги;

➤ турларни туристик объектлар бўйича гидлар билан таъминланганлиги;

➤ саёҳатбоб ахборот-картографик, иллюстратив каби маълумотлар билан таъминланганлиги ва ҳ.к.

Туристик қадамжойлар ёки объектларда фаолият олиб боровчи мутахассислар билан таъминлаш талабалари қуйидагилардан иборат:

➤ туризмни ташкил этиш ва уни самарали олиб боришда зарур бўлган тегишли ихтисослик ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

➤ уларни доимий равишда малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни йўлга қўйилганлиги;

➤ инновацион ва тадбиркорлик харкатерга эгалиги;

➤ чет тилларни яхши билиши ва ахборот коммуникация тизимларидан атрофлича фойдалана олиши;

➤ ижтимоий-психологик жиҳатдан мақбуллиги;

➤ мазкур соҳада камида 3 йиллик амалий тажрибага эгалиги;

➤ туристик объектлар бўйича атрофлича билим, кўникма ва малакага эга бўлиши ва юқори даражадаги касбий компетентлиги ва ҳ.к.;

Юридик ёки жисмоний шахсни «турист» мақомига эга бўлиш учун қуйидаги талабларга жавоб бериши зарур, деб ҳисоблаймиз:

➤ ўз олдига аниқ бир саёҳлик мақсади ва вазифаларини қўйиши;

➤ туристик объектларга доир иложи бориша тўлиқ ва атрофлича маълумотларга эга бўлиши;

➤ сайёҳлик мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан тарзда унга тайёргарлик кўриши;

➤ туристик хавфсизликни таъминлаш учун керакли бўлган барча шароитларни баҳолай олиши ва уни таъминлаши;

➤ бир суткадан ортиқ муддатга қолиш имкониятининг мавжудлиги ва ҳ.к.;

Кейинги ўн йилликлар мобайнида туризм шу қадар жадал ривожланиб бормоқдаки, унинг амалиёти илмий-назарий асосларига нисбатан илгарилаб кетди. Туризм турларини таснифлашда (классификациялашда) эса унинг визуал кўрсаткичлари, яъни кўзга ташланадиган индикаторлари олинмоқда. Масалан – тоғ туризми, қишлоқ туризми, табиий туризм, дарё туризми, денгиз туризми ва ҳ.к. (С.Р.Ердавлетов, 2000). Лекин туризмни ушбу амалий-визуал синфлаш илмда кўпгина чалкашлиklar ва ноаниқликларга олиб келмоқда. Масалан, «табиат қўйни»га туристларнинг ноэкологик мақсадларда (спорт билан шуғулланиш, балиқ ёки ҳайвонларни овалаш, хордиқ чиқариш ёки чўмилиш, даволаниш ёки доривор ўсимликларни йиғиш, табиат қўйнида овқатланиш) саёҳатлари экотуризм дея эътироф этилмоқда (А.Нигматов, Н.Шомуратова, Я.Холов, 2013). Қишлоқ жойларда яшаш орқали жойнинг агросаноати билан танишиш эса қишлоқ туризми дея таърифланди (А.Нигматов, Ш.Якубжонова, 2007, 2008).

Мазкур жумбоқли масалаларда табиат туризми билан экотуризм ёки тоғ туризми ўртасидаги фарқ нимада, қишлоқ туризми билан агротуризм ўртасидаги таффовутлар нималардан иборат деган ўринли саволларни туғдиради ва бунинг жавобини илмий асослаш зарурати юзага келди.

Таснифлаш ёки классификация – бу бирор ҳодиса, жараён, ҳолат ёки воқеликни маълум бир кўрсаткичларига қараб *тизимли даражасида ёки туркумлаш*¹. Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки (Б.Камолов, 2017) кўп тармоқлашаётган ва жадал суръатларда ривожланаётган туризмни таснифлаш ўта муҳим амалий–илмий аҳамият касб этмоқда. Туризмни таснифлашда мутахассисларнинг эътибори кўпроқ унинг объектига, яъни сайёҳларнинг танлаган манзилига қаратилмоқда (А.Нигматов, Н.Шомуратова, 2007). Лекин туризмни турларга ажратиш, синфлаш ва туркумлашда сайёҳларнинг олдига қўйган мақсадлари бирламчи

¹ Краткий словарь иностранных слов.- М.: «Изд.иностран.и нац. слов.»,1952.- С.179.

аҳамият касб этиши бизнинг 2013-2017 йиллар мобайнида Наманган вилоятида олиб борган турли социал гуруҳлар: катталар (50 ёшдан юқори) ва ўртача ёшдагилар (30—50 ёш) ўртасида ўтказилган, 120—130 нафар жисмоний шахсларни қамраб олган анкета–сўровнома натижалари ҳам кўрсатиб берди (1.1.1-жадвал).

1.1.1-жадвал

Туризмни таснифлашда анкета-сўровнома методидан фойдаланиш

<i>Гр</i>	<i>Қўйилган саволлар</i>	<i>Жавоб</i> (кўрсатиб ўтилган жавоблардан бирини танланг ва қўшимча саволларга аниқлик киритинг)	<i>Натижалар,</i> % ҳисобида
1.	<i>Касбингиз</i>	Тадбиркор	18
		Педагог	23
		Бошқа соҳа вакиллари	59
2.	<i>Сайёҳликка бўлган муносабатингиз</i>	Ижобий	63
		Салбий	18
		Бефарқман ёки ўйлаб кўрмадим	19
3.	<i>Қай бир сайёҳлик тури Сизга маъқул</i>	Тарихий туризм	47
		Диний туризм	30
		Туризмнинг бошқа турлари	23
4.	<i>Сиз маълум бир туризм турини танлашда нимани асос қилиб олдингиз</i>	Имкониятимни	17
		Юзага келган шароитни	10
		Олдимга қўйган мақсадни	73

Шундай қилиб туризмни синфлаштиришда сайёҳнинг нима мақсадда 24 соатдан 6 ойгача саёҳат қилиши ва меҳнат вазифасига кирмаган ҳаётий фаолиятининг асосий кўрсаткичи эканлиги Наманган вилоятининг туристик имкониятларини 1.1.2-жадвал орқали очиб беришда қўл келди.

Юқорида биз **тарихий туризм** таърифини мисол тариқасида бердик. У жаҳон туризм индустриясида қадимдан энг оммалашган туризм тури бўлиб ҳисобланади. Чунки ҳар бир давлат ва миллатнинг ўз тарихи бор ва уни тасдиқловчи қадамжойлари мавжуд. Ҳар бир давлат ёки маъмурий бирлик ўзининг тарихий

ёдгорликлари, музейлари ва обидалари орқали кенг жамоатчилик олдиди миллий қадриятларни тарғиб қилади, маънавияти ва маърифатини намоён этади. Бунга Ўзбекистоннинг дунёга машхур бўлган Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз, Тошкент, Наманган каби шаҳарларида ҳанузгача сақланиб қолинган ва республикамиз мустақиллиги туфайли кундан кунга ўз кўркини ҳамда сайёҳлик жозибадорлигини ошириб бораётган тарихий обидалари ва археологик манбаларини мисол қилиб олсак бўлади. Шундай қилиб тарихий туризмнинг мақсади — сайёҳлик ташкил этилган жойнинг ёки объектнинг тарихи билан таништириш орқали миллий қадриятларни сақлаш, маърифатни тарғиб қилиш ва маънавиятни юксалштиришга қартилган сайёҳлик туридир.

1.1.2-жадвал

Сайёҳликни мақсадига қараб туризмнинг таснифланиши

<i>Т/р</i>	<i>Туризм турлари</i>	<i>Туризмнинг мақсади</i>
1.	<i>Тарихий</i>	Жойнинг тарихини ўрганиш
2.	<i>Диний</i>	Диний қадамжойларни зиёрат қилиш
3.	<i>Рекреация</i>	Дам олиш ва хордиқ чиқариш
4.	<i>Нозо (тиббиёт)</i>	Саломатликни тиклаш ва реабилитация қилиш
5.	<i>Спорт</i>	Жойнинг шароитидан жисмоний тарбияга эришиш
6.	<i>Агро ёки қишлоқ</i>	Аграр соҳани ўрганиш орқали қишлоқ хўжалигини аниқлаш
7.	<i>Экстремал</i>	Анъанавий ёки ноанъанвий экстремал ҳолатда дам олиш ва хордиқ чиқариш
8.	<i>Шоп</i>	Тижорат билан шуғалланиш
9.	<i>Экологик</i>	Экотизимларга ташриф буюриш орқали атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш
10.	<i>ва ҳ.к.</i>	Муайян мақсадларни кўзлаш

Диний туризм тарихий туризм каби энг қадимий сайёҳлик турларидан бири. Унинг мақсади асосан учта вазифани ўз таркибига камраб олади:

1. Диний ақида, фарз ва урф-одатларни шахс томонидан рўёбга чиқаришга хизмат қилиш. Бунга мусулмонлар, яъни ислом динини эътиқод қилувчиларнинг 5 та фарзларидан бири бўлиб

ҳисобланган «Хаж» ва «Умра» сафарини адо этишлари учун Саудия Арабистондаги Макка ва Мадина шаҳарларига қиладиган сайёҳатлари. Католикларни Италия ҳудудида жойлашган ва алоҳида бир мамлакат тариқасида рўйхатга олинган ҳамда Рим папаси қароргоҳи жойлашган Ватиканга қиладиган сайёҳатлари. Иудей ва Христиан дини проваславларнинг Иерусалим(Қундуз)га, буддизмга эътиқод қилувчиларни эса бир қатор Осиё қитъаси мамлакатларида жойлашган будду обидаларига қилидаган сайёҳатларини мисол тариқасида олиш мумкин.

2. Муайян бир динни юзага келиши, ривожланиши ва оммалашувида роль ўйнаган диний шахслар билан боғлиқ бўлган қадамжойларга қилидагин сайёҳатлар. Буларга Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларидаги азим-авлиёлар Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Зангиота, Муллаохун каби шасларнинг руҳи поклари ётган жойларига сайёҳатларни мисол қилиб келтириш мумкин.

3. Диний қадамжойлар – мақбара, масжид, эҳромлар, хайкал, будда, музейлар кабиларга қилинадиган сайёҳатлар киради.

Шундай қилиб диний туризмнинг мақсади – диний фарз, одат, кўникма ва ўзига хос хусусиятлари билан сайёҳликни ташкил этиш, олиб бориш ва ҳисобини юритишдир.

Географик фанларда энг мунозарали илмий мушоҳадалардан бири рекреация ва туризм тушунчаларидир. Деярли барча илмий, ўқув, ўқув-методик адабиётларда туризм рекреациянинг бир тури сифатида қаралади. Лекин аслида эса бунинг акси, яъни рекреация туризмнинг бир туридир. Чунки **рекреация** сўзи полякчада «rekraśiya» – дам олиш, лотинчада эса «rekratio» – соғлиқни тиклаш деган маъноларни англатади. Замонавий туристик таснифлашда (Ю.П.Супруненко, 2005) соғлиқни тиклашга тегишли ижтимоий муносабатлар «нозотуризм» ёки «медикотуризм» таксономик бирлиги алоҳида тур сифатида ажратилиб кўрсатилмоқда. Шунинг учун ҳам рекреацияни шахснинг дам олиши ва ҳордиқ чиқариши мақсадида уюштириладиган алоҳида сайёҳлик тури деб ажратиш мақсадга мувофиқдир.

«Нозотуризм» ёки «Медикотуризм» рекреация туризмдан фарқли равишда, шахсга икки функционал туристик вазифаларни, яъни кишиларнинг соғлиғини сақлаш, муҳофаза қилиш ҳамда уларни реабилитация қилишга (путур етган саломатликни қайта тиклаш) йўналтирилган бошқарув, менежмент ва маркетингдир. Аксарият адабиётларда нозотуризм икки тармоққа ажратилган – маҳаллий (локал) ва ташқи халқаро (Т.Тошмуродов, 2007). Бундай туризм турини тиснифлаш тўғри эмас. Зеро, одатда, «локал» сўзининг синоними — «регионал», «глобал», «ташқи» сўзининг синоними эса «ички» деган сўзлардир.

Бизнингча, «Нозотуризм»нинг ҳудудийлик кўрсаткичларига қараб нозогеографик шароит ва имкониятларни тўрт:

- ✓ локал (маҳаллий миқёсдаги);
- ✓ миллий (давлат миқёсдаги);
- ✓ регионал (минтақавий миқёсдаги);
- ✓ глобал (жаҳон миқёсдаги) турга ажратиш мақсадга мувофиқ.

Маълумки аксарият касалликларни даволаш учун Ўзбекистон аҳолисининг 17 мингга яқини Германия, Ҳиндистон, АҚШ, Россия каби даволаниш масканларида хирургия операцияларини ўтказиб келмоқдалар. Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд даволаниш масканларида Марказий Осиё давлатларидан йилига 3000–4000 киши Туркманистон, Тожикистон, Қозғистон ва Қирғизистон республикаларидан келиб ўз саломатликларини тиклаб кетмоқдалар.

Аҳолининг соғлом турмуш даржасининг ўсиши ва спортга бўлган юксак эътибор, транспорт логистикасининг тармоқлашуви, глобал миқёсда қуролли тўқнашувларнинг бартарф этилганлиги «**Спорт туризми**»ни оммлашиб кетишига олиб келди. Бунга турли миқёсдаги спорт ўйинлари ва мусобақаларининг доимий равишда ўтказилиши, унда барча мамлакатлардан келган турли ёшларнинг кенг тармоқлашган спорт турларига бағишланган мусобақаларининг мунтазам равишда йил бўйи ўтказилиши унинг ўзига хос туризм тури сифатида шаклланишига олиб келди. Биргина 2018 йилнинг июнь-июль ойларида Россия

Федерациясининг 13 та шахрида ўтказилган Жаҳон бўйича футбол мусобақасига 3,1 млн. сайёҳни жалб этди. Лекин, мазкур мусобақани ташкил этган мутахассислар ва унда қатнашган футболчиларга жуда катта миқдорда пул тўланди. Шунинг учун ҳам улар турист эмас, балки уни томоша қилишга келган шахслар турист мақомига эга бўлдилар.

Шундай қилиб спорт туризмнинг мақсади – *шахснинг спорт билан шугулланиши, мусобақаларга тайёргарлик кўриши ва уларни ўтказилишини ҳамда томоша қилишини ташкил этиши, олиб бориши ва ҳисобини юритишига доир пул тўлланмайдиган саёҳат туридир*. Агарда ушбу мусобақаларда иштирокчиларга пул тўланадиган бўлса у сайёҳликка кирмайди.

Агротуризм қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш учун унинг туристик имкониятларидан кенг фойдаланиш (А.Нигматов, Ш.Якубжанова, 2010). Ушбу мақсадда нафақат жойнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, балки маърифий ва маънавий мақсадларни кўзлаган ҳолда ҳам ташкил этилган сайёҳлик агротуризмга киради. Бунда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ўзига хос равишда жойлаштирилиш ва етиштириш технологиялари, йиғиштириб олиш, сақлаш ва реализация қилиш усуллари, ушбу жараён билан боғлиқ этнографик жараёнлар (урф-одатлар, маросимлар, байрамлар) ҳам киради. Агрофирма ва унинг тармоқ таркибидаги мажмуаларнинг иш фаолиятини билан яқиндан таништириш, кўргазмалар ўтказиш ва музейлар билан таништири ҳам агротуризм объекти бўла олади.

Ўзбекистонда агротуризмни йўлга қўйишда Ш.Т.Якубжонова олиб борган тадқиқотлари (2008-2018 йй.) унинг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқишда катта хисса қўшди. У *агротуризм объектларига* агромажмуалар: экин майдонлари (пахта, ғалла, шоли майдонлари), чорвачилик (қоракўлчилик, йилқичилик кабилар) комплекслари, балиқчилик, асаларичилик, пиллачилик, паррандачилик каби хўжаликларни киритди. Миллий анъаналар – ўзбек миллатига хос бўлган байрам, тантана, урф-одат ва маросимлардан (табиат ва уни муҳофаза қилиш мақсадида ўтказиладиган баҳор байрамлари «Наврўз», «Сумалак сайли»,

баҳор ва ёз фаслларининг бир қатор ойларида «Сув сайли» билан боғлиқ тадбирлар, дарахт мевалари пишиб етилган вақтларда «Тут сайли», экин ҳосилларни йиғим-теримига бағишланган байрамлар сирасига «Меҳржон», қовун, узум, анжир ва анор каби сайллар асосан йилнинг куз ойларида бўлиб ўтади. Миллий урф-одат ва маросимларга эса қадимдан нишонланиб келинаётган, айрим ҳудудларда сақланиб қолган урф-одатлар, (осмон-ёмғир сувларига бағишланган «Суст хотин» маросими Хоразм, Бойсун, Фориш, Зомин каби туман ва шаҳарларда баҳор ойларида бўлиб ўтади), табиий равишда юзага келган гейзер булоқлари ва ҳудуддан оқиб ўтувчи сойлар билан боғлиқ (Шоҳимардонда «Кўли Қуббон», Наманган, Пешқўрғон, Бойсунда «Биби сешанба», Ургутда «Сув чашмалари») тадбирларни ҳам бўлишини инобатга олиб, бу соҳа ривожини йўлида янги методлардан фойдаланган ҳолда такомиллаштиришни мақсадга мувофиқ деб билди.

Экстремал туризм – сўнги йилларда кенг маънода турли миқёс ва даражага таваккалчилик билан боғлиқ бўлган дам олишнинг алоҳида турига киритилаётган сайёҳлик. Унда *замонавий техник воситалар ва қуроллардан (GPSи бошқа навигаторлар, ўқ отиш каби) фойдаланишни инкор этувчи сайёҳлик* инобатга олинади. Унда *инсонларнинг ибтидоий имкониятларини (қадимий анжомлар ва жиҳозлар, энг оддий ва содда қуроллар – пичоқ, гугурт, фляга, ёғоч тайоқ кабилардан) ёки катта тўлқинлар, шовқинли сойлар, баланд бино ва миноралардан фойдаланиш* мумкинлигини эслаб ўтиш даркор. Экстремал туризмда кишини табиат қўйнида яккама-якка яшаш тарзини олиб бориш усули ҳам киритилмоқда. Кўпгина телеканалларда айнан туризмнинг энг хавфли турини кенг тарғиб қилиниши уни ёшлар ўртасида оммалашиб боришда катта туртки бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур туризм турига – «Чернобил тур» (Украина), «Ўлим йўли» (Боливия), «Сак Актун» (Мексика), «Алпинизм», «Рафтинг» (Германия, Австрия, Россия, Швейцария, Канада, АҚШ), «Дайвинг» (Япония, БАА, Шри Ланка, ЖАР), «Спелеотуризм» (Чехия, Россия, Хитой, Хорватия), «Роуп-джампинг» (Словакия, АҚШ, Польша) мисол қилиб олиш мумкин.

Шоп туризм – аксарият ҳолларда *ривожлаётган мамлакатлардан ривожланган мамлакатлар томон туристик оқимнинг арзон моддий неъматларни савдо қилиш орқали тижоратни юритишга қаратилган сайёҳлик*. Шоп туризмни ташкил этиш, олиб бориш ва назоратини йўлга қўйиш барча мамлакатлардаги туристик фирмаларнинг фаолият функцияларига киритилган савдо билан бир қаторда туризмнинг бошқа турларидан кенг фойдаланишни назарда тутди. Унинг давомийлиги одатда 4-6 кунни ташкил этади ва унда ўзига хос усуллардан фойдаланилади. Масалан, Европа мамлакатларига қилинадиган шоп турларга мавсумийлик, яъни йилнинг арзонлаштирилган («sale») савдо вақтига тўғри келишини инобатга олиш, Россия Федерацияси, Эрон, Хиндистон, Қозғистон ва Қирғизистон республикалари, Араб амирлиги ва Хитой Халқ Республикаларига ташриф этиладиган шоптурлар арзон ва кенг товар ассортиментлиги билан ўзини йил бўйи сайёҳларни жалб этади.

Туризмнинг энг жадал суратларда ривожланаётган турларидан бири – экологик туризм ёки қисқа қилиб айтганда «Экотуризмга», тадқиқот предмети бўлгани учун ҳам, қуйида алоҳида эътибор қаратамиз.

1.2. Экология ва унинг объекти ҳақида

Фанда, айниқса, таълимда атама ёки терминни турлича ифода этилиши, унинг мазмун ва моҳиятига турлича ёндашишга сабаб бўлади. Бу ўринда «экология» атамаси алоҳида урғу касб этади. Зеро кундалик фаолиятимизда энг кўп қўлланиладиган терминлардан бири экологиядир. Экология сўзининг таълим ва тарбияда турлича ишлатилиши «экологлар»ни аҳолининг экологик онги ва маданиятини устиришга берган ёрдамларидан кўра зарарлари кўпроқ бўлиши ҳам мумкин.

Анъаналарга кўра, экология – тирик организмлар ўзаро ва уларни яшаш муҳити билан бўладиган муносабати ҳақидаги фан, деб юритилади. Бу маъно унинг грекча атамасидан келиб чиққан тарзда ифода этилган. Чунки грекчада «oikos» — уй, яшаш жойи,

яшаш муҳити, яшаш макони, «logos» — таълимот. Уларни бирлаштирган тарзда организмларнинг яшаш муҳити ёки макони ҳақидаги таълимот, дейиш мумкин. Бу ҳолатда, «Биология» фанидан фарқли равишда, «Экология»да асосий эътибор организмларга эмас айнан яшаш маконига қаратилади. Аваллига экологлар маконни табиатдан қидириб топадилар, сўнгра, ундаги организмлар ва уларни ушбу макон билан бўладиган ўзаро алоқадорлик қонуниятларини қидирадилар. Биологлар эса, аввалам бор, организмларни топадилар, уларни ҳар томонлама тадқиқ этадилар, сўнгра уларни атроф-муҳити ўртасидаги боғлиқликни қидирадилар.

Немис биолог олими *Эрнест Геккель* 1866 йилда чоп этган «Организмларнинг умумий морфологияси» деган китобида илк бор экология атамасини қўллади (1.2.1-жадвал). Унинг таърифига кўра, *Экология* – табиатни иқтисодий жиҳатдан тадқиқ қилиш орқали ҳамма тирик организмларнинг органик ва ноорганик муҳит унсурлари билан бирга, унинг таъсир доирасида турган антогонистик ва ноантогонистик алоқадорликда бўлган ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ўртасидаги муносабатларни очиб беришидир. Э.Геккель «Экология» сўзига таъриф берар экан, унинг инсон томонидан «табиатни иқтисодий тадқиқ қилиш» деган иборалари биз учун алоҳида аҳамият касб этади. Зеро «иқтисодиёт» сўзи ҳам грекчада «oikonomike», яъни «oikos» — уй, яшаш жойи, «nomikos» эса хўжалиги, хўжалигини юритиш деган сўзлардан олинган. Америкалик йирик эколог олим проф. Ю.Одумнинг фикрича экология ва иқтисодиёт ажралмасдир. Уларнинг ўзаги бир, зеро инсон ҳам организмларнинг бир бўлгидир. Э.Геккель табиатни сон жиҳатдан ифодаланиши инсон иқтисодиётига нечоғлиқ боғлиқлигини ифодалади. У бирламчи капитал кўпинча «табиатга салб юриш» орқали жамғарилади, деган эди. Ҳозирги «янги ўзбеклар» ҳам бундан истесно эмас. Шунинг учун БМТнинг Мингйиллик барқарор ривожланиш концепциясида экологик муаммоларни иқтисодий ва ижтимоий муаммолар билан биргаликда ҳал этиш лозимлиги қайд этилган.

**Хорижий ва миллий тадқиқотчиларнинг «Экология»
атамасига берган тушунчалари**

<i>T/p</i>	<i>Экология тушунчаси</i>	<i>Муаллифи</i>	<i>Асарнинг номи ва чоп этилган йили</i>
1	Табиатни иқтисодий жиҳатдан тадқиқ қилиш орқали ҳамма тирик организмларнинг органик ва ноорганик муҳит унсурлари билан бирга, унинг таъсир доирасида турган антогонистик ва ноантогонистик алоқадорликда бўлган ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ўртасидаги муносабатларни очиб беришдир	Э.Геккель (Германия)	Организмларнинг умумий морфологияси 1866
2	Умумбиологик фан бўлиб, у организмлар ва муҳит ўртасидаги алоқадорлик қонуниятлари тўғрисидаги фан	Б.Г. Иоганзен (Россия)	Экология асослари 1959
3	Организмлар ва уларнинг атроф-муҳити ўртасидаги ўзаро алоқадорлик йиғиндиси ва характериға оид фан	Ю.Одум (АҚШ)	Экология асослари 1971
4	Тирик организмларнинг яшаш шароити ва уларнинг ушбу шароитдаги ўзаро алоқадорлигини тадқиқ қилувчи фан	Р.Дажо (Франция)	Экология асослари 1972
5	Тирик организмларнинг яшаш шароити ёки ташқи муҳит билан ўзаро муносабати ҳақидаги фан	А.Тўхтаев, А.Ҳамидов (Ўзбекистон)	Экология асослари ва табиатни муҳофаза қилиш 1994
6	Организмлар ва улар билан атроф-муҳит ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўрганадиган фан	ЎЗМЭ-ДИН	Ўзбекистон Миллий энциклопедияси 2005
7	Организмлар ва инсон фаолияти таъсир этувчи табиий яшаш муҳитида организмларнинг ҳаётий фаолияти қонуниятларини тадқиқ қилувчи фан	А.Эргашев (Ўзбекистон)	Экология асослари 2008
9	Муайян табиат тизими(экотизим)да организмлар ўзаро ва уларни атроф табиий муҳити ўртасидаги муносабатларни тадқиқ қилувчи фан тармоғи, унга оид билим, малака ва компетенцияларни	А.Нигматов (Ўзбекистон)	Экология нима 2013

	берувчи таълим йўналиши, ушбу муносабатларни оптималлаштиришга йўналтирилган иқтисодиёт соҳаси		
10	Муайян экотизимларда организмлар ўзаро ва уларни атроф табиий муҳити ўртасидаги муносабатларни тадқиқ қилувчи фан тармоғи, унга оид билим, кўникма, малака (компетенция даражасини) берувчи таълим йўналиши, ушбу муносабатларни оптималлаштиришга қаратилган иқтисодиёт соҳаси	А.Нигматов ва Б.Камолов	Экотур-измнинг ҳудудий, даврий ва компле-кслик хусуси-ятлари 2018

Э.Геккель инглиз олими Чарльз Дарвиннинг организмларнинг эволюцион ривожланиши тўғрисидаги таълимотини ривожлантириб, ҳар қандай тирик мавжудот атроф табиий муҳитга мослашиб, ўзининг морфологик (ички) ва морфометрик (ташқи) кўрсаткичларини ўзгартириб боришини, мослашмагани эса табиий танлаш асосида қирилиб кетишини исботлаб берди. Э.Геккелдан сўнг экология иборасига юзлаб ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди. Нима бўлганда ҳам ҳанузгача унинг бирламчи тушунчаси умумий тарзда сақланиб қолинди. Умуман олганда, экология фан → таълим → амалиётнинг ягона тизими . У экологик таълим ва тарбиянинг фундаментал илмий-назарий асоси бўлиб хизмат қилади.

Экология организмларнинг яшаш жойи ёки макони ҳақидаги таълимот экан, тадқиқот объекти фанда нима деб аталади ва у қандай гуруҳларга ажратилади? Мазкур саволларга жавобни илк бор **Ю.Одум (1986)** бериб, у *экологиянинг объекти экотизимлар* эканлиги ва унда организмлар популяцияси жонсиз муҳит билан биргаликда тадқиқ қилинади ва ягона тизимли мажмуа ҳосил қилади деди.

Улар икки кўринишда намоён бўлиши мумкин. Биринчиси, *нисбатан тегилмаган ёки ўзгармаган ва ўз табиий келиб чиқиш хусусиятини йўқотиб қўймаган табиат ёдгорликлари* (шаршаралар, ғорлар, дарахтлар ва уларнинг композициялари, ноёб турдаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, ер ости бойликлари ва топилмалари, ўзига хос шаклдаги тошлар ва ҳ.к.), *ландшафтлар*,

сув акваториялари, қуруқлик юзаси, атмосфера қатлами каби табиий унсурлар ва комплекслар. Кейингисига асосан алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар – резерват, биосфера қўриқхонаси, қўриқхоналар, буюртма қўриқхоналар, миллий табиий боғлар каби давлатнинг алоҳида эътибори билан равишда қўриқланадиган жойлар киради.

Ўзбекистон ўзининг туристик ресурслар потенциали бўйича Марказий Осиёда олдинги ўринлардан бирини, дунёда эса юқори ўринларни эгаллайдиган 10-15 та мамлакатлар ичидан ўрин олган. Кишилиқ жамиятининг ва узоқ геологик ривожланиш даврларда вужудга келган тўрт мингдан ортиқ архитектура, тарихий ва табиий ёдгорликлар мавжуд. Унинг ҳудудида қўриқхоналарнинг ўзидан тўққистаси мавжуд. Уларнинг умумий ер майдони 209,6 минг га ерни қамраб олган. Қўриқхоналардан бири Чотқол тоғ-ўрмон давлат биосфераси мақомини олган. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тасарруфида: Чотқол тоғ-ўрмон биосфера (Тошкент вилоятида), Ҳисор тоғ-арча (Қашқадарё вилоятида). Қишлоқ ва сув хўжалиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси тасарруфида: Зомин тоғ-арча (Жиззах вилоятида), Бадай-тўқай текислик-тўқай (Қорақалпоғистон Республикасида), Қизилқум қумли-тўқай (Бухоро ва Хоразм вилоятларида), Зарафшон текислик-тўқай (Самарқанд вилоятида), Нурота тоғ-ёнғоқ (Жиззах вилоятида), Сурхон тоғ-ўрмон (Сурхондарё вилоятида) қўриқхоналари ҳамда Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси тасарруфида: Китоб геологик қўриқхонаси фаолият юритмоқда.

Иккинчиси, *кишилар фаолияти (антропоген) ёки табиий жараён ва ходисалар (офатлар) натижасида ўзгарган табиат ёдгорликлари, унсурлари ва комплекслари.* Буларга учюздан зиёд гидрографик объектлар, карерлар, техноген бузилган ерлар, кесилган ва ёқилган ўрмонлар, жарликлар, сурилмалар, ўпқонлар киради. Бу ўринда мисол тариқасида энг йирик экотуризм объекти қилиб Орол денгизи ва унинг атрофидаги бузилган ҳудудларни келтириш мумкин.

А.Рафиков (2000) экотизим билан геотизим ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни очиб берар экан, у экотизим моноцентрик, геотизим эса полицентрик комплекс деб атайди. Экотизимларни таснифлашда у трофик занжир ва адаптация ҳодисаси бирламчи аҳамият касб этса, геотизимларда – муҳит устиворлиги, дейди. Геотизимлар экотизимларга нисбатан мураккаб тузилган юқори вертикал тузилишга эга. А.Рафиковнинг айрим ҳудудийлик ва кенглик доирасидаги фикларига қўшилиш билан бир қаторда, унинг айрим дунёқарашларига қўшилиш қийин. Чунки, биринчидан, экотизим ва геотизим сингари иерархик поғонада турувчи мажмуалардир. Буни Ю.Одумнинг укаси Г.Одум (1967, 1971) экотизимлар ўртасидаги ўзаро ташқи алоқалар ҳам айнан тизимли ёндошувга мос келиши кераклигини очиб берди. Экотизимлар, нафақат қуруқлик геотизимлари, балки атмосфера ҳавоси ва литолик кенгликлар, сув акваторияси, тупроқ қатламларидаги тизимлардан ҳам иборатдир. Геотизимлар географик қобикдан пастга томон таснифланса, экотизимлар экосферадан пасга томон қисмларга ажратилади. Геотизимларнинг энг кичик таксономик бирлиги «фация» даражасигача тушса, экотизимларники – бир томчи сувгача бўлган кичик таксономик birlikни ҳам қамраб олиши мумкин. Экотизимларга озуқа занжири эмас, балки уларни яшаш муҳити, макони нуқтаи назаридан қараш мантиқан тўғридир.

Шундай экан, экотизимлар ўз таснифлаш birlikларида муайян геотизимларни ҳам қамраб олиши мумкин, зеро геоэкология экологиянинг бир тармоғидир. Геоэкология асосан қуруқлик геотизимларини ўрганса, экологиянинг яна бир тармоғи «Гидроэкология» сув экотизимларини, «Атмосфера экологияси» ҳаво кенглигидаги экотизимларни, «Тупроқ экологияси» унинг қатламларидаги экотизимларни, «Геологик экология» эса экосфердаги экотизимларни тадқиқ қилади (А.Нигматов, 2013).

Биз ўз тадқиқотларимизда, шу кунгача Ўзбекистонда олиб борилган географик тадқиқотлардан фарқли равишда, Наманган

вилоятининг куруқлик экотизимларини ўрганишга бағишлаймиз. Чунки миллий экотуризмнинг тадқиқот предмети унинг объекти, яъни куруқлик экотизимларидан сайёҳлик мақсадида фойдаланишдир.

Экотизимларни тадқиқ қилишда асосан икки ҳил ёндошув қўлланилади: холистик, яъни бир бутунлик ва мерологик, яъни қисмларга ажратиш методларидан фойдаланилади. Холистик ёндошувда экотизимларда модда ва энергия оқимининг барча компонентларини сон ва сифат жиҳатдан мажмуали тадқиқ қилиш. Масалан, америкалик эколог Ж.Хатчинсон ўзининг «Кўл микрокосмосларини кўриб чиқишнинг янги тажрибаси» деган китобида Э.Биргенинг тадқиқотларида асосий эътибор кўл экотизимининг таркибини ўрганишга эмас, балки унга келиб тушадиган энергия оқимининг миқдорини ўлчашга бағишлаган, дейди¹.

Мерологик ёндошувда эса экотизимларни бирламчи ва иккиламчи қисмларга ажратиш ва унинг асосий компонентларига таъсир этувчи омиллар, ҳодиса ва жараёнларни ўрганишдан иборат. Сўнгра, олинган натижалар асосида бутун бир экотизимлар ҳақидаги тасовурлар таҳлил этилади ва умумлаштирилади. Биз ҳам вилоят экотизимларини таснифлашда мерологик усулдан фойдаландик. Чунки экотизимларда жонли ва жонсиз табиат ўзаро узвий боғлиқда туради, яъни жонсиз табиий омиллар организмлар тури, уларнинг морфологик ва морфометрик кўрсаткичларига бир томонлама таъсир этмасдан, балки организмлар ҳам уларга ўз таъсирини ўтказади. Масалан, ўрмонда дарахтларнинг морфологик ва морфометрик кўрсаткичлари ўрмон экотизимларида ўзига хос тупроқ, иқлим, сув, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини юзага келтиради. У чўл экотизимларидан кескин фарқ қилади. Ўрмонларнинг кесилиши дашт экотизимларига хос иқлим, тупроқ, сув ва организмларнинг шаклланишига олиб келади. Экотизимларда организмларнинг ранг баранглиги, сони ва таркиби нотирик табиатнинг таркибига тўғри пропорционалдир. Шунинг

¹ Ю.Одум. Экология. 1-том. -Москва: Мир, 1986.-24 с.

учун ҳам табиий экотизимларнинг органик дунёсини муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланиш ва биологик хилма-хилликни сақлаш ҳамда қайта тиклаш экотуризмнинг энг долзарб муммоларидан бири бўлиб ҳисобланилади.

А.Нигматовнинг «Экологиянинг назарий асослари» деган ўқув қўлланмасида (2013) экотизимлар тушунчаси, мазмуни ва моҳиятига доир атрафлича назарий билимларнинг таҳлили баён этилган. Биз ушбу илмий-назарий фикрларга қўшиламиз, лекин экотизимлар классификасини, яъни таснифланишини аниқ бир мисоллар келтириб берилмаганлигини айтиб ўтишни зарур деб билдик. Ўзбекистонда илк бор биз қуйида Наманган вилояти экотизимларини таснифлашга уриниб кўрдик.

1.3. Экологик туризм – мустақил сайёҳлик тури

Экологик туризм, яъни экотуризм тор маънода кишиларни экотизимларга саёҳат қилишлари, дейиш мумкин. Кенг маънода эса экотуризм — шахсларнинг доимий яшаш жойларидан дам олиш, спорт билан шуғулланиш, соғломлашиш, иқтисодий, ижтимоий, маърифий-маънавий ишларни амалга ошириш ёки бошқа мақсадларни кўзлаган ҳолда экотизимларга қиладиган саёҳатлари (А.Нигматов, Н.Шомуратова, 2011). Юқорида туризмга берилган таърифдан келиб чиққан тарзда *экотуризмни – шахснинг доимий яшаш жойидан вақтинчалик бирор жойга 24 соатдан то 6 ой муддатга кетма-кет, унинг экотизимларидан атраф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва бузилган табиат муамуларини қайта тиклашни мақсад қилиб олган пул тўлланмайдиган саёҳатни турли миқёсда тизимли ташкил этиш, олиб бориш ва ҳисобини юритиш санъати*. Бундай тушунча унинг «Барқарор риволаниш таълимига» (БРТ) берган талабларига мос тушади¹.

Шундай қилиб экотуризмнинг сайёҳлик объекти – экотизимлар. Мақсади эса экотизимларни муҳофаза қилиш, экотизимларнинг

¹ (<https://knowledge.allbest.ru>).

табiiй ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва бузилган табиат тизимларини қайта тиклашга қаратилган сайёҳликдир (1.3.1-расм).

Экотуризм туризмнинг мустақил тури сифатида XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларида ривожлана бошлади. Шунинг учун ҳам ҳозиргача унинг умумэътироф этилган илмий-назарий асослари тўлиқ шаклланмаган. Экотуризм асосларини илк бор хорижлик олимлар R.Davidov (1990), A.B.Дроздов (1999), A.Таксанов (2001), B.B.Храбовченко (2003), T.B.Бочкарева (2003), Л.И.Егоренковлар (2003) ишлаб чиқа бошладилар. A.Таксанов (2005), H.Тухлиев ва T.Абдуллаевалар (2006) экотуризмга маркетинг ва менежмент нуқтаи назардан ёндошганлар.

A.H.Нигматов, H.T.Шамуратова (2007), H.T.Шомуратова (2011, 2015) экотуризмни мустақил фан, таълим ва амалиёт тармоғи эканлигини исботлаб беришган. P.Хидоятлов ва бошқ. (2014) экотуризмнинг ҳудудийлиги, даврийлиги ва комплекслилигини ёритишга ҳаракат қилишган. Улар маҳаллий маъмурий бирлик ва экотизимлар экотуризмнинг алоҳида бир объекти, уларнинг туристик имкониятлари эса махсус тадқиқот предмети сифатида қаралмаган.

ЭКОТУРИЗМ: ТУШУНЧАСИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Экотуризм – шахсларнинг доимий яшаш жойларидан муайян (24 соатдан кам бўлмаган) муддатга дам олиш, спорт билан шуғулланиш, соғломлашиш, маърифий-маънавий тадбирларни олиб бориш каби мақсадларни кўзлаган ҳолда табиий объектларга қиладиган экологик характердаги саёҳатлари.

Экотуризмнинг мақсади – ҳозирги ва келажак авлодларнинг экологик хавфсизлиги ва барқарор ривожланишни таъминлаш учун экотизимлардан сайёҳлик йўналишда оқилона фойдаланиш



1.3.1-расм. *Экотуризмнинг асосий назарий масалаларини акс эттирувчи инфографика*

2002 йилнинг Йоханнесбург Бутунжаҳон Саммитида (БРБС) қабул қилинган муҳим халқаро ҳужжатлардан бири «БРБС миллий давлат чегарасида ва унинг ташқарисида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қарорларини бажариш режаси»нинг IV бўлими 24-26 моддаларида, Халқаро экотуризм йили (2002 йил), БМТнинг Халқаро маданий мероси йили (2002 йил), Квебек декларацияси ва Бутунжаҳон туризм ташкилотининг «Глобал туризм этикаси кодекси»даги нормаларга асосланиб экотуризмни рағбатлантириш зарурлиги такидланиб ўтилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Экологик туризм субъекти ёки унинг қатнашчилари бўлиб жисмоний ва юридик шахслар чиқиши мумкин. Фуқаролик қонунчилигига биноан жисмоний шахсларга-муайян давлат фуқаролари, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган инсонлар киради. Ўзбекистон Конституциясининг 50-моддасига биноан барча фуқаролар, қандай фаолият билан шуғулланмасинлар, атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар. Афсуски жисмоний шахсларнинг туристик ҳаракатлари стихияли равишда кечиши, яъни муайян ташкилий ва бошқарув имкониятининг камлиги билан ажралиб туради. Маълумотларга қараганда² экологик туризм билан банд бўлган жисмоний шахслар юридик шахсларга нисбатан 3-4 баробар кўпроқ атроф табиий муҳитга зарар келтирар эканлар. Биригина АҚШнинг Луизиана штатида «эркин» ҳолдаги туристлар орқали қунига табиатга 13-16 млн. долларлик талофат келтирилмоқда (А.Нигматов, Н.Шомуратова, 2010). Экологик чора сифатида маҳаллий бошқарув органлари жисмоний шахсларни «экологик сертификатлаш» ва «экологик суғурталаш»га мажбур этишни йўлга қўймоқда.

Юридик шахс эса ўз мулкида, хўжалик юретишида ёки оператив бошқарувида экологик туризм билан шуғулланиш имкониятини берувчи мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб бера оладиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, қўйилган

² Отчет Межправительственной комиссии по туризму.- Гаага,1989.-123 с.

мажбуриятларини бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот, корхона, муассаса.

Юридик шахслар, жисмоний шахслардан фарқли, юридик мақомига кўра уюшган, махсус рухсатномага эга бўлган, баланс ва сметасида тегишли туризмга оид ҳаражатларни кўзда тутган, салбий экологик оқибатларга ўзининг мол-мулки билан жавоб бера оладиган ёки даъвогар бўла оладиган шахс ҳисобланилади. Бошқача қилиб айтганда, давлат, нодавлат ва ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан бошқариш ва тартибга солиш имконияти юқорилиги билан ажралиб турадиган экотуризм қатнашчилари бўлиб юридик шахслар ҳисобланилади. Шунинг учун ҳам келажакда махсус тайёргарликка ва жавобгарликка эга бўлган экологик йўналишдаги туристик ташкилотларни ривожлантириш халқаро ҳамжамият, давлат ва жамиятнинг асосий вазифаларидан бўлиб қолади.

Республикамиз турфирмаларидан бири «Экосан-тур» 2002 йилдан буён фалоят юритиб келмоқда. У барча давлат ва нодавлат органлари билан биргаликда юртимизнинг гўзал табиат масканларига саёҳатларни уюштириш, фуқароларимизни ўзга юрт табиати билан таништиришни мақсад қилдиб қўйган. У халқаро маркази «Экотуризм ва барқарор ривожланиш» мавзусида министрликлар, шахсий туристик фирмалар ва компаниялар, жамоат ташкилотлари, дипломатик корпус ҳамда халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари иштирокида 2014 йил сентябрь ойида Тошкент шаҳрида халқаро конференцияни ўтказди. Конференция келажакда Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш учун тавсиялар ишлаб чиқди ва уларни тегишли давлат органлари ҳамда туристик компанияларга мазкур тадбирларни амалга ошириш учун тавсиялар берди.

Экотуризм ўз мазмун ва моҳиятига кўра шахсларнинг турғун яшаб турган жойларидан маълум бир мақсадларни (тўғрироғи экологик) кўзлаган ҳолда ўзга табиий объектга (жой ва маконга) қилган саёҳатлари. Бу ўринда икки масалага аниқлик киритиб олиш даркор. Биринчиси – *саёҳатчи, сайёҳлик*. Кишиларнинг қандай

ҳаракатлари айнан сайёҳликка киради (Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида уни туризм дея эътироф этилган¹). *Киши (фуқаро) сайёҳатчи бўлиши учун доимий яшаш жойидан пул тўланадиган фаолият билан шугулланмаган ҳолда 24 соатдан 6 ойгача бўлган узлуксиз муддатга вақтинчалик яшаш жойига (мамлакатига) бориб келиши ёки у ерда камида бир тунни ўтказиши зарур*².

Экологик сайёҳлик замонавий туризмнинг янги йўналишларидан бири бўлиб, охириги ўн йилликда бутун дунёда кенг миқёсда ривожланмоқда. Маълумотларга қараганда³ у сайёҳлик бозорининг 20% қамраб олган, ўсиш суръати эса умумий туризм индустриясининг ўсиш суръатидан 2-3 маротаба юқори экан. Шунингдек, экотуризм атроф-муҳит муҳофазасининг самарали воситаси ва барқарор ривожланишнинг мустаҳкам «калити»дир. Экотуризм биринчи навбатда экотизимлар билан бевосита мулоқотда бўлишга, унинг гўзаллигини ва салбий ҳодисаларини хис этишга, табиат қўйнида фаол дам олиш ва экотизимларни тиклаш ночоқлик инсон учун катта аҳамият касб этишини англашга қаратилгандир.

Экологик туризмнинг предмети – экологик характердаги сайёҳлик, яъни 1.3.1-расмда кўрсатилган учта фаолият киради. Мазкур предмет **экологик туризмнинг мақсадини** белгилаб беради-ҳозирги ва келажак авлодларнинг экологик хавфсизлигини таъминлаш учун экотуризм объектларидан туристик йўналишда фойдаланган ҳолда экотизимларни муҳофаза қилиш ва унинг бойликларидан оқилона фойдаланиш ҳамда бузилганларини қайта тиклаш. «Бугун,- деган эди Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов,-XXI аср бўсағасида экологик хавфсизлик, инсон билан табиат муносабатларини тўғри йўлга солиш муаммолари ҳар қачонгидан ҳам долзарб масала бўлиб турибди. Зеро, бу муаммонинг ечилиши барча халқларнинг

¹ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси.-Т.:«ЎЗМЭ ДИН»,2004, 7-сон. 428-б.

² Юридик энциклопедия.-Т.: «Шарқ», 2001. 457-б.

³ Ердавлетов С.Р. География туризма: история,теория,методы,практика.-Алматы:«Изд КазНУ»,2000.- 336 с.

манфаатларига дахлдордир, жаҳон цивилизациясининг бугуни ва келажаги кўп жиҳатдан шунга боғлиқдир»¹.

Экологик туризмнинг мақсадини амалга ошириш учун айрим экологик жиҳатдан ривожланган давлатлар, халқаро ташкилотлар ва миллий қонунчилик манбалари бизлардан қуйидаги **вазифаларни бажаришимизни** тавсия этади (А.Нигматов, Н.Шомуратова, 2010):


- аҳолининг экологик онги ва маданиятини экотуризм орқали ўстириш;
- экотуризм йўналишидаги таълим ва тарбияни йўлга қўйиш;
- экотуризм бўйича мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;
- экотуризм индустриясининг махсус қонунларини ишлаб чиқиш ва уларнинг ҳуқуқий механизмини яратиш;
- экотуристлик объектларни кадастрлаш ва баҳолаш;
- экотуризм мониторинги ва истиқболлини олиб боришни йўлга қўйиш;
- миллий давлат ҳудудини экотуризм бўйича районлаштириш;
- юридик шахс мақомидаги экотуристлик фирмалар фаолиятини йўлга қўйиш ва уларни ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини белгилаш;
- давлатлар ва халқаро ҳамжамиятнинг экотуризмга оид тактик режа ва стратегик дастурларини ишлаб чиқиш ва уларга юридик тус бериш;
- экотуризмга оид ижобий ҳаракатларни рағбатлантирувчи механизмни яратиш;

➤ иқтисодий жавобгарлик санкцияларини кучайтириш ва ҳ.к.

2018 йилнинг 4 августида Бельгиянинг Брюссель шаҳрида бўлиб ўтган бриффингда Европа Иттифоқи ва ЮНЕСКО бўйича Ўзбекистон Республикаси элчиси Дильёр Хакимов “Буюк ипак

¹ И.А.Каримовнинг ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши 155-сессиясининг якунловчи мажлисида 1998 йил 6 ноябрда сўзлаган нутқидан // Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз.- Т.: «Ўзбекистон», 1999. 193-206-б.

йўли” лойиҳаси бўйича туризмнинг экологик турини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади¹. Мазкур мақсадга эришмоқ учун 2018 йилнинг 15 июлидан 101 давлатдан келадиган сайёҳлар учун виза режимини соддалаштирилди, яъни 5 кун транзит визалар бекор қилинди, 3 кунлик сайёҳлар учун визани эса Ўзбекистон Республикасидаги халқаро аэропортларида бериш тартиби ўрнатилди. Бунинг натижасида 7 иш кунида мингдан ортиқ Буюк Британия, Ҳиндистон, Хитой, Польша, АҚШ ва Финляндиядан келадиган сайёҳлар учун электрон визалар расмийлаштирилди.



1.3.2-расм. Ўзбекистон хусусий фирмаларининг Европа Иттифоқи учун чиқарган экотуристик имкониятларини акс эттирувчи реклама-ахборот рисоласи

Тошкент шаҳар Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси бошлиғи Нодир Юнусов пресс-конференцияда экологик туризмнинг қуйидаги ижобий томонларини санаб ўтди. Буларга:

- ✓ табиат қўнига сайёҳат қилиш орқали маҳаллий халқларнинг урф-одатлари, маданияти ва атроф табиий муҳити билан танишиш;
- ✓ атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтириш орқали экологик барқарорликни таъминлаш;

¹ <https://news.mail.ru/economics/>

- ✓ соцмаданий муҳитни ва табиатни муҳофаза қилишга кўмаклашиш;
- ✓ экологик таълим ва тарбияни йўлга қўйиш;
- ✓ маҳаллий аҳоли фаолиятини фаоллаштириш ва туристик хизматдан даромад олиш;
- ✓ минтақаларнинг иқтисодий самарадорлиги ва барқарор ривожланишига хисса қўшиш.

Бунга эришмоқ учун 3 та нарсага алоҳида эътибор қаратиш лозим дейди Н.Юнусов: биринчи – туристлар оқимини тартибга солиш; иккинчиси – муқобил хизмат кўрсатиш турларини ривожлантириш; учинчиси – илмий тадқиқот ишлар кўламини кенгайтириш.

Юқорида келтирилган вазифаларни бажариш инсонларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаб беришнинг энг муқобил йўлларида бири бўлиб ҳисобланилади. Ўзбекистонда сув ва ернинг тақчиллиги ва уларни асраб авайлаш ҳақида айтилаётган гаплар ва намоиш этилаётган кўрсатувлар ҳар доим ҳам кутилган натижаларга олиб келмаслиги мумкин. Шунинг учун бўлса керак доно халқимиз «Юз эшитгандан кўра бир бора кўрган авзал» дейди. Экотуризм орқали инсонлар ўзи ва ўзгалар яшаб келаётган атроф табиатни кўриб солиштиради, хулосалайди ва тегишли мустақил қарорлар қабул қиладилар. Уларни атрофдагилар билан муҳокама қиладилар, лўнда қилиб айтганда «Бирини кўриб шукур ва бирини кўриб фикр қиладилар». Экотуризм ҳам айнан фикрлайдиган ва шукроналар билдирадиган экологик онгли ва маданиятли кишиларни тарбиялашга, туризмдан келган фойдага эса бузилаётган ёки бузилган экотизимларни қайта тиклаш учун сарфлашга йўналтирувчи жуда улкан имкониятларга эга. Фақатгина ушбу ҳаракатлар илмий асосланган ва амалда текширилиб кўрилган тавсияларга таянган ҳолда бўлиши мақсадга мувофиқдир.

2-бoб. НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ВА УНИНГ ТУРИСТИК ИМКОНИЯТЛАРИ

2.1. Наманган вилоятининг географик тавсифи

Ҳозирги кунга келиб Ўзбекистонда 4 мингтадан ортиқ архитектура, тарихий ва табиий ёдгорликлар, гўзал ландшафтлар, хилма хил ноёб ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси мавжуд. Буларнинг барчаси сайёҳларнинг республикага бўлган қизиқишини янада оширади. Лекин Ўзбекистон Республикасида ўртача туристик инфратузилма 19 %, Наманган вилоятида эса ундан ҳам кам фоизни ташкил этади, холос. Шунинг учун ҳам миллий туристик инфраструктуранинг сиғими ва даражасини ошириш ўта долзарб муммо ҳисобланади.

Умумий туристик инфратузилманинг имкониятларини кеншайтириш учун, албатта, сайёҳлик объектининг мавжуд ҳолатини ўрганиш, уни баҳолаш ва истиқбол режаларини тузишдан бошлаган маъқул. Наманган вилояти ҳам бундан мустасно эмас.

Туризм соҳасида мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида халқаро сайёҳларнинг қизиқишлари ва талаблари даражасида қўшимча хизматлар кўрсатиш тизимини яратиш ҳамда янги туристик хизматлар ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича ҳориж инвестициялари учун лойиҳалар тайёрлаш, жаҳон туризм бозорида Ўзбекистонни ёки унинг алоҳида бир минтақаларининг реклама дастурларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бир қатор илмий тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, жумладан И.И.Пирожник (1985), R.Davidov (1990), А.В.Дроздов (1999), С.Р.Ердавлетов (2000, 2016) каби олимларнинг фикрича давлат миқёсида туризмни ривожлантириш учун аввалам бор муайян бир маъмурий ёки табиий бирликликлар доирасида уларнинг туристик, жумладан экотуристтик имкониятларни ўрганиш, баҳолаш ва ривожлантириш имкониятларини очиб бериш керак бўлади (А.Нигматов ва бошқ., 2014).

«Ўзбектуризм» миллий компаниясининг ўтказган социологик сўровномаларига кўра республикамизга ташриф буюраётган сайёҳларнинг 41 фоизи мамлакатимиз табиати ва унинг муҳофаза этиладиган ҳудудларини бориб кўрмоқчи эканликларини билдирганлар¹.

Ўзбекистон ҳудудини экотуристлик нуқтаи назардан ўрганиш XXI асрдан бошланган. Ҳар қандай экотуристлик амалий фаолият давлатнинг тегишли экологик бошқарувига доир сиёсатидан келиб чиқади. Наманган вилояти ҳокимининг 2016 йил 16 февралдаги «Наманган вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарорида Ангрен – Поп темир йўлини ишга туширили муносабати билан вилоятда экотуризмни жадал суратларда ривожлантириш масаласи приоритет вазифалар туркумидан жой олган.

Наманган вилояти нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Марказий Осиё ҳудудида ўзига хом такрорланмас табиий манзараларга эгаллиги билан ажралиб туради. Вилоятнинг *географик жиҳатдан* Марказий Осиёнинг «жавоҳири» ҳисобланган Фарғона водийсининг шимолий қисмида жойлашган бўлиб, у чўзилган тўртбурчакни эслатади ҳамда ғарбдан шарққа томон 130 км, шимолдан жанубга 35 км дан 80 км га қадар чўзилган. Ҳудуди 7,44 минг/км² Ўзбекистоннинг Фарғона водийси вилоятлари ўртасида ҳудуди катталиги жиҳатдан биринчи ўринда туради. Шимол ва шимоли-шарқдан Қирғизистон Республикасининг Жалилобод вилояти, шимоли-ғарб ва ғарбдан Тошкент вилояти ва Тожикистон Республикасининг Сўғд вилояти, жануб ва жануби-шарқдан Фарғона вилоятининг Қўқон гуруҳи туманлари ҳамда Андижон вилояти билан чегарадош (О.Абдуллаев, 1995).

Наманган вилояти *тектоник жиҳатдан* ҳаракатчан минтақалардан бири ҳисобланади (А.Мақсудов, 1993; А.Казаков, 1993). Унда палеозой эрасининг иккинчи ярмида содир бўлган герцен тоғ ҳосил бўлиш жараёни билан боғлиқ

¹ Кадырова А. Экологический туризм в Узбекистане // ЦентрАзия. Экономика. -Т., 2003. - 14 с.

геосилкилинал ботик, мезазой ва кайназой эраларининг полеоген даври платформаси, олигоценнинг ўрталаридан то бугунги кунга қадар давом этаётган – ороген тоғ бурмаланиши билан боғлиқ. Вилоятининг ер усти тузилиши ёки умумий манзараси тўртламчи давр тектоник жараёнлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда бугунги кунда ҳам давом этмоқдаки, у вилоятнинг республикадаги сейсмик ҳаракатчан ҳудудларидан бири эканлигини кўрсатади. Поп туманидаги 1984 йилги zilзиланинг қарийб 60 кундан ортиқ давом этиши бунинг яққол мисолидир. Шунинг учун ҳам туристик инфратузилмларни яратишда бундай фавқулодда вазиятларни сайёҳларнинг хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назардан қараш ўта муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун вилоятнинг сейсмик зоналари бўйича меҳмонхоналарни қуриш, транспорт логистикасини шакллантириш, туристик маршрутларни ўтказишда мазкур ҳолат инобатга олиниши керак.

Наманган вилоятининг *геологик тузилишида* полеозой, мезазой ва кайназой эраларининг турли шароитларида ҳосил бўлган ва ётқизилган тоғ жинслари иштирок этади. Сирдарёнинг қайир қисмидан бошлаб, то баланд тоғ ҳудудига томон тоғ жинслари ётқизиқларининг ёши ортиб боради. Вилоятнинг шимолий қисмида жойлашган Тянь-Шань тоғ тизмаси ва тоғолди ҳудуди полеозой эрасининг интуризив ва эффузив жинсларидан таркиб топган (О.Абдуллаев, 1995). Тупроқ қатлами юқа, тоғ жинслари эса кўпгина ҳолларда ер устига чиқиб қолган. Туристик маршрутлар айнан мазкур ҳолатни инобатга олиши талаб этилади.

Мезазой ётизиқлари вилоят тоғолди ҳудудларини эгаллаб, қумтош, йирик ва майда шағалли жинслардан иборат. Бу жинсларнинг зичлик (жипслашув) даражаси сувли ва сувсиз шароитларда ётқизилганлигига кўра турлича бўлиб, унда лёссимон тоғ жинслари ҳам учрайди. Кайназой ётқизиқлари палеоген ва тўртламчи даврларда берк ва ярим берк сув ҳавзалари, шунингдек, қуруқ шароитда ҳосил бўлган ва вилоятнинг тоғ олди, адир, адирликлараро ва адиролди қия текисликларида, Сирдарёнинг қайир усти текисликларида кенг тарқалган. Мазкур ётқизиқлар

ҳосил бўлиш жараёнига кўра аллювиаль, пролювиаль ва эол ҳосилаларидир. Уларда лёсс, лёссимон кумоқ, кум, шағаллар ҳам учрайди (Э.Солиев, 2008).

Геоморфологик жиҳатдан вилоят палеазой эрасининг иккинчи ярмидан бугунги кунга қадар давом этаётган турли тектоник жараёнлар, эрозион, гидрологик ва антропоген омиллар таъсирида юзага келган рельеф шаклларида иборат. Наманган вилоятида текислик, тоғолди ва адирорти текисликлари, адир, паст, ўртача ва баланд тоғ минтақалари мавжуд. Вертикал минтақаларнинг абсолют баландлиги шимолдан (Заркент–880м) жанубга (Жомашуй–350м), ғарбдан (Қўйтошсой–4008м), шарққа (Ҳаққулобод–443м) томон пасайиб боради.

Текисликлар Марказий Фарғонадан бошланиб то Норин ва Сирдарё водийси қайири террасаларида тор минтақа ҳосил қилувчи бир неча тоғ, дарё ва сойларнинг конуссимон ёйилмалари ҳамда конуслар оралиғидаги пастқамликларни ўз таркибига қамраб олади.

Адирорти ва тоғолди текисликлари минтақаси вилоятда адир ва баланд тоғ оралиғида жойлашган бўлиб, улар учта адирорти текисликларига: Чуст–Олмос–Ғова—Варзик; Косонсой; Искавот–Заркент–Пешқўрғон ажратилади (О.Т.Мирзамахмудов, 2002).

Тоғолди текисликлар вилоятнинг адирорти қия текисликлари билан ўртача баландликлардаги тоғлар оралиғига жойлашган бўлиб, унча катта бўлмаган ҳудудни эгаллайди. Унда тўртламчи давр дарё ётқизиклари ва аккумулятив рельеф шакллари ҳукмрон.

Адирлар денгиз сатҳидан 500-1000 м абсолют баландликдаги ҳудудларни ўз ичига олган Фарғона водийси, жумладан Наманган вилояти учун типик рельеф шаклидир. Вилоятда адирлар шимоли-ғарбдан, Чодаксойнинг куйи қисмидан шимоли-шарқий йўналишда Поп, Чуст, Тўрақўрғон, Косонсой, Наманган, Янгиқўрғон, Чортоқ ва Уйчи туманларида ярим халқасимон тарзда ястаниб ётади. Адирлар кучли тектоник ва эрозион парчаланган, лекин туристик жозибадорлигининг юқори кўрсаткичларига эга бўлган ўзига хос регионал рельеф шаклларида биридир.

Паст, ўртача ва баланд тоғлар Наманган вилоятининг шимолий ҳудудларида жойлашган Подшоотасой ва Қорасув дарёлари оралиғида Боётабува тоғи (а.б. 2876 м) жойлашган. Рельефи тўлқинсимон бўлиб, дарё ўзани томонидан парчаланган. Вилоятда «соф» тоғолди минтақа Поп тумани ҳудудида жойлашган. Чотқол тоғ тизмасининг жануби-ғарбий тармоғи Қурама тоғи бўлиб, Кенгсой ва Қолдиқ довонларида Ангрен, Ғовасой, Косонсой дарёларининг жануби-шарқида Оҳангарон платосида (1200 км²) жойлашган.

Наманган вилояти *иқлими* (Б.А.Камалов, 2007,2010) Марказий Осиёда жойлашганлиги, океан ва денгизларнинг узоклиги, атрофи баланд тоғ тизмалари билан ўралганлиги, радиацион ва циркуляцион жараёнларининг ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бу эса унинг барча ҳудудларида кескин, қуруқ-контененал иқлим қарор топишига, чўл ва чала чўл минтақаларининг ҳосил бўлишига олиб келган. Вилоят иқлимининг ўзига хос хусусиятининг шаклланишида шимолдан келадиган Арктика ҳаво оқими, Марказий Осиё ҳудудида ҳосил бўладиган мўътадил қуруқ ҳаво жануб томонидан ҳаракатланувчи тропик ҳаво оқимларининг тўқнашувида юзага келади. Ҳудудга ғарбий нам ҳаво оқимларининг аксариятини баланд тоғ тизмалари тўсиб қолади ва феон шамоллари орқали қуруқ ҳаво массалари кириб келади. Куз ва қиш ойларида Арктика ҳаво массаларининг кириб келиши ҳаво ҳароратининг кескин пасайиб кетишига, ёғиннинг ортишига сезиларли таъсир кўрсатади. 2.1.1-жадвалда ёз ойларида мўътадил қуруқ ва тропик ҳаво оқимлари вилоят иқлимининг қуруқ ҳамда иссиқ бўлишини таъминлайди (Э.А.Солиев, Ҳ.Умаров, 2006). Натижада энг оптимал туристлар ҳаракатини баҳор ва куз ойларида мавсумий характерга эга бўлишига олиб келади.

**Наманган вилоятининг ўртача ойлик ва йиллик
ёгин миқдори, мм**

(Э.А.Солиев маълумотлари асосида,2006)

Т/ р	Кузатув станция- лари	Ойлар												Совуқ давр 11-3 иссиқ давр 4-10	Ёгин	
		1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12			
1	Косонсой	31	31	50	35	32	19	9	6	3	22	38	32	189	126	315
2	Учқўрғон	30	30	42	28	22	12	8	3	2	18	30	35	157	93	250
3	Қизилравот	30	31	42	21	23	14	8	2	2	18	31	26	161	95	256
4	Пахталикўл	15	22	22	19	11	11	5	1	1	7	18	23	100	48	148
5	Наманган	22	19	29	21	19	8	6	2	4	15	19	18	107	75	182
6	Поп	20	17	25	18	17	8	5	2	2	12	18	16	97	64	161

Гидрографияси. Наманган вилоятининг гидрографияси И.А.Ильин (1959), В.Л.Шульц (1963,1969), М.Н. Большаков (1974), О.П.Щеглова ва Д.Ю.Юсупова (1980), В.Е.Чуб, Б.А.Камалов ва бошқ. (2006) томонидан атрофлича ўрганилган ҳамда Э.А. Солиевнинг (2005,2008) илмий тадқиқотларида умумлаштирилган. Уларга кўра вилоятда 16 та дарё ва сой, кўплаб мавсумий сойлар мавжуд бўлиб, улар асосан суғорма деҳқончиликда ишлатилади. Вилоят Фарғона водийсининг бошқа вилоятларига нисбатан дарё ва сойлари камсувлиги билан ажралиб туради. Чунончи, Фарғона тизмасининг ғарбий ёнбағирларида 1км² майдонда ўртача 12,4 л/сек, Олой ва Туркистон тизмаларида – 7,1 л/сек сув йиғилса, вилоятга тегишли Чотқол ва Қурама тоғларининг жануби-шарқий тизмаларида – 5,8 л/сек сув йиғилади, холос. Вилоятнинг гидрологик тармоқлари 2.1.2-жадвалда ифдо этилган бўлиб, уларнинг экотуризмни ривожлантиришдаги роли диссертациянинг кейинги параграфларида атрофлича ёритилгандир.

**Наманган вилоятининг гидрографик тармоқларининг
умумий кўрсаткичлари**

(Э.А.Солиев маълумотлари асосида,2006)

Гидрографик объектлар номи	Чолаксой	Ғовасой	Косонсой	Подшоотасой	Норин	Кўксув
<i>Хавза майдони, км²</i>	350	657	1240	366	58400	174
<i>H_{ўр, м}</i>	2370	2460	2480	2830	2775	3030
<i>F_{л, км²}</i>	-	-	1,5	4,7	1365	5,5
<i>F_{л/ фоиз}</i>	-	-	0,1	1,3	2,3	3,2
<i>Q'</i>	3,69	5,95	7,83	5,61	376	2,41
<i>σ</i>	1,65	2,16	2,45	1,19	84,9	0,34
<i>C_v</i>	0,45	0,36	0,31	0,22	0,23	0,14
<i>C_{v 1962}</i>	0,40	0,31	0,26	0,20	0,19	0,13

H_{ўр, м} – ҳавзанинг абсолют баландилиги.

F_{л, км²} – музликлар майдони.

F_{л/фоиз} – музликларнинг ҳавза майдонига нисбатан улуши.

Q' – ўртача йиллик сув сарфи.

σ – дарё сувининг йиллик миқдори.

C_v – дарё сувининг йиллик миқдорининг ўзгарувчанлиги.

C_{v 1962} – 1962 йиллар маълумотларининг ўзгарувчанлиги.

Ер ости сувлари бир неча 10 метрдан (Наманган вилоятининг Мингбулоқ, Поп туманининг Сирдарё чап соҳил ҳудудлари) 50 метрга қадар (адир,адирорти текисликлари ва тоғ-олди ҳудудлари) чуқурликда жойлашган. Ер ости сувларининг босими кучли 1,3 м³/сек дан 10—15 м³/сек гача етади. Ер ости сувларидан ичимлик суви сифатида фойдаланибгина қолмай, балки Наманган, Чортоқ шаҳарларини сув билан таъминлаш мақсадида 25 км Жийдакапа-

Наманган йирик сув узатиш қувури, 20 км ни Чиндовул-Тўрақўрғон, 15 км узунликдаги Ахча-Поп сув узатиш қувурлари орқали қишлоқ хўжалигида ҳам фойдаланилмоқда (Ғ.Юлдашев, 1993,1997). Ер ости сувлари саёҳларни санитар-гигиеник ҳолатини хавфсизлишини таъминлашда хизмат қилиши мумкин.

Наманган вилояти турли касалликларни даволаш хусусиятига эга бўлган **минерал булоқларга** бойлиги билан ажралиб туради. Чортоқ, Шаҳанд, Косонсой, Учқўрғондаги минерал сувлар таркибидаги олтингугурт, водород, йод, радий ҳамда минераллашган ишқорли термоминераллар мавжудлиги йирик даволовчи масканлар, санатория ва курортлар тизимини юзага келтирди.

Бугунги кунда Чортоқ, Шаҳанд, Косонсой, Учқўрғон даволаш масканлари нафақат Фарғона водийси, балки республикадан ташқарида ҳам машҳурдир. Айниқса, Чортоқ минерал суви хлор, натрий, калций таркибли паст радиактивликка эга сув бўлиб, таркибида азот, ёд (30 мг/л гача), бром (20 мг/л гача) мавжуд. Кучли минераллашган (30-60 мг/л). Ер сатҳидан чиқиб турган минерал сувнинг ҳарорати 48-54⁰С. Чортоқ минерал суви Фарғона артезиан ҳавзасининг палеоген чўкиндилари массагет ётқизикларидан чиқади. Бор бурғи қудуғидан отилиб чиқадиган сувнинг сарфи суткасига 690-730 м³. Шунингдек, 800–3000м чуқурликда 7 тача сувли қатламлар мавжуд бўлиб, истиқболда фойдаланиш имкониятлари катталиги билан ажралиб туради. Чортоқ минерал суви сурункали артрит, бўғин, нерв тизими, тери, бод, юрак-томир, ҳаракат органлари, гинекологик касалликларни даволашда қўллаб келинмоқда(Т.Рахимова, 1973).

Наманган вилоятида вертикал минтақаликка мос **тупроқ қатлами** (А.Мақсудов, 1991; А.Казаков, 1983,1993; Б.Ахмедов, 1986; Х.Муродов, 1988, А.Нигматов, 1995,1999) тарқалганлиги билан характерланади. Сирдарёнинг чап соҳили, Учқўрғон ва Норин тумани, адирорти ва адирларнинг қуйи қисмларидаги пролювиал қия текисликларда ўтлоқи тупроқлар 60 минг

гектаридан 50 минг гектари ўртача ва кучли даражада шомол эрозиясига учраган.

Бундан ташқари вилоят ҳудудида чўл тупроқлари ҳам тарқалган. Чўл зонаси тупроқларига тақир, тақирсимон кулранг, қўнғир ва қум тупроқлари киради (Л.Турсунов, 1988). Бундай тупроқ типлари зонасида Марказий Фарғона қум барханларини кенг тарқалганлиги билан характерланади.

Поп туманидан то Уйчи туманининг шарқий ҳудудларига қадар узиқ-узиқ кўтарилиб турган адирларни оч тусли бўз тупроқлар вилоятдаги суғорма деҳқончилик ҳудудларининг 60 фоизини ташкил этиб, оч тусли бўз тупроқлар юпқа (15-20 см) бўлиб, шағал устида ҳосил бўлган чириндиси оз (0,5-0,8 фоизгача), 10-12 см чуқурликда эса гипсли қатлам жойлашган.

Деҳқончилик натижасида интенсив ривожланган адирлар – Поп, Чуст, Тўрақўрғон (шимолий ҳудудлари), Косонсой туманларида ўтган асрнинг 70-йилларнинг ўрталаридан бошлаб адирлар антропоген таъсирнинг ортиши натижасида интенсив ўзлаштирилиши оқибатида тупроқнинг юқори унумдорлик қоплами ювилиб, шағалли қисмлари очилиб қолишидан ташқари, сув уриб кетган карст, ўпқон, жарликлар юзага келган. Наманган вилоятида 45 минг га тупроқлар ирригацион эрозияга учраган.

Чотқол тоғ тизмасининг арчазорлар билан қопланган ҳудудларида жигарранг тупроқлар яйлов чорвачилигида фойдаланилади. Чотқол тоғ тизмасининг жанубий ёнбағирларида жигарранг тупроқлар минтақасидан қуйида ювилган шағалли бўз тупроқлар тарқалган. Подшоотасой воҳасида тўқ тусли бўз тупроқлар баландлиги 1000-1500 м бўлган рельефи кучли парчаланган тик ёнбағирларни ишғол қилади. Бу ҳудудлардаги тош грунт устида ҳосил бўлган тупроқлар лалмикор деҳқончилик учун қулай бўлгани учун ҳам агротуризмни ривожлантириш имконияти мавжуд. Қўнғир бўз рангли тупроқлар енгил соз жинслар кўп кесаксимон таркиблидир.

Ўсимликлар вилоят рельефи, иқлим ва тупроғига монанд равишда вертикал минтақалашган (Қ.Зокиров, 1968, Ш.Тожибоев,

1974, Ғ.Хомидов, 1991). Чўл ўсимликлари Марказий Фарғона қисмида тарқалган. Тупроқ-грунтнинг ҳарактерига кўра тўқай ўсимликлари — қамиш, қўға, тол, жингул кабилар сизот сувлари ер юзига чиқиб ётган ерларнинг ўсимликларидир. Галофитлар шўрхок ва шўрланган ерларда учраб, ажриқ, шўраларнинг турли вакиллари, салсола (артемизи) кабилар кенг тарқалган. Псамофитлардан қум сезувчилар, черкез, қандим, турнағи, саксовул кабилар ўсимликлар билан банд.

Наманган вилояти ҳудудида *ҳайвонот дунёсининг* дашт, чўл ва субтропик минтақаларига хос вакиллари учрайди. Ҳайвонларнинг аксарияти иссиқ ва қуруқ иқлимга мослашган судралиб юрувчилар, кемирувчилар, йиртқичлар ва қушларнинг турли-туман турларидан иборат. Инсоннинг хўжалик фаолияти туфайли ҳайвонларнинг кўплаб турлари қирилиб кетган. Текисликларда ва адирлар қисмида каламуш, юмронқозик, дала сичқони, эчкиэмар, калтакесак, типратикан, чўл тошбақаси ва илонларнинг айрим вакиллари яшайди. Дарё ва сойларнинг тўқайзор қисмларида қушлар ўзига хос биотоп ҳосил қилади. Деярли барча сув ҳавзаларида сув каламушлари (ондатра) кенг тарқалган.

Қушлар маданий ландшафтларга энг яхши мослашган туркум ҳисобланиб, улар асосан боғлар, экинзорлар, бинолар ва бошқа иншоотларга ин қуриб, маданий биотоплар ҳосил қилган. Айниқса, экинзорлардан ўтувчи симёғоч ва баланд дарахтларда Туркистон оқ лайлакларини ҳам кўришимиз мумкин. Наманган вилоятининг тоғли ҳудудларида йиртқич ҳайвонларнинг кам сонли турлари учрайди. Ёввойи тўнғиз, суғур, тулки, бўри каби ҳайвонлар кескин камайиб кетган. Кейинги йилларда ҳаво, сув ва умуман атроф-муҳитнинг заҳарланиши оқибатида, кўплаб ҳашаротлар, қушлар, сув ҳавзаларидаги балиқлар нобуд бўлмоқда. Шу сабабли вилоят ҳудудида ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш тадбирларини экологик туризм орқали илмий асосда ташкил этиш ҳаётий заруриятга айланди.

Муҳофаза этиладиган ҳудудлар ва объектлар. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тадбирлари вилоятнинг табиий ресурсларини, хилма-хил фойдали қазилмаларни, ер, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланиш ва уни тиклаш ҳамда атмосфера ҳавосининг мусаффолигини сақлаш билан боғлиқдир (А.А.Назаров, 2004). Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вилоят бошқармасининг маъмулотларига (2016 й.) кўра вилоятидаги мавжуд атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбага эга бўлган корхоналар томонидан йилига 50 минг тоннага яқин қаттиқ, газсимон ва суюқ ҳолатда учрайдиган зарарли моддалар чиқинди сифатида табиатга зарар етказмоқда. Шундан 30 минг тоннаси тозалаш қурилмалари орқали ўтади, қолган 20 минг тоннагача ифлослантирувчи моддалар атроф-муҳитга чиқариб юборилмоқда.

Ер усти ва ерости сувларидан оқилона фойдаланиш саноат корхоналари, маиший хизматда фойдаланилган оқава сувларни тозалаш ва қайта фойдаланиш тадбирлари мавжуд бўлиб, уларнинг лойиҳавий қуввати $165 \text{ м}^3/\text{кун}$. Шундан, 18 таси биологик тозалаш иншооти (қуввати $126,5 \text{ минг м}^3/\text{кун}$), 1 та кимёвий тозалаш ($0,1 \text{ минг м}^3/\text{кун}$), 1 механик йўл билан тозалаш ($65,3 \text{ минг м}^3/\text{кун}$) ва бирламчи тозалаш иншоотлари ($33,2 \text{ м}^3/\text{кун}$) мавжуд.

Норин ва Қорадарё, Сирдарё, Шимолий Фарғона каналларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш мақсадида 1397 га ер майдонлари муҳофаза минтақаси учун ажратилган. Ҳозирги кунда мазкур ҳудуднинг 250 га ер майдонларида янгидан ўрмонлар барпо этилмоқда (А.А.Назаров, 2004). Бундан ташқари очик сув ҳавзаларида муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш мақсадида Подшоотасой, Косонсой, Ғовасой ва Чодаксой каби табиий равишда оқиб ўтувчи сув ҳавзаларида ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Наманган вилоятида ирригацион эрозияга учраган 250 минг га, шамол эрозиясига учраган 50 минг га ҳамда 25 минг га шўрланган ерларни тиклаш ва муҳофаза қилиш тадбирлари амалга оширилмоқда. Наманган вилоятида йўқолиб кетаётган ўсимлик ва

ҳайвонот дунёсини сақлаб қолиш мақсадида текислик, адир, тоғолди ва тоғ минтақаларида тирик табиат музейларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Масалан, Марказий Фарғона чўлида ташкил қилинган 200 га дан ортиқ «Тирик табиат музейи» йўқолиб кетаётган чўл ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини сақлаб қолиш, тиклаш ҳамда муҳофаза қилишда катта илмий, амалий ва тарбиявий аҳамиятга эга.

Наманган вилояти Ўзбекистонда *аҳолининг табиий ўсиши* юқори бўлган вилоятлардан биридир. 1990-1995 йилларда аҳоли сони 1559 минг кишидан 1785 минг кишига ёки 14,5 % (йилига ўртача 2,9 %), шундан, шаҳар аҳолиси 592 минг кишидан 674 минг кишига ёки 13,8 %, қишлоқ аҳолиси 967 минг кишидан 1111 минг кишига ёки 14,9 % га кўпайган. 1995-2000 йилларда вилоят аҳолиси 1785 минг кишидан 1959 минг кишига ёки 9,7 % (йиллик ўртача 1,9 %), шундан, шаҳар аҳолиси 674 минг кишидан 735 кишига ёки 9,0 %, қишлоқ аҳолиси 1111 минг кишидан 1224 минг кишига ёки 10,2 % ортиган. Ҳозирги кунга келиб аҳолининг табиий ўсишида ўтган йилларга нисбатан камайган ва бу кўрсаткич 1,2 % ташкил этди. Косонсой, Уйчи, Наманган, Мингбулоқ, Норин, Поп ва Тўрақўрғон туманларида аҳолини табиий ўсиш кўрсаткичлари пасайиш тенденцияси давом этмоқда (О.Абдуллаев, 1995). Наманган вилоятида ҳозирги кунга келиб доимий аҳоли сони 2017 йил 1 январь ҳолатига 2652 минг кишини ташкил этди ёки йил бошига нисбатан 1,9 % ўсди.

Бозор муносабатларининг жадал ривожланиши, шаклланиши ва институционал ўзгаришлар аҳоли табиий кўпайишига ўз таъсирини кўрсатишдан ташқари, ёш оилалар ўртасида аста-секин болалар сонининг иккитадан ортимаслик психологиясининг шаклланишига ҳамда «бола нархи»нинг — бола тарбияси, таълим ва бошқа харажатлардан иборат болага «инвестиция» сарфи қийматининг муттасил ортиб боришига жиддий туртки берди. Шунингдек, иқтисодий ривожланган мамлакатларга хос жараён аҳоли ёш таркибида қариялар салмоғининг кўпайиб бориши мамлакатимизда, жумладан, Наманган вилоятида ҳам

кузатилмоқда. Бу ўз навбатида ўтган аср 90-йилларини ўрталаридан бошланган меҳнат миграциясининг аста-секин фаоллашувига маълум даражада таъсир кўрсатмоқда. Шаҳарлар сони ва аҳолисининг сезиларли равишда кўпайганлигига қарамай, вилоятда урбанизация кўрсаткичи 38,3 % ташкил қилди ва республика кўрсаткичидан (42,0 %) 3,7 %га камдир. Наманган вилояти Ўзбекистонда аҳоли *ҳудудий жойлашуви*, яъни зичлиги бўйича Андижон ва Фарғона вилоятларидан кейин 3-ўринда туради. Аҳолининг асосий қисми Норин ва Қорадарё, Сирдарё ва адирлар оралиғидаги текисликларда жойлашиб, унда 80 % аҳоли истиқомат қилади.

Наманган вилояти аҳолисининг *миллий таркиби* кейинги 150 йил мобайнида сезиларли равишда ўзгарди ва Ўзбекистондаги кўп миллатли ҳудудлардан бирига айланди. Бугунги кунда вилоятда 50 дан ортиқ турли миллат, халқ ва этник гуруҳлар вакиллари истиқомат қилади.

XX аср бошларидан бошлаб Фарғона водийсидаги қорақалпоқлар, қипчоқлар, қозоқларнинг туб аҳоли билан аралашуви кенг кузатилиб, улар ҳам ўзларини ўзбек деб атаётган. 1917 йилги аҳоли статистикасига кўра қирғизлар Янгиқўрғон, Норин, Тўрақўрғон, Наманган туманларидаги 52 та қишлоқда, қозоқлар Косонсой туманининг Қозоқовул қишлоғида (308 киши), қорақалпоқлар эса Норин туманида (2053 киши), Наманган ва Тўрақўрғон туманларида (2180 киши), Чуст туманида (815 киши) жойлашган эди. Бугунги кунда қорақалпоқлар асосан Мингбулоқ ва Поп тумани ҳудудларида яшайди, қипчоқлар, қозоқлар ўзбеклар билан қўшилиб кетган ва ўзларини ўзбеклар, тилларини эса ўзбек тили деб биладилар. Айниқса, бу жараён ўтган асрнинг 30-йилларидан бошлаб бирмунча кучайди ва иккинчи жаҳон уруши ҳамда урушдан кейинги йилларда ҳам давом этди. Мазкур кўрсаткич туристик сервисини ўзига хос жозибадорлигини оширади, деб ўйлаймиз.

1989 йилги аҳоли рўйхати маълумотларига кўра Наманган вилояти аҳолисининг асосий қисми ўтроқ ўзбеклардан (917,8 минг

киши) иборат бўлиб, улар жами аҳолининг 82,0 % га тенг. Уларнинг ҳиссаси қишлоқларда 90,0 % дан ортиғини ташкил қилди. Аҳоли сони жиҳатдан иккинчи ўринда турган ва туб жой аҳолиси ҳисобланган тожиклар (95,3 минг киши) қадим замондан ҳунармандчилик ва деҳқончилик билан шуғулланиб келганлар. Улар асосан Поп, Чуст, Косонсой туманларининг тоғолди ҳудудларида (90 фоиздан ортиғи) ва Наманган туманида жойлашган. Наманган вилояти аҳолиси таркибида 1917 йилга қадар 3-ўринда турувчи қирғизлар бугунги кунда атиги 1 % ни ташкил қилади. Бугунги кунда қирғизлар Янгикўрғон ва Чортоқ туманларида уюшган ҳолда, бошқа туманларда эса якка-якка ҳолда яшайдилар.

Саводхонлик даражаси. Ўзбекистонда, жумладан Наманган вилоятида ҳам аҳолининг саводхонлилик даражаси узоқ йиллар мобайнида кирилл алифбосига нисбатан баҳолаб келинди. Чунончи, 1897 йилги аҳоли рўйхатига кўра ўзбеклар орасидаги саводхонлилик кўрсаткичи 1,6 % деб нотўғри кўрсатилган. Айни вақтда аҳолининг катта қисми араб алифбосида ўқиш ва ёзишни билган, деярли барча қишлоқларда араб алифбоси асосида таълим берувчи мактаблар, шаҳарларда эса мадрасалар мавжуд бўлган. Жумладан, Наманган шаҳридаги Мулла Қирғиз мадрасасида юқори малакали диний билим эгалари тайёрланган (О.Абдуллев, 2000).

Аҳолини билим савиясини ошириш ва маданиятини юксалтиришга қаратилган алоҳида эътибор мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ барча вилоятлар каби Наманган вилоятида ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилган. У халқ таълими, соғлиқни сақлаш ва маданият соҳаларини ривожлантиришда ўз ифодасини топди. Аҳоли ўртасида саводхонликни амалга ошириш борасида вилоятда 687 та умумтаълим мактаб, 472 та мактабгача таълим муассасаси, 3та олий ўқув юрти, 10 та академик лицей ва 109 та касб-хунар коллежлари фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, вилоятда 210 та оммавий кутубхоналар (ахборот ресурс марказлар), 84 та маданият ва дам олиш марказлари ва 22 та кинотеатрлар аҳолига хизмат қилмоқда. Вилоят марказида жойлашган Алишер

Навоий номли мусиқа ва драма театри қайтадан таъмирланиб замонавий томошахоналардан бирига айланди. Ҳукуматимиз томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган тадбирларнинг асосий вазифалардан бири бу меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолини иш жойлари билан таъминлашдир.

Вилоятда 1058 минг нафар иқтисодий фаол аҳоли мавжуд. Шундан 1001 минг нафари меҳнатда банд, 56 505 нафари ишсиз бўлиб, шундан 82 нафарига ишсизлик нафақаси тайинланган. 2017 йил давомида Бандликка кўмаклашиш марказларига жами 26 017 нафар аҳоли вакиллари иш сўраб мурожат этган. Шундан 25 301 нафари иқтисодиётнинг турли тармоқларида янги иш ўринлари билан таъминланди. «Вилоят бандлик дастури» ва инқирозга қарши қабул қилинган қарорлар доирасида 75 849 та янги иш ўрни (режа 75 674 та), қишлоқ жойларида эса 60 840 та иш ўринлари яратилди. Жумладан, уй меҳнатини ташкил қилиш ҳисобига жами 27 478 та, янги объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва фаолиятини кенгайтириш ҳисобига 7 073 та, мақсадли дастурларга мувофиқ ташкил этилган иш ўринлари 27 259 та, ишламаётган корхоналарни фаолиятини тиклаш ҳисобига 6 011 та янги иш ўринлари яратилди.

Касаначилик асосида иш ўринлари яратиш топшириғи Наманган шаҳри ва барча туман корхоналарида тўлалигича бажарилди. Халқ таълими, туризм, хизмат кўрсатиш, соғлиқни сақлаш ва маданият соҳаларини ривожлантиришда ҳам сезиларли ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Вилоятда аҳолининг реал даромадлари 2017 йилга нисбатан жон бошига 2 баробар кўпайган, шу даврда ўртача ойлик иш ҳақи қарийб 2,5 марта, пенсия ва ижтимоий нафақалар салкам 3 марта ортганини алоҳида таъкидлаш лозим.

2.2. Наманган вилояти маъмурий бирликларининг туристик имкониятлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 февралдаги ПФ-4861-сонли «Ўзбекистон Республикасининг туризм

соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармонида «Худудларнинг улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, туризм тармогини бошқаришни тубдан такомиллаштириш, миллий туризм маҳсулотларини яратиш ва уларни жаҳон бозорларида тарғибот қилиш, туризм соҳасида Ўзбекистоннинг ижобий қиёфасини шакллантириш мақсадидан: анаънавий маъданий-тарихий туризм билан биргаликда бошқа салоҳиятли турларини, жумладан экологик туризмни ривожлантириш ҳисобига туризмнинг ижтимоий аҳамиятини кучайтириш» масаласи қўйилган.

Маъмурий бирликлар доирасида жойнинг экотуристлик имкониятлари халқаро миқёсда 2002 йил май ойида Квебекда (Канада) БМТнинг атроф-муҳит дастури (ЮНЕП) ва Бутунжаҳон туристик ташкилоти (БТТ) билан биргаликда ўтказган конференциясида 132 мамлакатдан 10 мингдан зиёд делегатлар, давлат, шахсий ва нодавлат сектор вакиллари қатнашдилар. Унда экотуризмнинг ривожланиш принциплари Квебек декларациясида акс эттирилди. Мазкур йўналтирувчи қоидалардан бири этиб маъмурий давлат ёки кичик бирликлар доирасида уларнинг экотуристлик имкониятлари белгилаш бирламчи принцип сифатида эътироф этилди. Натижада 70 дан ортиқ давлатларда табиат туризми, экотуризм ва тоғ туризми номи билан она табиат имкониятларидан сайёҳликда унумли фойдаланиш тадқиқотлари олиб борилмоқда. Масалан, И.И.Прожник (1985), Р.Давидов (1990), А.В.Дроздов (1999), С.Р.Ердавлетов (2016) каби тадқиқотчилар томонидан ушбу йўналтирувчи қоида ўрганиб чиқилган. Улар ҳар бир жойнинг регионал аҳамият касб этиши ва уларни баҳолашда сайёҳликнинг тури ва типига қараб ажратишни маъқул деб биладилар.

Маъмурий бирликлар кўринишида сайёҳликни тизимли ташкил этиш, истикболда ривожлантиришда мавжуд кичик ҳудудлар кесимида илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш лозим. Бу борада республикамызда маъмурий жиҳатдан ташкил этилган туманларда ривожлантириш зарур. Туман термини «ўн минг» деган

маънони билдириб, қадимги туркий тилда «ўн минг», «кўплик» маъносида қўлланилиб, мўғуллар истилосидан сўнг Ўрта Осиёда ва айрим Яқин Шарқ мамлакатларида маъмурий бирлик сифатида қўлланилган (М.Т.Миракмалов, 2009).

Наманган вилоятининг табиий географик жойлашувидаги ўзига хос бўлган қуйидаги қонуният нафақат Фарғона водийсида, балки мамлакатимизда хилма-хил туристик объектларни ҳосил қилиш ва самарадорлигини ошириш имкониятини беради (2.2.1-расм). Вилоятни шимолий-ғарбий қисмидан шимолий ва шимолий шарққа томон 2000 км га чўзилган Чотқол ва Қурама тоғлар тизимидаги 20 тадан ортиқ тоғлар жанубий ён бағирларида жойлашган бўлиб, вилоятни салкам 50 % ҳудудини эгаллайди. Шимолий ярим шарда паралелларга мос йўналган тоғларни жанубий ён бағирлари шимолий ён бағирларига нисбатан Қуёш радиацияси (иссиқликни), атмосфера ёғинларни бир неча марта кўп олади. Бу табиий қонуният вилоятда туристик объектларни кўплаб ҳосил бўлишига ва географик тарқалишида асосий омил бўлиб ҳисобланади. Чунончи, Наманган шаҳрида ўртача йиллик ҳарорат $14,1\text{ }^{\circ}\text{C}$, йиллик ёғин миқдори 191 мм, қуёшли кунлар 327 кун. Фарғона шаҳрида йиллик ўртача ҳарорат $12,6\text{ }^{\circ}\text{C}$, 172 мм ёғин миқдори, қуёшли кунлар 318 кун. Андижонда эса, ўртача йиллик ҳарорат $12,0\text{ }^{\circ}\text{C}$, 165 мм ёғин миқдори, қуёшли кунлар 320 кунни ташкил этади.

Наманган вилоятида Норин, Қорадарё, Сирдарё каби Марказий Осиёнинг энг йирик дарёлари 132 км узунликда оқиб ўтиб, бу дарёга 10 тадан ортиқ доимий оқимга эга бўлган 15 та сой қулай даврда ўз сувини Сирдарёга қуяди. Шу билан бир қаторда Шимолий Фарғона, Катта Наманган ва Оҳунбобоев номли каналлар оқиб ўтади. Катта Фарғона, Катта Андижон каналлари ҳам вилоят ҳудудидан (Учқўрғондан) бошланади. Бу йирик гидротехник иншоатлар ўз ҳавза ва водийларида ўзига хос иқлимий-экологик шароит (ёз ойларида салқин, қиш нисбатан илқ, тоза ҳаво массаси) ҳосил қиладики, бу ҳудудларда қадимдан аҳоли кўплиги билан характерланади. Ҳудудда ҳукмрон бўлган иқлим ва

унинг ўзига ҳослиги, аҳоли ўртасида касаллангаллик даражасини бошқа ҳудудларга нисбатан пастлиги, таркиби минераллардан иборат бўлган табиий булоқлар, ўрмонзорлар, бутазорлар, ўзида дориворлик хусусиятига эга бўлган ўсимлик дунёси ҳудудга ташриф буюрган туристларни ўзига жалб этган асосий экотуристтик объектлар вилоят маркази ва туманлар кесимида таркиб топган (2.2.1-расм).

1. Наманган шаҳри вилоят маркази ҳисобланиб, унда ҳозирги кундаги аҳоли сони 564 минг кишини ташкил этган мазкур шаҳар аҳоли сони бўйича республикада Тошкент ва Самарқанд шаҳарларидан сўнг учинчи ўринда туради. Шаҳарда 41 та тарихий ёдгорлик ва диний мадраса, масжидлар, Бобур, Машраб, «Камолот», «Ёшлар» каби маданият ва истироҳат боғлари, 30тадан ортиқ шифо ва профилактика даволаниш, ҳалқаро аэропорт, 4 та автовакзал, 5 та меҳмонхона, 1 та вилоят ўлкани ўрганиш музейи, 50 тага яқин алоқа ва сервис каби туристик объектларига эга.

2. Косонсой тумани вилоятни шимолий қисмида Косонсой водийсида жойлашган. Туман тоғ ва тоғ олди ҳудуд бўлгани боис унда туристик маршрутларни амалга оширишда бир қатор имкониятлар мавжуд. Косонсой шаҳри 2000 йиллик тарихга эга. XII асрда у Қорахонийлар давлатининг пойтахти бўлган. Милoddан аввалги биринчи асрда қурилган Муғтепа тарихий ёдгорлиги ўрнида Косон (Кушон) шаҳрига асос солинган. IX–XVII асрларда Ғўзапоя Жоме, Садпири Комил каби масжидлар қурилган. Косонсой ҳудудидан оқиб ўтиб сув ҳавзалари атрофида истикболда турли туристик масканларни ташкил этишда шифобахш минерал булоқлар, маданият ва истироҳат боғлари, рекреацион, оромгоҳлар, тиббий, нозотуризм, экстремал каби туризм тармоқларига эга. Бугунги кунда бундай туристик масканлар сони 57 тани ташкил этиб, ундан кўп тармоқли «Косонсой» даволаниш ва дам олиш маскани алоҳида аҳамият касб этади. Бир йилда у ўртача 700-800 та аҳолини қабул қилмоқда.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИК ТУРИЗМ ВА ЭКОТУРИЗМ



2.2.1-расм. Наманган вилоятида туризмни ривожлантириш самарадорлиги

**Наманган вилояти маъмурий бирликларида туристик
объектлар сони**

Т/р	Маъмурий бирликлар	Туристик объектлар сони
1.	Наманган шаҳри	30
2.	Косонсой	38
3.	Мингбулоқ	16
4.	Наманган	5
5.	Норин	10
6.	Поп	83
7.	Тўракурғон	25
8.	Уйчи	11
9.	Учкўрғон	16
10.	Чортоқ	40
11.	Чуст	70
12.	Янгиқўрғон	73
Ж а м и		417

3. Мингбулоқ тумани вилоятнинг жанубий чўл минтақасида жойлашиб, майдони 20 минг га, аҳолиси эса 118.5 минг киши. Сирдарё чап соҳилида жойлашган бу туманда ер ости сувлари ер юзасига яқин жойлашганли учун ҳам тупроғи шўрлашган. Ер ости сувларини Сирдарёга тортиб кетиш мақсадида коллектор дренаж тизими йўлга қўйилган. Пахта ва буғдойдан ташқари шоличилик, балиқчилик тармоқлари ривожланган. Туман туризмни даволовчи қумдан фойдаланиш, Шўрсув қишлоғида сув таркибида олтингугурт, фтор, бром бўлган, ер қаридан чиқадиган иссиқ сувдан фойдаланиб экстермал, тиббиёт, дарёда қайиқ ва паромларда сайр қилиш, агротуризм каби туристик турлардан фойдаланиш имкониятлари катта.

4. Наманган тумани вилоятнинг жануби шарқий қисмида жойлашиб, 45 та туристик объектлар мавжуд. Туманда тарихий туризмни ташкил этувчи: Кўк тунли ота, Сирли масжид, Абдураззоқ қози, Саид Жалолиддин, Шайх Эшон, Чиллахона, Биби

мушкулкушод, Ўн бир Аҳмад каби тарихий обидалар, қадамжойлар ва тарихий ёдгорликлар бор. Туманда тарихий туризм билан биргаликда экологик туризмни ривожланиши учун объектлардан — Сирдарё ҳавзаси ва унинг чап соҳилидаги табиий ва шифобахш булоқлар, қисқа муддатли оромгоҳлар, дарё ўзани ҳосил қилган тўқайзорлардан иборат ороллар бор. Дарё ҳавзасида таркиб топган оролларга истиқболда янги экотуристтик маршрутларни ташкил этиш ҳам ҳудуддаги экотуристтик имкониятларни мавжудлиги билан характерланади. Анъанавий қишлоқ хўжалик экинлари билан бирга туман ва вилоят бозорларига анжир, анор, узум маҳсулотларини нафақат етказиб бериш, балки уларни етиштириш технологияси билан агротуристтик жозибадорлик касб этади.

5. Норин тумани Сирдарёнинг чап соҳилида вилоятни шарқий қисмида жойлашган бўлиб, ҳудуд тарихий туристик масканлари билан ажралиб туради. Улар сирасига Булоқмозор, Хаққулобод, Коресмозортепа, Ғиштомзор, Алмани-қўрғонча, Қозоқовул, Сирмоқ, Яйдоқ, Шайдон, Булоқмозор, Учтепа, Қўрғонтепа каби тарихий археологик ёдгорлик киради ва уларнинг сони 16 тадан иборат. Бу туманга ташриф буюрган туристлар нафақат тарихий, балки диний ва экологик туризм тармоғи билан яқиндан танишишлари мумкин. Чунки туман Фарғона водийсидан оқиб ўтувчи Сирдарёнинг бош ирмоқлари — Қорадарё ва Норин дарёларининг қўшилиш жойидир. Унда туризмнинг рафтинг усулидан фойдаланган ҳолда сайр қилиш имкониятлари мавжуд.

6. Поп тумани ҳудудининг катталиги жиҳатидан вилоятда биринчи ўринда туради ва у вилоят майдонининг 40 фоизини ташкил этади. Туман ҳудудининг 70 фоизи Чотқол тоғ тизмаси, тоғ оралик водийлари, ёнбағирлари ва 600-1000 м ва 1000-2000 м баландликдаги тоғлардан иборат. Туман табиий шароити экотуристтик объектларни ажратиш имкониятини беради. Юртимизда олиб борилаётган ислоҳатлар натижасида Тошкент билан Фарғона водийсини боғловчи 121,3 км тенг бўлган Ангрени-Поп электрлаштирилган тезюлар поезди ва 19,1 км тоғ тунели XXI асрнинг замонавий транспорт логистикасидир. Салкам 50 км узунликдаги Оҳангарон дарёси ва унга қуюлувчи 20 яқин сой

ирмоқларида ўзига хос рекреацион, экстремал ва экотуристтик объектларни ҳосил қилган. Жумладан, тумандаги Чодак, Олтинкон, Пардатурсун, Чоркесар, Маданият қишлоқ аҳоли манзилгоҳларидаги тоғ ҳавоси, сой водийлари, ёввойи ҳолатда ўсувчи олма, олхўри ва ёнғоқзорлар ҳам тоғ ёнбағирларида кенг тарқалган. Мазкур қишлоқларда яшовчи аҳоли апрель ойидан то сентябрь ойига қадар сайёҳларни қабул қилиш учун барча сервис хизматларига эга. Ҳозирда ушбу экотуристтик объектларга бир дам олиш мавсумида 1000 кишигача сайёҳларни қабул қилмоқда.

Поп туманидаги асосий туристик объектлар – Арашонбува, Мунчоктепа (V-VII-асрларга оид), Октепа, Хўжаободтепа, Лангармозор, Булгадаразтепа, Чилламосорттепа, Чодак, Гурумсарой, Гузар, Чирчирмомо, Исмоил Атойи, Шох Сулаймон, Хўжа Муҳаммад Самосий, Лангарбува, Имомота каби тарихий обидалар, ёдгорликлар, масжидлар ва музейлар тарихий туризмни асосини ташкил этса, Чодак, Парда Турсун, Олтинкон дам олиш масканлари экотуристтик объектлардандир. Поп туманига келувчи сайёҳларнинг асосий қисми Фарғона вилояти Кўкон ва унинг атрофидан. Улар асосан туризмнинг экстремал, рекреацион, рафтинг, тарихий ва экотуристтик турларидан фойдаланишади.

7. Тўрақўрғон тумани майдони 17 км кв, аҳолиси 212 минг киши истиқомат қилиб, унда азалдан тарихий ва табиий туризм ривожланган. Тарихдан бизга маълумки, шох ва шоир, ватанимизнинг буюк аجدодларидан бири ҳисобланган Захриддин Муҳаммад Бобурнинг қароргоҳи мазкур туманда X—XI-асрларга оид Сирдарё ҳавзасининг ўнг ирмоғида жойлашган Ахсикентда қароргоҳи бор. Мазкур туристик объект Наманган вилоятига ташриф буюрган 35-40% сайёҳларни қамраб олади. Туристтик маршрутларни ташкил этишда тумандаги бошқа тарихий-археологик ёдгорликлардан – Қуйиқмозорттепа, Ёртепа, Қуймозор, Ғойибназарқози, Исоқхонтўра Иброт, Фаласбон, Хўжа Аҳмад Вали, Абдулмоний фойдаланиш мумкин.

Туманда 12 тадан зиёд мақбара ва масжидларига ҳам турист объект бўла олади. Шу билан бирга туризмнинг рафтинг усулидан фойдаланиб, Сирдарё ҳавзасидаги оролларга ҳам бориб, сўнгра

ўзининг шифобахш ва минералларга бой бўлган «Шахант» дам олиш масканига ҳам ташриф буюриш имконияти бор. 1980 йилда ташкил этилган мазкур даволаш ва дам олиш масканида табиий йўллар билан даволаш усулларида кенг фойдаланган ҳолда бир йилда 2500—3000 тагача сайёҳ нозотуризмга келиб кетмоқда.

Тўрақўрғон туманида жами 43 туристик объектлар мавжуд бўлиб, уларнинг 18 таси тарихий ва 25 таси сервис хизматига тегишлидир. Сирдарё бўйидаги булоқлар эса табиий, рекреацион, экотуризмни ривожлантириш имкониятига эга.

8. Уйчи тумани вилоятнинг шарқий қисмида жойлашиб, унинг майдони 12 000 км², аҳолиси эса 200 минг кишини ташкил этади. Туманда тарихий ва диний туризм турларидан – Яккатут зиёратгоҳи, Тариқмозор, Ниёзбек, Ноғоратепа, Оқтепа, Оқгумбаз, Толмозор, Овчибулоқ, Қизровот, Машхадмозор каби тарихий археологик ёдгорликлар мавжуд.

Жами Уйчи туманида 47 та туристик объектлар мавжуд бўлиб, уларнинг 23 таси тарихий-диний ва 5 таси нозотуризмда фойдланиб келинмоқда. Туманда туристик хизмат кўрсатиш масканлари 19 та.

9. Учқўрғон тумани вилоят марказидан 50 км узоқликда жойлашган У энг кўп сув иншоотларига эгаллиги билан характерланади. Учқўрғон сув тўғони (Норин дарёсида), Катта Фарғона, Катта Андижон, Катта Наманган, Шимолий Фарғона каналлари булар жумласидандир. Туманнинг ўзига хос гидрологик табиат комплекслари нозо, рекреацион, экстремал, агро-экококутуризм каби туризм турларини ривожланишига имконият яратади. Учқўрғон туманида санаб ўтилган туристик объектлардан ташқари Қуюктепа, Ўрисмозор, Ўғриёртепа, Мозортепа, Оқтепа, Оситинмозор, Учёғочтепа, Татармозортепа, Нўшкантепа, Қабристонтепа, Гултепа, Қашқарқўрғонтепа, Бештепа, Қўштепа, Дарёбўйи, Тирикмозор каби тарихий ва археологик зиёратгоҳлар, мадраса ва масжидлар бор.

10. Чортоқ тумани вилоят марказидан 12 км шарқда жойлаши, ундан Чортоқсой, Катта Наманган ва Шимолий Фарғона каналлари оқиб ўтади. Худуд адир, адир орти ва тоғолди рельефига эгаллиги учун ҳам ёзи нисбатан салқин, қиши нисбатан илиқ, ҳавоси

тоза ва мусаффо. Шу боис туман ҳудудида дам олиш ва баннологик даволаниш масканлари мавжуд. Тумандаги ўзига хос нозотуристтик масканлар нафақат Ўзбекистонда, қолаверса Марказий Осиё давлатларигача машхур – Чортоқ (1954 йилда ташкил топган), Гулшан (1970 й.) дам олиш ва даволаниш масканларига эга. Ер қаридан чиқадиган шифобахш минерал сув ва балчиқлар даволаш хусусияти билан ажралиб туради. Дам олиш ва даволаниш масканлари атрофида яшовчи хонадонлар ҳам бир кунда 4-10 даволанувчиларни жой билан таъминлайди. Туманда 47 та туристик объектлар аниқланган бўлиб, дам олиш ва даволаниш масканлари сони 3 та (Янги Чортоқ), 10 тадан ортиқ жойда шифобахш булоқлар, 10 та сервис ва хизмат кўрсатиш шаҳобчалари мавжуд.

Туманда тарихий туризмни объектларидан Балиққўл мажмуаси 1853 йилда масжид кўринишида қурилган. Унинг майдони 4,03 га бўлиб, ўзининг шифобахш булоқлари, мақбара ва зиёратгоҳлари билан ички туризмни юритишга хизмат қилмоқда. Туманда Оқтепа, Юмалоктепа, Учтепа, Дўстбойтепа, Мозортепа, Зиркмозор, Биби Наима, Султон Саид Жалолиддин, Садамозор, Алкомача каби тарихий зиёратгоҳлар, мақбара ва масжидлар жойлашган. Юқоридаги туризмнинг турларини мавжудлигини инобатга олиб, Чортоқ ҳудудида келгусида тиббий, тарихий, диний, экотуризм турларини имкониятларидан келиб чиққан ҳолда соҳага оид хорижий инвестицияларни киритиш заруратини тақазо этади.

11. Чуст тумани вилоят марказидан 42 км ғарбда жойлашган бу ҳудудда қадимдан тарихий ва диний туризм ривожланган. Чуст маданияти бронза даврига оид Буономозор ёки Бибиона тарихий ёдгорлиги деярли 3000 йиллик тарихга эга. Биргина Бибиона ҳудудидаги булоғнинг шифобахшлилиги кўз, тери таносили хасталикларига шифо топиш орқали келган сайёҳлар ҳудуддаги диққатга сазовор жойларини ҳам кўриб кетадилар. Бибиона ҳудудида нозо–экотуризм ҳам қадимдан шаклланганлиги билан характерланади. Чуст туманининг шимолидан оқиб ўтувчи Ғовасой дарё хавзасининг шимолидаги тоғ оралиғидаги табиат экзотикасидан экотуризмни ташкил этиш мумкин.

Дарё ҳавзаси бўйларига ташриф буюрадиган туристлар оқими асосан Наманган ва қўшни Андижон, Фарғона вилоятларидан келувчилардир. Мазкур экотуристтик маршрутда туристлар, дастлаб, дарё ҳавзаси бўйларидаги 100 тадан ошиқ дам олиш масканларидан бирида бир кундан ўн кунгача экотурист вазифасини бажариш мақсадида жойлашиш имкониятига эга. Экотуристлар танланган маршрутнинг режасига мувофиқ саёҳатни тоғли ҳудудда ташкил этилишини ҳисобга олиб, отда ёки пиёда юриш, дарё ҳавзаси бўйлаб саёҳат давом эттирилса туризмнинг рафтинг усулини танлашади. Ташкил этилган саёҳат давомида экотуристлар ҳудудда тарқалган доривор ва шифобахш тоғ дўланаси, наъматак, кийик ўти, дала чойи, ровоч, тоғ каклиги, булбул, бедана каби ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини томоша қилиш, маданий ҳордиқ чиқариш мақсадида кўнгил очар тадбирларда иштирок этишлари мумкин.

Ҳозирги кунда республикамизнинг барча шаҳар ва туманларида 104 тадан ортиқ маданият ва истироҳат боғлари фаолият кўрсатмоқда. Истироҳат боғларидаги 100 йиллик ва ундан ортиқ ёшга тенг бўлган қадимий дарахтлар ва ўзида мафтункорликни мужассам қилган маданийлаштирилган ўсимлик дунёси ҳам кенг тарқалган (А.Эргашев, Р.Яруллин, 1995). Бундай маданият ва истироҳат боғларидан бири туман марказида жойлашган «Мавлоно Лутфилло» номи билан аталадиган маданият ва истироҳат боғи мажмуаси республика аҳамиятига эга. Мазкур боғда ҳозирги кунда вилоят аҳолисидан ташқари қўшни вилоятларнинг Қўқон, Данғара, Бувайда, Учкўприк, Бешариқ туман ва шаҳарлардан ички туризм сифатида ташриф буюришмоқда.

Чуст тумани жами 47 та туристик объектларга эга бўлиб, шундан 23 таси тарихий туризмга тегишли. Ғова, Варзик, Олмос, Оғасарой қишлоқларида рекреацион объектлар жойлашган. Унда Боғишамолтепа, Тиллатепа, Қизилтепа, Мунчоқтепа, Номсизтепа, Саримсоқтепа, Қўштепа, Яккатепа, Эгамберди хожи, Оғасарой, Отчопар, Эшонбува, Абдурахмон хожи Ибн Авф каби зиёратгоҳлар ва мақбара ёдгорликлар фаолият юритмоқда. Туман тарихий,

экстремал, рекреацион, диний, агротуризм каби туризм турларини янада ривожлантириш имкониятларига эга.

12. Янгиқўрғон тумани вилоятнинг шимолида жойлашган бўлиб, у нинг энг чеккасидаги Нанай қишлоғи вилоят марказидан 80 км узоқликда жойлашган. Подшоотасой водийсидаги туманнинг шимолий ҳудудларида тоғ иқлими ҳукмрон. Унда тоғ, тоғ олди, водий, текислик ландшафтлари арчазор ўрмонлар, тоғ яйловлари, ўтлоқзорлар, ёввойи мевазорлар билан бир қаторда ўзига хос маданий ўсимликдан олмазор, ўрикзор, узумзор боғлари билан сайёларнинг эътиборини тортиши мумкин. Бу ўринда республикамизда ўзига хос олхўризорлар агротуристик объектлар қаторига киради.

Экотуристик объектлар туманнинг шимолида – Заркент, Хазратишо, Мамай, Кўкёр ва Нанай қишлоқ атрофларида жойлашган. Ушбу ҳудуд шаҳар об-ҳавосидан анчагина фарқ қилади. Масалан, Наманганда июнь ҳарорати $+40^{\circ}\text{C}$ бўлса, Нанайда $+30^{\circ}\text{C}$. Водийда ягона Кўксарой саёҳатгоҳи (1967 й.), денгиз сатҳидан 1700-1800 м баландда жойлашган Нанай қишлоғи аҳолиси ҳам мавсумий (апрель–сентябрь) сайёҳатчиларни ўз уйларига қабул қилмоқда. Қўрғонтепа, Шерқурбонвалий, Зўртепа, Мирзаёртепа, Отахонтепа, Жўлонттепа, Абдумажидхожитепа, Қораполвон, Бобояхсўз аҳоли пунктларида тарихий ва диний зиёратгоҳлардан мадраса ва масжидлар бор.

Умуман олганда, Наманган вилоятининг туристик объектлари ва унга хизмат кўрсатиш имкониятлари 2.2.1 ва 2.2.2-жадвалларда экс этган, лекин ҳозирги кунда улар тўлиғича туризмга хизмат қилмоқда деб айтиш мушкул. Уларнинг сайёлик имокниятларини тадқиқ қилиш ва келажак истиқболларини аниқлаш шу куннинг энг долзарб муаммоларидан биридир.

Юқорида баён этилаган тадқиқот натижаларидан келиб чиққан тарзда Наманган вилоятининг маъмурий бирликларида туризмни ривожлантириш учун уларнинг туристик имкониятларидан самарадли фойдаланиш йўллари 2.2.3-жадвалда кўрсатиб ўтилган.

2.2.1-жадвал

Наманган вилоятининг маъмурий бирликларидаги туристик объектлар сони*

<i>T/p</i>	<i>Маъмурий бирликлар</i>	<i>Тарихий туризм</i>	<i>Диний туризм</i>	<i>Агротуризм</i>	<i>Экотуризм</i>	<i>Экстремал туризм</i>	<i>Рекреацион туризм</i>	<i>Шоптуризм</i>	<i>Нозотуризм</i>	<i>Тоғ туризми</i>	<i>Рафтинг</i>	<i>Ҳаммаси бўлиб</i>
1	Наманган шаҳри	8	6	-	-	-	6	3	4	-	3	30
2	Косонсой тумани	3	4	2	5	-	4	2	4	10	4	38
3	Мингбулоқ тумани	1	6	2	3	1	-	-	2	-	1	16
4	Наманган тумани	1	2	1	-	-	-	-	-	-	1	5
5	Норин тумани	1	4	1	1	1	1	-	-	-	1	10
6	Поп тумани	1	6	2	6	8	25	8	2	20	5	83
7	Тўрақўрғон тумани	8	4	5	1	1	2	2	1	-	1	25
8	Уйчи тумани	2	6	-	1	-	1	-	-	-	1	11
9	Учкўрғон тумани	2	4	2	2	1	2	-	1	-	2	16
10	Чортоқ тумани	4	5	1	8	5	10	4	5	-	1	40
11	Чуст тумани	4	6	5	5	4	15	10	1	15	5	70
12	Янгикўрғон тумани	1	2	3	11	5	25	5	2	15	4	73
Жами :		36	55	24	43	26	91	34	22	60	29	420

*Мазкур статистик маълумотлар муаллифларнинг илмий тадқиқотлари натижасида тўпланган

**Наманган вилоятининг маъмурий бирликларида туризмга хизмат кўрсатиш
имконияти бор объектлар сони**

<i>Т/р</i>	<i>Маъмурий бирликлар</i>	<i>Табийёт масканлари</i>	<i>Оромгоҳлар</i>	<i>Диний муассасалар</i>	<i>Овқатланиш шаҳобчалари</i>	<i>Маданият ва истироҳат боғлари</i>	<i>Музейлар</i>	<i>Маънавий-маърифий дам олиш масканлари</i>	<i>Меҳмонхоналар</i>	<i>Спорт иншоотлари</i>	<i>Сузиш ҳавзалари</i>	<i>Аэропорт</i>	<i>Вокзаллар</i>	<i>Автовакзаллар</i>	<i>Машиин хизмат кўрсатиш шаҳобчалари</i>
1	Наманган шаҳри	35	-	2	52	4	2	2	5	10	5	1	1	5	150
2	Косонсой тумани	20	5	-	25	1	1	1	1	4	1	-	-	1	62
3	Мингбулоқ тумани	15	-	-	18	1	-	1	-	1	-	-	1	1	22
4	Наманган тумани	18	-	-	15	1	-	1	-	2	-	-	1	1	28
5	Норин тумани	22	1	-	23	1	-	1	-	1	1	-	1	1	35
6	Поп тумани	25	2	-	20	-	-	1	2	2	1	-	1	1	57
7	Тўрақўрғон тумани	22	-	-	15	1	1	1	-	4	1	-	1	1	62
8	Уйчи тумани	20	-	-	14	-	-	1	-	5	1	-	1	1	80
9	Учқўрғон тумани	25	1	-	10	-	-	1	1	2	1	-	1	1	66
10	Чортоқ тумани	28	3	-	42	1	-	1	5	4	-	-	1	1	45
11	Чуст тумани	30	2	-	80	1	1	1	2	8	1	-	1	1	103
12	Янгиқўрғон тумани	24	2	-	20	1	-	1	-	2	-	-	-	1	25
Жами :		284	16	2	334	12	5	13	16	45	12	1	10	16	735

Наманган вилояти маъмурий бирликларининг туристик имкониятларидан самарали фойдаланиш

Т/р	Маъмурий бирликлар	Хизмат кўрсатиш ва сервис имкониятларидан самарали фойдаланиш йўллари
1	2	3
1.	Наманган шаҳри	Тарихий, диний ва экстремал туризмни ривожлантириш учун замон талабларига жавоб бера оладиган меҳмонхоналарни қуриш, ҳайвонот ва ботаника боғларини ташкил этиш орқали экотуристлик объектларни шакллантириш мумкин.
2.	Косонсой тумани	Туризмнинг тиббий, рекреацион, диний, экстремал турларини ривожлантириш учун хориж инвесторларининг моддий ва молиявий ресурсларини жалб этиш талаб этилади.
3.	Мингбулоқ тумани	Чўлли қум ландшафтларида ички ва ташқи сайёҳларни жалб этишни кенгайтириш учун 20 дан ортиқ хизмат кўрсатиш объектларини барпо этиш.
4.	Наманган тумани	Тарихий ва агротуристлик маршрутларни экотуризм билан бирга олиб бориш имкониятини излаб топиш.
5.	Норин тумани	Сирдарёнинг чап соҳилидаги 16 та туристик объектдан экстремал ва экотуризмни ривожлантириш дастур ва режаларини ишлаб чиқиш.
6.	Поп тумани	Фарғона вилоятининг Қўқон, Марғилон ва Фарғона шаҳарларидан келган ички туризмни асосини ташкил қилувчи аҳоли вакиллари экстремал, рекреацион, тарихий ва экотуристлик турларига жалб қилиш йўллари излаб топиш.

1	2	3
7.	Тўрақурғон тумани	Туристтик маршрутни ташкил этишда тумандаги «Ахсикент» тарихий ёдгорлигини зиёрат қилиш билан бирга уютириш масаласини ўрганиб чиқиш. Сирдарё ҳавзасидаги оролларда экотуризмни, «Шахант» дам олиш масканида нозотуризмни регионал ташқи туристик оқими даражасига олиб чиқиш.
8.	Уйчи тумани	Тарихий ва диний туризмнинг 53 та туристик объектларида хизмат кўрсатиш ва сервисни замон талабларига даражасига олиб чиқиш.
9.	Учқўрғон тумани	Учқўрғон сув тўғони (Норин дарёсида) Катта Фарғона, Катта Андижон, Катта Наманган, Шимолий Фарғона каналлари атрофида нозо, рекреацион, экстремал, агро ва экотуризмни ривожлантириш.
10.	Чортоқ тумани	Дам олиш ва баннологик даволаниш масканларига келганларни (Чортоқ, Гулшан) тарихий туризмга (Балиққўл мажмуаси, Зиркмозор, Биби Наима, Султон Саид Жалолиддин каби) ва экотуристтик объектларга жалб этиш.
11.	Чуст тумани	«Чуст маданияти»ни акс эттирувчи Буономозор ва Бибиона тарихий ёдгорликлари, Ғовасой дарё ҳавзасидаги 100 дан ортиқ дам олиш масканлари, тоғ оралиғидаги табиат экзотикалари, бир қатор экотуристтик маршрутлари бўйлаб саёҳатларни амалга оширишни йўога қўйиш. Экотуризмнинг отда ёки пиёда юриш, рафтинг усулларида кенг фойдаланишни йўлга қўйиш.
12.	Янгиқўрғон тумани	Нанай ва Мамай ҳудудидаги дам олиш масканларидан ташқи туризмни ривожлантиришда унумли фойдаланиш. Экотуристтик маршрутларни йўлга қўйиш учун сервис ва транспорт логистикасини такомиллаштириш зарур.



3-бoб. НАМАНГАН ВИЛОЯТИ МИНИЭКОТИЗИМЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТУРИСТИК ИМОКНИЯТЛАРИ

3.1. Наманган вилоятининг миниэкотизимлари ва уларнинг таснифланиши

Экотизимларни таснифлаш лотинчадаги «класс» — бўғинлаш, разрядлаш сўзлари маъносига тўғри келиб, у организмлар ўзаро ва атроф-муҳити ўртасидаги муносабатларни морфогенетик кўрсаткичларига қараб бўлиш деган маънони англатади. Аммо, ҳанузгача фанда экологиянинг объекти бўлмиш экотизимларнинг ягона, умумэътироф этилган таснифлаш жадвали ёки схемаси йўқ (А.Нигматов, 2013). Д.Л.Арманднинг (1975) географик таснифлаш фикрига қўшилган тарзда биз Наманган вилояти экотизимларини қуйидаги талаблардан келиб чиққан таснифладик:

- фалсафанинг фанлар методологиясига қўйиладиган талабларга жавоб бера олиши;
- муайян бир мақсадга йўналтирилганлиги;
- илмий ва амалий аҳамият касб этиши;
- ажратилган гуруҳларнинг қайтармаслиги;
- гуруҳларни номланиши оддий ва равон кўринишда ифода этилиши;
- методик жиҳатдан уни тадқиқ қилиш имкониятига эга бўлишлик ва ҳ.к.

Н.Ф.Реймерс (1990) экотизимларни уларнинг ўлчам бирлигига қараб таснифлашни микро, мезо, макро даражасида таснифлашни, А.Н.Нигматов (2013) эса унга миниэкотизимларни ҳам ажратишни олға суради. Мазкур таснифлаш экотуризмнинг географик хусусиятларини очиб беришда хизмат қилади. Зеро, экотизимлар типи ва тури айнан организмларнинг катта-кичилигига қараб ҳам таснифланади. Шунинг учун ҳам биз вилоят экотизимларининг эгаллаган майдони ва маконига қараб миниэкотизимлар даражасида қуйидагича таснифлашни ёқлаб

чиқдик (3.1.1-жадвал). Наманган вилояти миниэкотизимларининг таснифлаш кўрсаткичлари 1:200 000 масштабдаги вилоят миниэкотизимлар картасининг легендасига киритилди. Мазкур ўрта масштабдаги картада *миниэкотизимлар ўлчами* – *экологик элементарининг ички компонентлараро бошқарув ҳамда қайта тиклаш имкониятини яратувчи ер майдони*. Организмлар Наманган вилояти миниэкотизимлар картасида ажратилган таксономик бирликлари вилоятнинг баландлик минтақаларига деярли мос тушади. Унда геоморфологик нуқтаи назардан одатдагидек миниэкотизимларнинг 5 та типи (баланд, ўртача ва паст тоғлар, адирлар ва текислик) ва 13 та тури ажратилди. Экотизимларни ажратиш ва номлаш А.Назаровнинг 2003 йилда ишлаб чиққан 1: 200 000 масштабли «Наманган вилояти ландшафтлар картаси»дан фарқ қилади. Бизнинг картамизда миниэкотизимлар типи ареалларини ажратиш вертикал минтақаланиш қонуниятларига мос келсада, уларнинг тури экотизимдаги ўзига хос бўлган организмлар турларини яшаш макони нуқтаи назардан синфлаштирилган. *Миниэкотизимларни номлашда урғу организмлар, жумладан ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг тарқалиши ҳамда экотизимларда антропоген фаолият даражасига қарб ажратилган.*

Наманган вилояти миниэкотизимларнинг таснифланиши

Миниэкотизимлар тури ва тури (абсолют баландлиги, метрда)
I. Баланд тоғ миниэкотизимлари (2400-2500 – 4008 м)
1. Яйлов миниэкотизими (2400-4008м)
2. Тоғ ёнбағир ва воҳа миниэкотизими (2500 – 3400 м)
II. Ўртача баландликдаги тоғ миниэкотизимлари (1500-1600 – 2400-2500 м)
3. Сийрак арчазор ва бутазорлар тарқалган яйлов миниэкотизими
4. Ўзлаштирилган ўрта баландликдаги тоғ миниэкотизими
III. Паст тоғ миниэкотизимлари (800-900 – 1500-1600 м)
5. Ўзлаштирилмаган паст тоғ миниэкотизими
6. Ўзлаштирилган паст тоғ миниэкотизими
IV. Адир миниэкотизимлари (500-1000 м)
7. Доимий яйлов адир миниэкотизими
8. Лалмикор адир миниэкотизими
9. Суғорма деҳқончилик адир миниэкотизими
V. Текислик миниэкотизимлари (500 метрдан пастликда)
10. Ўзлаштирилмаган тоғ олди текислик миниэкотизими
11. Тоғ олди ва адирлараро ўзлаштирилган миниэкотизим
12. Сирдарё олди ва орти ўзлаштирилган миниэкотизим
13. Сирдарё орти ўзлаштирилмаган қумли миниэкотизим
14. Сирдарё миниэкотизими
Вилоят бўйича жами :

Наманган вилоятининг экотизимларига таъриф беришда қуйидаги илмий татқиқот натижаларидан атрофлича фойдаланилди:

➤ *умумгеографик масалалар бўйича* – Ферганская долина (1954), Ферганская долина. Картографические материалы (1954), Баратов П. (1996);

➤ *геоморфологияси* – Маматкулов М., Нигматов А., Юсупов Р. (2006), А.Н.Нигматов, А.Дадахўжаев (1997);

➤ *гидрологияси* – Ильин И.А (1959), Расулов А.Р.,Хикматов, Айтбоев Д.П.(2003),Солиев Э.А., Умаров Х. (2006), Баратов А.С. (2007), Солиев Э.А. (2008);

➤ *иқлими* – Камалов Б.А., Солиев Э.А. (2012), Абдурахмонов С.Т. (2016), Чуб В.Е. (2007);

➤ *тупроқлари* — Шувалов С.А. (1957), Махсудов А. (1989.), Казаков А. (1993),

➤ *ўсимлик дунёси* – Набиев М.М. (1959), Арифханова М.М. (1967), Пратов У. (1970), Рахимова Т. (1972,1973), Вернин Р.С., Рахимова Т. (1982);

➤ *ҳайвонот дунёси* - Захидов Т. (1962);

➤ *экологияси* – Усманиалиев А. (1977), Салиев Б.К.(2008), Назаров А.А. (2004), Назаров А., Маҳкамов Ш., Маҳкамов И. (2013), Хусанов Т.Х. (2014);

хўжалик фаолияти – Наманган вилояти паспорти (2013), Қозоқов А, Назаров А., Абдурахмонов С., Камалов Б. (2013).

Баланд тоғ миниекотизим тип тарқалган хууднинг абсолют баландлиги 2400-4008 метр оралиғида. У Наманган вилоятининг шимолий-ғарбий қисмида жойлашган Ғарбий Тянь-Шаннинг Арашон, Ўрталик, Қоровултепа тоғ тизмаларининг чўққилари ва ён бағирларини қамраб олади. Мазкур миниекотизим ўз навбатида 2 та турга ажратилган.

1. Яйлов миниекотизим тури Палеозой эрасининг интуризив ва эффузив жинсларидан қояли тоғ тизмалари, тик ёнбағирлар ҳамда куеста шаклидаги элювиал ва делювиал ётқиқиқлардан иборат текисликларда жойлашган. Бу экотизимнинг ёнбағирлари туташган жойлари тўлиқ шаклланмаган ва ўзгарувчан вақтинча оқар сувларнинг кичик ҳажмдаги қояли тошлардан иборат тоғ водийларига хос геоморфологик шакллар рельефни парчалаб туради. Иқлим ҳарорати паст (ёзда +20 +22°C бўлса, қиш ойларида —3—15°C), ёғин миқдори 400—500 мм ни ташкил этиб, унинг 70—75 фоизи қор тариқасида ёққани учун ҳам тоғ чўққиларининг шимолий ва шимолий-ғарбий ёнбағирларида у доимий равишда, жанубий ён бағирларида эса 7—8 ой мобайнида ер юзасини қоплаб туради. Қорлардан бўшаган шимолга қараган тоғ ёнбағирларда унинг юқа қатламли тоғ қўнғир тупроқларида юнон, зиракўз, тарик, чайир-парпи каби ўтсимон ўсимликлар қоплами билан биргаликда ўзига хос ҳайвонот дунёсининг сут эмизувчиларидан — тоғ такаси, қўк ва қизил суғур, мензбир суғури; қушлардан — тоғ каклиги, калхат, бургут, сорлар ўзининг яшаш маконини ҳосил қилган. Табиий шароитга монанд равишда антропоген босим минимал тарзда намоён этган.

2. Тоғ ёнбағир ва воҳа миниекотизим тури Мезазой ва Кайназой бурмаланишидаги тоғ тизмалари, элювиал ва делювиал ётқиқиқларининг қияли ёнбағирларида ҳосил бўлган тоғ қўнғир, жигарранг ва тўқ тусли тупроқлардан ташкил топган. Ёнбағирлар туташган жойларда шаклланмаган вақтинча оқар сувларнинг кичик ҳажмдаги тоғ водийларга хос геоморфологик шакллардан иборат. Иқлим ҳарорати ёз ойларида +22 +28°C бўлса, қиш ойларида —1—12°C, ёғин миқдори 350—470 мм ни ташкил этиб, унинг 40—50

фоизи қор тариқасида ёғади. Сой ирмоқлари (Арашон, Зикиркўл, Келимчек каби) ва пастқамликларда кичик кўллар (Арашон кўли) ва Бетапалик ботқоқликлари учрайди. Арашон тоғ водийсида табиий йўл билан ҳосил бўлган ва шифобахш хусусиятига эга «Арашон булоғи» мавжуд. Ушбу экотизимда: сут эмизувчилардан – мензбир суғури, олакузан (каламушсимон), силовсин, илвирс, тоғ кийиги, суғур, ёввойи чўчка, бўри ва тулкилар; қушлардан – тоғ каклиги, бедана, лочин, тувалоқ, илонбургут, калхат, сорлар учрайди. Флористик ресурслардан кийик ўти, далачай, тоғ райхони, тоғ қалампири, тоғ ялпизи, зира, дўлана, наматак, сийрак арчазорлар, бошоқли, бетагали гидрофил ўсимликлар ўсади. Мазкур экотизимдан аҳоли мавсумий чорвачилик, овчилик ва тоғ боғдорчилигида экстенсив равишда фойдаланади.

II. Ўртача баландликдаги тоғ миниэкотизим тип Поп туманининг ғарбий ва шимолий, Чуст, Косонсой Чортоқ ва Янгикўрғон туманларининг шимолий қисмларини эгаллаган 2 миниэкотизимлар турига ажратиш мумкин: сийрак арчазор, бутазорлар ва чалов ўсимликлар тарқалган яйловлар ҳамда ўзлаштирилган ўрта баландликдаги тоғлар.

3. Сийрак арчазор ва бутазорлар тарқалган яйлов миниэкотизим тури денгиз сатҳидан шимолий экспозицияларда 1900–2400м, жанубий экспозицияларда 2000–2500м баландликгача кўтарилиб, ер юзаси мезо-кайназой даврида бурмаланган кристалл магматик тоғ жинсли ён бағирларда элювиал-делювиал, пастқамликларда эса пролювиал ётқизиқлар билан қопланган. Палеоген ва неоген тоғ жинслари очилиб қолган қояли ён бағирларда ўсимлик дунёси мох ва лишайниклардан иборат. Жигарранг карбонатли ва тўқ тусли бўз тупроқлар нисбатан тик бўлмаган ва шимолга қараган ён бағирларда ястаниб ётади. Мавсумий яйловлар айнан мазкур типдаги тупроқлар жойлашган ерларда ҳайдаб боқилади. Сийрак арчазорлар (қизил ва қора арча) билан бир қаторда ёввойи мевали дарахтлар (дўлана, тоғ олмаси, тоғ олчаси) ва кенг баргли мевасиз дарахтлар (тоғ тераги, тоғ қайрағочи, тоғ толи) ва буталар (наматак, қушқўнмас, ёввойи

малина) ўсади. Флористик ресурслардан яна кийик ўти, далачай, тоғ райхони, тоғ қалампири, тоғ ялпизи, чаян ўти, бошоқли ва бетагали гидрофил ўсимликлар ўсади. Ҳайвонот дунёсининг сут эмизувчиларидан — олмахон, тулки, бўри, чия бўри; қушлардан — лочин, бургут, илонбургут каби ҳайвонот дунёсининг турлари учрайди.

4. Ўзлаштирилган ўрта баландликдаги тоғ миниэкотизим тури Мезо-кайназой даврида бурмаланган кристалл-магматик тоғ жинсли ён бағирларда пролювиал ётқизиклардан ташкил топган. Экотизимнинг юқори баландликларидан лалмикорликда, ўрта қуйи қисмидаги ясси тоғлардаги жигарранг ва тўқ тусли бўз тупроқлардан боғдорчиликда, тўқ ва типик тусли бўз тупроқлардан эса бошқа турдаги деҳқончиликда фойдаланилади. Ўрта баландликдаги ўзлаштирилмаган кичик ареалларда флористик ресурслардан — тоғ райхони, тоғ ялпизи, чаян ўти, бошоқли ва бетагали гидрофил ўсимликлар ўсади. Ҳайвонот дунёси сут эмизувчилардан — тулки, бўри, чия бўри; қушлардан — қора қарға, афғон саваси, чумчук, қирғовул, калхатлар учрайди. Шу билан бир қаторда тошбақа, калтакесак, дашт илони каби судралиб юривчилар ҳам мазкур экотизимда кенг тарқалган.

III. Паст тоғ миниэкотизим типиди ажратилган икки тур, яъни ўзлаштирилган ва ўзлаштирилмаган экотизимлар юқори минтақаларда ажратилган баландлик поясларига каби юқоридан пастга томон тушмайди. Уларнинг антропоген ўзлаштирилган даражаси жойнинг геоморфологик ва иқлимий хусусиятларидан келиб чиққан тарзда намоён бўлади. Экотизимларда типик континентал иқлими ҳукмрон бўлиб, июль ойининг ўртача ҳарорати $+28+32^{\circ}\text{C}$, январь ойининг ўртача ҳарорати $-2-8^{\circ}\text{C}$ бўлса, йиллик ўртача ёғин миқдори 150 -180 мм ни ташкил этади.

5. Ўзлаштирилмаган паст тоғ миниэкотизим тури Поп туманининг жанубий-шарқий, Чуст худудини шимолий, шимолий-шарқий, Тўрақўрғоннинг ғарбий ва шимолий, Косонсойни жанубий, жанубий-шарқий, Янқўрғон туманининг шимолий қисмлари мазкур экотизимнинг асосий худудини ташкил этади.

Геологик тузилишига кўра тўтрламчи давр отқинди магматик, метаморфик тоғ жинсларидан иборат бўлган бу ҳудуд тепаликларида делювиал, пастқамликларда эса пролювиал, ясси тоғларда эол ётқизикларда шаклланган ва юпқа қатламли автоморф рижимдаги типик ва оч тусли бўз тупроқлар типи мавжуд. Гидрографик иншоатлар билан ер юзсининг парчаланганлик даражаси паст тоғлардаги Резаксой, Пунгонсой, Косонсой, Подшоотасой каби сойлар билан харкатерланади. Бундан ташқари Зарваксой, Резаксой, Чуст, Эскиер каби сув омборлари ҳам мазкур экотизимларда жойлашганлиги ҳудуднинг ўзига хослигини таъминлайди. Кичик экотизимда тарқалган ўсимлик дунёси ғарбдан шарққа томон иқлим кўрсаткичларига монанд равишда зичлашиб бориши кузатилади. Вилоятнинг шарқий ҳудудидаги ўзлаштирилмаган паст тоғларда силен, исрик, янтоқ, ғумай, қамиш каби, ксерофитлар; ғарбий қисмида эса булардан ташқари голофитлар, чалабуталар (паст бўйли наматак) ҳам тарқалган. Ҳайвонот дунёсидан жайра, юмронқозик, кўшоёк, дала сичқони, калтакесак, типратикон, тошбақа, илонлар ва уларнинг кушандаси бўлган калхат, бургут, лочин каби қуш турлари учрайди. Дашт тулкиси, чиябўри каби сут эмизувчиларнинг маълум бир сони ҳам бор. Экотизим ҳудудида асосан ҳайдаб боқиладиган чорвачилик кенг тарқалган.

6. Ўзлаштирилган паст тоғ миниэкотизим тури Поп туманининг жанубий қисмидан бошланган бўлиб, у Чуст туманининг шимолий-ғарбий, Косонсой туманининг жанубий-ғарбий, жанубий-шарқий, Янгикўрғон туманининг шимолий-шарқий қисмларини ҳам ўз ичига қамраб олган. Шимолий Фарғона ва Катта Наманган каналлари шимолий-шарқдан, жанубий-ғарб томон оқиб ўтган ушбу каналлар Пунгонсой, Резаксой, Косонсой, Подшоотасойларини кесиб ўтади. Ҳудудни сув билан таъминлашда Кўксерак, Ертикан ва Варзик сув омборлари катта аҳамият касб этади. Геологик тузилишидаги асосий фарқ унда лёссимон жинсларнинг тарқалганлиги ва нисбатан сув билан таъминланганлигидадир. Вилоятнинг Поп ва Чуст тумани

ҳудудларининг катта қисми пахта ва ғалла экинлари ҳамда полиз экинлари, Косонсой ва Янгиқўрғон туманларида эса боғдорчилик ва унинг интенсив йўллари ҳамда сабзавотчилик ривожланган.

IV. Адир миниэкотизим типини инсон фаолиятининг иштирок этиш даржасига қараб 3 та турга: доимий яйлов, лалмикор, суғорма деҳқончилик адир экотизимларига ажартиб олдик. Чунки Фарғона водийси, жумладан Наманган вилояти адирлари эндемик кўринишга эга бўлган ва аҳоли зич яшайдиган ҳудудларда жойлашганлиги билан характерланади. Жамиятни асосини ташкил этувчи кишилар эса организмларнинг энг асосий тури бўлиб ҳисобланади.

7. Доимий яйлов адир миниэкотизим турининг рельефи кучли парчаланган, она жинси тўртламчи даврнинг шағал ётқиқиқларидан иборат, шўрланган ва кучли эрозияланган юқа типик ва оч тусли бўз тупроқлардан иборат бўлган ерлардан иборат. Йил давомида ушбу ерлардан аҳоли чорвачиликда интенсив фойдаланганлиги учун ҳам сийрак ўсган шувок, шўра ва эфимер ўсимликлар биланд банд. Жойнинг абсолют баландлиги юқори томон кўтарилиши, яъни йиллик мавсумий ёғин миқдорини 30—50 мм ортиши шўра-бошоқлилар оиласига мансуб флорестик ресурслар катта майдонларни эгаллаш сабабчисидир.

8. Лалмикор адир миниэкотизим тури Янгиқўрғон, Чортоқ ва Поп туманларида денгиз сатҳидан 900-1000 м баландликкача кўтарилиб боради. Эллювиал ва пролювиал, эолли лёссимон, қумоқ, конгломерат, охактош ва қум тошлар тоғ жинслари устида шаклланган тўқ ва типик рангли бўз тупроқларни қамраб олади. Иқлим шароити мўътадил континентал типига эга бўлиб, мавсумий ёғингарчилик ўртача 180—200 мм ташкил этади. Июль ойининг ўртача йиллик ҳарорати $+26+28\text{ }^{\circ}\text{C}$ тенг бўлиб, январь ойида $+2-6\text{ }^{\circ}\text{C}$. Ҳудудда Пунгонсой, Зарваксой ва Жийдалисой сув омборлари жойлашган. Табiiй шароитига кўра шувок ва янтоқ каби ксерофитлар, қорабош, кўзиқулоқ каби галофитлар, адирларнинг пастқамликларида намликни ёктирувчи ксерофил ўсимликлар учрайди. Лалмикор деҳқончилик локал тарзда нисбатан баланд ва

ясси ерлада тарқалгани учун ҳам улар орасидаги тик қияларда жайра, тулки, юмронқозик, қўшоёқ, чиябўри каби сут эмизувчилар, калтакесак, тошбақа, илон, укки, калхат каби йиртқич қушлар ўзига хос биотоп ҳосил қилган.

9. Суғорма деҳқончилик адир миниэкотизим тури Чуст туманининг шарқий, Тўрақўрғон туманининг шимолий, Косонсой туманининг жанубий, Янгиқўрғон туманининг жанубий-шарқий сунъий ирригацион тармоқлар билан таъминланган лёссимон она жинсларда шаклланган типик ва оч тусли бўз тупроқлар тарқалган ерларда учрайди. Июль ойининг ўртача ҳарорати $+28 +30^{\circ}\text{C}$, январь ойининг ўртача ҳарорати $0+5^{\circ}\text{C}$, ўртача йиллик ёғин миқдори 140–180 мм ни ташкил этади. Суғориладиган ерлар Подшоотасой, Косонсой, Резаксой, Ғовасой каби гидрографик тармоқлардан насос орқали сув билан таъминланади. Поп адирлари узумчилик ва доривор ўсимликлар етиштиришга, Чуст адирлари полиз-сабзовот ва узумчилик, Тўрақўрғон ва Косонсой адирларида эса узумчилик, боғдорчилик, пахта ва ғалла етиштирилади. Бундан ташқари, вилоят ҳудудидаги Янгиқўрғон ва Чортоқ адирлари, аксарият ҳолларда, данакли мевали (ўрик, олма, олча, олхўри, ғайноли, ёнғоқ каби) интенсив боғларга ихтисослашганлиги билан характерланади. Кейинги йилларда ушбу ерларда интенсив деҳқончиликни ривожлантириш, транспорт логистикаси ва қайта ишлаш саноатига катта миқдорда хорижликлар томонидан инвестициялар киритилиши режалаштирилмоқда.

V. Текислик миниэкотизим типиди юқорида санаб ўтилган типларга нисбатан антропоген таъсирнинг юқорилиги билан ажралиб туради. Унда 4 та миниэкозимлар тури ажратилди: ўзлаштирилмаган тоғолди текислик; тоғолди ва адирлараро ўзлаштирилган; Сирдарёолди ва орти ўзлаштирилган; Сирдарёорти ўзлаштирилмаган қумли экотизимлар.

10. Ўзлаштирилмаган тоғолди текислик миниэкотизим тури Наманган вилояти Поп туманининг жанубий-шарқий ва марказий қисмларини эгаллаб, тўртламчи даврнинг ёш эол ва пролювиал ётқизиқларидан иборатдир. Эрозион ва дефляцион

парчаланган. Иқлимнинг кескин континенталлиги, ёғин миқдорининг 140–160 мм ошмаслиги, ўсимликларнинг баҳорги вегицион даврида кучли «қўқон шамоли»нинг эсиши биологик ресурсларнинг хилма-хиллигини камайтириб юборган. Ўсимлик дунёсидан эфемероид ва эфемерлар, шўрланган оч тусли скелектли тупроқларда эса шувок, шўро, черкес янтоқ кабилар ўсади. Вақтинчалик ҳосил бўладиган сой бўйида қирқбўғинлилар, седарга, ажриқ, субтурум кабилар тарқалган. Ҳайвонлардан – тошбақа, чўл қуёнлари, кулранг тулки, калтакесак, дашт илони, қўшоёқ, жайралар учраб туради. Қушлардан – бойкуш, сор, дашт чумчуғи, афғон саваси мавжуд. Мазкур экотизимдан кишилар йил бўйи чорвачиликда фойдаланади.

11. Тоголди ва адирлараро ўзлаштирилган миниэкотизим тури вилоятнинг қишлоқ хўжалигида интенсив фойдаланадиган ерларга киради. Мазкур экотизимда 3 та адирлараро тикисликлар ажратилади: Чуст–Олмос–Ғова–Варзик; Косонсой–Исковот–Заркент–Пешқўрғон. Бу ерда тупроқ ҳосил бўлиш жараёни тўртламчи даврнинг лёсс ва лёссимон тоғ жинсларида содир бўлгани, рельефи шимолдан жанубга томон табиий ҳолда пасайиб борганлиги учун ҳам ҳосилдор типик ва ва оч тусли бўз тупроқлар, аллювиал ётқизикларда шаклланган чимли тупроқлардан иборат. Хўжалигида асосий экин майдонларига пахта, ғалла, маккажўхори ҳамда интенсив боғдорчиликдан иборат бўлиб, вилоят қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг маълум қисмини беради.

12. Сирдарёолди ўзлаштирилган миниэкотизим тури Норин, Қорадаё ва Сирдарё қайирлари, террасларининг аллювиал ётқизикларида тарқалган гидроформ режимли ўтлоқи, қайирларда ботқоқ ўтлоқи, лёссимон жинсларда автоморф ўтлоқи тупроқлар тарқалганлиги билан ажралиб туради. Ҳудудда тарқалган тупроқларда пахта ва ғалла деҳқончилиги, кўп йиллик боғдорчилик ишлари йўлга қўйилган. Дарё ҳосил қилган тўқайзорларда кичик-кичик тўқайзорлар мавжуд бўлиб, уларда тўронғил, тол, жингул, наматаклар учрайди ва уларнинг таги яшил ўт билан қопланган. Дарё бўйларида булоқлар жуда кўп. Экотизимда ўзига хос равишда

шаклланган Сирдарёнинг ўн қирғоғи Норин туманидан то Поп туманигача 40—65 м баландликдаги лессли тик қирғоқлар мавжуд. Уларда ёввойи каптарлар, қалдирғоч, укки, чумчуқ, ҳакка каби қушлар ин қўйиб, яшаш маконига айлантирилган.

Дарё ва сойларнинг тўқайзор қисмларида қушлар ўзига хос биотоп ҳосил қилади. Деярли барча сув ҳавзаларида ондатра кенг тарқалган. Подшоотасой, Ғовасой сойликларида қисман қундуз ҳам учрайди. Сирдарё соҳилларидаги қайинзорларида сайроқи қушларнингш сони ортиб ва ҳудудлар эса кенгайиб бормоқда. Шунингдек унда қирғовул, чиябўри, тўқай ёввойи мушуги ва ўрдақларнинг айрим турлари ҳам учрайди. Норин дарёси ҳавзасида асосан хонбалиқ (форел), зарда балиқ (маринка), шумбалиқ (усач) кабилар учрайди.

13. Сирдарё орти ўзлаштирилмаган қумли миниэкотизим тури Мингбулоқ туманининг Марказий Фарғона қумли массивда учрайди. Ушбу массивнинг ҳосил бўлиши Сирдарё ва Марказий фарғонадаги эол ётиқизиларидан келиб чиққан. Унинг рельефи конус шаклидаги сараланган қум барҳанларидан иборат бўлиб, уларнинг баландлиги 2—3 м, узунлиги 6—8 м дўнгликлардан иборат. Ер ости сувлари ер юзасига яқин бўлгани учун ҳам барханлар орасида голофитлар, уларнинг устида эса оқ ва қизил қандим, саксовул, янтоқлар билан қопланган. Ҳайвонот дунёсининг асосини судралиб юрувчилардан — эчкиэмар, тез югурувчи калтакесак, ботмончи, тошбақа, чўл илонлари; сут эмизувчилардан — чўл малла тулкиси, чиябўри, чўл қуёни, типратиконлар ташкил этади.

14. Сирдарё миниэкотизим тури ҳудуддан оқиб ўтувчи Сирдарё ҳавзаси билан боғлиқ. Дарё ҳавзасининг майдони 219 000 км² иборат бўлиб, бошланиш ирмоқлари Тянь-Шань тоғ тизмасидаги Талас, Туркистон, Кетмон тоғ тизмаларидаги Давидов, Петров номли тоғ музликларидан бошланади (Л.К.Давыдов, 1947). Дарёнинг юқори оқими Қирғизистон Республикаси ҳудудига тўғри келади. Норин тумани Чўжа қишлоғидан Норин ва Қора дарёларининг қўшилишидан Сирдарё бошланади. Дарё ўз йўлида

меандралар, тик қояли жарликлар (20–30 м баландликда дарёнинг ўнг қирғоғида), алювиал ётқизикли ярим ороллар, ороллар, қайирлар ҳосил қилади.

Вилоят ҳудудидан оқиб ўтувчи Подшоотасой, Чортоқсой, Намангансой, Косонсой, Резаксой, Ғовасой, Олмосой, Варзиксой каби сойлар ўз сувини Сирдарёга қуяди ва Сирдарё ҳавзасини ҳосил қилади. Тарихий манбаларда келтирилган маълумотларга кўра Сирдарё аввал ҳозирги ўзанига нисбатан 50—70 км, ғарбий томондан оққан. Ер шарини ғарбдан шарққа томон айланиш ҳаракати ва ўз ўқиға нисбатан 21,7 даражадаги қиялиги қонуниятига кўра шимолий ярим шардаги барча дарёлар, сойлар, каналлар ўнг қирғоғини емириб боради. Шу қонуниятга биноан Сирдарё доим ўнг томонга қараб ҳаракатланади. Сирдарёнинг эски ўзанидаги аллювиал ётқизиклар устини шамол, вақтинча оқар сувлар таъсиридан қум, қумоқ каби тоғ жинслари қоплаган. Бу ҳудудда аҳолини кўчиб бориб ўтроқ ҳолатда яшаши йирик-йирик қишлоқлар, аҳоли пунктлари, шаҳарлар барпо этиб, сув иншоотлари қурилишидан бўз ерлар ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжалик экин майдонларига айлантирилган. Антропоген ландшафт формалари ҳамма жойда учрайди.

Сирдарё йирик сув ҳавзаси вилоят ҳудудидан оқиб ўтиши кўплаб геоморфологик ва гидрогеологик эколандшафт шакллариини ҳосил қилган. Дарёда сув сарфини озайиши натижасида ҳосил бўлган ороллар 84 тани ташкил этади. Бу ороллар майдони 1дан то 3 га гача бўлиб, ўзига хос микроиклим шаклланган. Мавжуд оролларда 20-30 см қалинликдаги ўтлоқи тупроқлар тарқалган бўлиб, унинг ости шағалли қатламлардан иборат. Гидроморф режимдаги ўсимликлардан юлғун ва тўқайзорлардан иборат ўрмонларни ҳосил қилган. Оролларда мавсумий қушлар, яввойи қалдирғоч, кабутар, лайлак, майна, зағча, булбул, қумри, мусича ва оролларни ўзида доимий яшовчи тустовуқ, қирғовул, ёввойи ўрдаклар биотопи ҳосил қилган. Сут эмизувчиларидан олмахон, қуён, тулки, чиябўри, бўриларни учратишимиз мумкин.

3.2. Наманган вилояти экотизимларининг ҳудудийлиги, даврийлиги ва комплекслиги

Маълумотларга кўра Наманган вилояти миқёсида туризмдан тушган маблағ 2016 йил 31,1 млрд. сўмга тенг бўлган. Унинг кейинги 3 йил давомида ўсиш суръати эса бор йўғи 25 фоизни ташкил этган ва у ҳам бўлса ички туризм ҳисобига ўсганлиги вилоят статистик маълумотларда қайд этилган. Мазкур соҳани 2021 йилгача ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги *”Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”*ги ПФ-4947-сонли фармонида 2017-2021 йилларда мамлакатни ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши аниқланди. Унинг 3.2-устовр йўналишининг 10-хатбошида *«Туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда унинг роли ва улушини ошириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш»* орқали регионал иқтисодий—ижтимоий рақобатбардошликни юзага келтириш масаласи қўйилган. Мазкур дастурнинг Наманган вилоятида ўз аксини туристик нуқтаи назардан топиши учун:

- ✓ Ангрен-Поп темир йўлининг вилоят маркази ва бир қатор туманларидан ўтувчи туристик маршрутларини ишга тушириш;
- ✓ ички транспорт логистикасини ривожлантириш;
- ✓ туризм орқали Марказий Осиёда геосиёсий вазиятни юмшатиш;
- ✓ аҳоли даромадларини туризм орқали ўсишини таъминлаш;
- ✓ сервис ва хизмат кўрсатишни замонавийлаштириш;
- ✓ мазкур соҳа учун кадрлар тайёрлашнинг йўлга қўйиш каби чора-тадбирларни йўлга қўйиш орқали ички туристлар сонини йилига 10 минг нафарга, халқаро туристлар сонини эса 3 минг нафарга ортиришини таъминлаш.

Наманган вилояти ҳокимининг «2016-2017 йилларда Наманган вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш» дастури

тўғрисидаги 2016 йил 16 февралдаги 66-сонли қарори билан амалга оширилаётган сайи ҳаракатлар туфайли келажақда экотуризмни маълум бир ҳудудий бирликлар, бизнинг ҳолатда эса экотизимлар доирасида ривожлантириш ўта муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам биз ўз тадқиқотларимизда Наманган вилоятининг миниэкотизимлар тури даражасида туристик имкониятларини географиянинг тадқиқот предметидан, ҳудудийлик, даврийлик ва комплекслилиги нуқтаи назардан сифат жиҳатдан баҳолашни мақсадга мувофиқ деб билдик.

1. Яйлов миниэкотизим турининг:

1.1. Ҳудудийлиги – экотизимнинг шимолий қисми Чотқол тоғ тизмасининг Қизилтош каби жанубий шарқий қисмида жойлашган 7 та доимий қор тоғ чўққилари туристларнинг эътиборини тортиши мумкин.

1.2. Даврийлиги – В.Л.Шульцнинг (1955) маълумотларига кўра Чотқол тоғ тизмасининг Наманган вилояти қисмида XX асрнинг ўрталарида доимий қорли чўққиларнинг сони 13 тадан зиёд бўлган. Иқлим ўзгариши ва экотизимларга инсон босимининг кучайиши натижасида ҳозирги кунга келиб уларнинг сони 2 баробарга қисқариб кетди. Шунга монанд равишда Оҳангарон дарёси сув режими ёз ойларида 20,1 м/сек камайган (<http://cawater-info.net>).

1.3. Комплекслилиги – Чотқол тоғидаги 7 та доимий равишда қор билан қопланган ва мавсумий қор чўққиларини томоша қилиш билан бир қаторда уларга кўтарилишни уюштириш орқали экстремал туризмнинг алпинизм туридан фойдаланиш мумкин.

2. Тоғ ёнбағир ва воҳа миниэкотизимининг:

2.1. Ҳудудийлиги – вилоятнинг шимолий ва шимолий-ғарбий қисмида жойлашган Ўрталиқ, Қоравултепа, Арашон, Бетагали, Қуйинди каби тоғ тизмаларини водийлари ва тоғ оралиғи текисликларида жойлашган мазкур экотизим геоморфологик жиҳатдан 20 дан ортиқ водий текисликлари ва пастқам жойлардан иборат. Ҳудудда бир-биридан фарқланувчи табиий комплекслар – сийрак арчазорлар, бошоқли ва бетагали ландшафт бирликлари

ҳамда дарё ва сойликлар атрофларида гидроморф ҳамда гидрофил шароитга мос фауна ва флора турлари ривожланганки, унда экотуризмнинг турли хилларини ривожлантириш истикболини белгилайди.

2.2. Даврийлиги – О.Абдуллаев (1995) маълумотларига кўра аввалига экотизим табиий яйлов, ўтлоқ ва ўрмон сифатида фойдаланилган. 1970-1980 йиллардан бошлаб инсонв фаолияти натижасида текисликлар ҳайдалган ва қишлоқ хўжалигида боғдорчилик ва деҳқончиликнинг дончилик экин майдонларига айлантирилган. Аҳоли кўрғонлари, сув иншоатлари, транспорт-коммуникация тармоқлари барпо этилган. Бу экотизим ҳудудидан оқиб ўтувчи дарё ва сойларнинг гидротермик режими ва сув кўпайиш ёки камайиш мавсумийлигига қараб туризмнинг экстремал турини ривожлантириш мумкин.

2.3. Комплекслилиги – тоғ олди экотизими ҳавосининг тозалиги, сой ва булоқлар, бетакрор тоғ табиати, ўрмон, яйлов ва ўтлоқларга бойлиги учун ҳам экотуризм, агротуризм, рекреация ва экстремал туризмни пиёда, отларда сайр қилиш, рафтинг турлари орқали турмаршрутларни ташкил этиш мумкин.

3. Сийрак арчазор ва бутазорлар тарқалган яйлов миниэкотизимининг:

3.1. Ҳудудийлиги – вилоятни шимолий-ғарбий қисмида жойлашган Ўрталик, Арашон, Кенгсой, Қаралтош тоғ тизмалари атрофларидаги 20 000 га арчазорлар, 10 000 га майдондаги яйловлар билан банд мазкур экотизим атрофидаги бошқа миниэкотизимлар ўртача 2000-2500 м а.б. жойлашганлиги учун ҳам ўзига хос тоғ комплексларини ҳосил қилган. Ўзининг табиат экзотикаси, бетагазорлари, арчазорлари ҳамда сайроқи қушлари билан туристик жозибадорлигини оширади.

3.2. Даврийлиги – 2000-2400 метргача кўтарилган сийрак арчазор ва бутазорлар тарқалган яйловлар майдони сўнги йилларда иқлим ўзгариши билан боғлиқ бўлган жараёнлар ва антропоген босимнинг ортиши натижасида камаймоқда (Э.А.Солиев, 2008). Бу экотизимда туризмни ҳозирги замон турлари: дам олиш

масканлари, ихтисослаштирилган саломатликни қайта тикловчи шифохоналар, оромгоҳлари ва кепингларни истиқболда ташкил этиш мумкин.

3.3. Комплекслилиги – экотизим сийрак бўлсада турли инсон саломатлиги учун зарур эфир мойларига бой бўлган, атмосфера ҳавосини мусоффолигини таъминлайдиган арчазорлар, тез оқувчи сойлари ва улар ҳосил қилган гидрологик объектларга бой. Мазкур ҳудудда экотуризм билан биргаликда туризмни тоғ, ўрмон, яйлов, дарёлар, сув омборлар ва булоқларга сайир қилиш турларини истиқболда таклиф этилади.

4. Ўзлаштирилган ўрта баландликдаги тоғ мини экотизимнинг:

4.1.Худудийлиги – 1500-2000 м тоғ оралиғидаги бу экотизимга вилоятни шимолий-ғарбий, шимолий ва шимолий шарқий қисмларидаги ўртача 800-1200м. баландликдаги тоғлар ва тоғ олди ҳудудларини қамраб олади. Қ.Зокировни (1970) олиб борган тадқиқотларига кўра бу ҳудудда табиий-экологик шароит ўртача тоғ иқлимига эга бўлган биокомпонентларни баландлик минтақаси бўйича тарқалиши билан характерланади.

4.2.Даврийлиги — О.Абдуллаев (1995) маълумотига кўра 1970 йилгача аҳоли кам яшаган бу экотизим бугунги кунга келиб қишлоқ хўжалик экинларидан буғдой, пахта, боғдорчиликка ихтисослашган деҳқон ва фермер хўжаликлари томонидан юқори даражада (85–90%) ўзлаштирилган. Шунинг учун ҳам унда экотуризмни агротуризм билан биргаликда олиб боришни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

4.3.Комплекслилиги – баландлиги 500-600 метр баландлик даги адир оралиғидаги текисликлар инсон томонидан янги ўзлаштирилган ва унда ўзига хос қиялик ёки нишабликларда турли шаклдаги сой йўллари ва жарликлар кўп учрайди. Гидрографик режим, ер, ўсимлик экотизимлари турли хил кўринишда экотизимларни ҳосил қилган. Уларда туризмнинг агро, экстеремал, рекреацион ва спорт каби туризм турларини ташкил этиш давр талабидир.

5. Ўзлаштирилмаган паст тоғ миниэкотизимининг:

5.1. Худудийлиги – вилоятни Поп туманининг марказий қисми, Чуст туманидаги Ғова, Косонсой шаҳри, Янгиқўрғон худудинининг шимолий, Чортоқ туманинг шимолий-ғарбий қисмларини қараб олади. У.Пратов (1970) ва М.Набиевларнинг (1959) маълумотларига кўра бу экотизим вилоятни шимолий-ғарбий қисмидаги бир қатор тоғларнинг (800-1600 м а.б.) қояли ёнбағирлари, пролювиал тоғ жинсли ва скелетли тупроқлар тарқалган худудларни ўз ичига қамраб олади. Экотизимда эфемер, эфемироидлар, шувоқ, янтоқ, қушқўнмас, чалов каби ўсимликлар; эчкиэмар, калтакесак, илонлар каби судралиб юрувчилар, чиябўри, тулки, чўл қуёни каби сут эмизувчилар; қарға, авфон майнаси, чумчуқ каби қушлар яшайди.

5.2. Даврийлиги – О.Абдуллаев (2000) олиб борган тадқиқотларига кўра XX асрнинг 70-йилларигача бу ерлардан аҳоли фақатгина чорвачиликда фойдаланган. Поп туманида Сарваксой, Жировсой; Чуста – Ғовасой, Кўксераксой, Варзик; Косонсойда – Еттикон, Мирзабулоқ, Қорасуюк; Янгиқўрғонда – Қандикон, Ескиер; Чортоқда – Чортоқ, Қорамурт сув омборлари ҳамда Сейрек, Қуқумбой, Тешиктош каналларининг ишга туширилиши суғорма деҳқончилиқни ривожлантирди ва агротуризмни ривожлантириш учун замин яратди.

5.3. Комплекслиги – экотизим худудидан оқиб ўтувчи Чодак, Резаксой, Ғовасой, Косонсой, Кенгулсой, Чортоқсой, Подшоотасой каби бир қатор сойлар ўзига хос экотуристлик ландшафт манзараларини ҳосил қилганки, булар пролювиал водийлар, сой водийларидаги яйловлар, ўтлоқ ва бутазорлар, булоқлар вилоят худудига ташриф буюрган туристларни ўзига жалб қилмоқда. Шунинг учун ҳам бу ерда экотуризм билан бир қаторда тарихий, агро ва рекреацион туризм турлари комплекс ривожланиб бормоқда.

6. Ўзлаштирилган паст тоғ миниэкотизимининг:

6.1. Худудийлиги – 800-1000 м а.б. баландликдаги Шимолий Фарғона ва Катта Наманган каналлари оқиб ўтувчи Уйчи, Чортоқ, Янгиқўрғон, Косонсой, Чуст, Поп туманларининг жанубий

қисмидаги қадимдан суғорма дехқончилик ривожланган ерларни қамраб олган экотизим. Унда оч тусли маданийлаштирилган бўз тупроқларда пахта, ғалла экин турлари, полиз ва сабзавот экинлари, узумчилик ва боғдорчилик таркиб топган. Экотизимни 10 дан ортиқ сойлар парчалаган водий текисликлари ҳам бор. Соилар атрофида аҳоли кўрғонлари, қишлоқлар ва агроинфраузилмалар барпо этилган.

6.2. Даврийлиги – маълумотларга (Н.Шувалов, 1960; Қ.Зокиров, 1979; А.Қозоқов, 1983) кўра қадимда бу экотизим худудида аҳоли фақатгина чорвачилик билан шуғулланган. 1970-80 йиллардан бошлаб йирик сув омборлари (Олмос, Варзик) қурилиши, насос сув узатгич иншоатларини ишга туширилиши натижасида техник экинлардан пахта, буғдой ва интенсив боғ майдонлари ҳамда сабзавотчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар барпо этилган. Шунинг учун ҳам экотизим истиқболи агротуризмда дейиш мумкин.

6.3. Комплекслилиги - рельеф шаклларига кўра экотизим аллювиал текисликлар ва сой ҳосил қилган водийлардан иборат. Дарё бўйларидаги ям-яшил доривор ва шифобахш ўсимликлар, санотариялар, боғлар, сайроқи қушлари худудга ташриф буюрган агро ва экотуризм мажмуали равишда олиб боришга имкон яратади.

7. Доимий яйлов адир миниекотизимининг:

7.1. Худудийлиги - 500-1000 м а.б. ўз ичига қамраб олувчи бу экотизим тўлқинсимон адирликлардан иборат. Вилоят статистика бошқармаси маълумотиға (2013) кўра 27 минг га табиий яйлов ва ўтлоқларда мавсумий атмосфера ёғинлари янтоқ, шувоқ, курмак каби ўсимликлардан чорвачиликда, иссирик, ровоч ва ковул каби доривор ва шифобахш ўсимликлардан фармацевтика саноатида фойдаланиш имкониятини яратади.

7.2. Даврийлиги – илгаридан яйлов бўлиб келган экотизим эрозион ва денудацион жараёнлар орқали ўзига хос рельеф шаклларини юзага келтирган (А.Қозоқов, Б.Камолов, 2016). Кейинги 30-40 йил ичида пичанларни таъминлаб берадиган

яйловлар майдони қисқариб кетганлиги учун ҳам селетеб ва агроландшафт типлари шаклланган.

7.3. Комплекслилиги – рельефи парчаланган адирликлардан иборат табиий ва антропоген ландшафтларда экотуризм билан биргаликда нозотуризмни ривожлантириш истиқболлари мавжуд.

8. Лалмикор адир миниэкотизимининг:

8.1. Худудийлиги – адирлар минтақаси билан текислик минтақаси туташган ерлари, яъни Шимолий Фарғона канали билан адирлар минтақаси ўртасидаги 650-850 м. а.б. бўлган мавсумий ёмғир ҳисобига суғормасдан деҳқончилик қилинадиган ҳудудлар туризмга хизмат кўрсатишда озиқ-овқат мустақиллигини таъминлаш имкониятини беради. Унда буғдой, арпа, макажўхори, қўқон жўхори каби донли экинлар экилади. Ҳудуддаги мавжуд имкониятлар ўзига хос ландшафтларни ҳосил қилган.

8.2. Даврийлиги – мазкур экотизимда лалмикор яйлов ва жарланиш эрозияси натижасида ҳудуднинг 34,5 минг га ерида тупроқлар ювилиб, тошли ва шағалли қатламлар очилиб қолган (А.Қозоқов, 1990). Кейинги 25-30 йил мобайнида ландшафт типлари ўзгариб, аҳоли учун дам олиш масканлари ва интенсив боғлар барпо этилмоқда.

8.3. Комплекслилиги – лалмикор деҳқончиликка асосланган мазкур экотизимда интенсив боғлар, сув иншоатлари ва аҳоли учун маданий-маърифий дам олиш масканлари, оромгоҳлар, шифохоналар, коммуникация ва сервис хизматларига доир экотуристлик объектлар барпо этилмоқда. Шунинг учун экотуризм билан боғлиқ ҳолда тарихий ва агорттуризмни ташкил этиш ҳамда аҳолини янги иш ўринлари билан таъминлаш мумкин.

9. Суғорма деҳқончилик адир миниэкотизимининг:

9.1. Худудийлиги – Поп, Чуст, Тўрақўрғон, Косонсой, Чортоқ, Янгиқўрғон, Уйчи туманлари ва Наманган шаҳри атрофидаги адирликларда жойлашган ва суғорма деҳқончилик ривожланган ҳудудда агротристлик имкониятларни ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

9.2. Даврийлиги - А.Асқаров (1960) Фарғона водийси текисликлари билан туташ мазкур экотизим кишилик жамияти тарихида обикор деҳқончиликни маркази бўлган. Вақтлар ўтиши унда нафақат деҳқончилик, балки саноат объектларининг қурилиши, соғломлаштириш, маданий дам олиш масканлари, спорт ва маданий хордиқ чиқариш учун иншоотлар қурилган. Дарё, сойлар, булоқлар, сув омборлари атрофларида ўзини бетакрор табиати, ландшафти, маданли ва шифобахш сувлари билан вилоятга ташриф буюрган туристларни ўзига жалб эта олади.

9.3. Комплекслилиги - Сирдарё ва унга қуювчи Ғовасой, Резаксой, Косонсой, Подшоотасой, Чодаксой, Норин ва Қорадарё ҳавзасида жойлашган бу экотизимда туризмнинг тарихий, диний ва агротуризм шакллари ривожлантириш мумкин.

10. Ўзлаштирилмаган тоғ олди текислик миниэкотизимининг:

10.1. Худудийлиги – 500 м. а.б.даги мазкур экотизимда вилоятни қишлоқ хўжалигида кам фойдаланадиган ўта сернам дарё, сой, сув омборлари атрофлари, Норин, Қорадарё ва Сирдарё ҳавзалари ҳосил қилган қайирлар, тақирлар, ороллар ҳамда жарликлар ва конуссимон ёйилмалар мавжуд. Худудда сайёҳларни дарёда қайиқ ва паромларда сайир қилдириш имокнияти бор.

10.2. Даврийлиги — худуд вилоятнинг дарё, сойлари, инсон фаолияти натижасида интенсив ўзгариб бораётган ўзига-хос экотизимдир. А.Қозоқов (2017) тадқиқотларига кўра Сирдарё ўзига хос равишда тупроғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, ўзига хос ландшафтларига эга бўлган 150 тадан ортиқ катта-кичик оролларнинг ҳар-бири экотуристлик объект бўлиб ҳисобланади.

10.3. Комплекслилиги – текисликлардан иборат бўлган бу экотизим дарё ва сойлар ҳосил қилган об-ҳаво иқлим шароити, чала бута ва бута ўсимликларидан солған, тўрангиз, ҳайвонот дунёсидан тус товук, чия бўри, бўри, тулки, мавсумий қушлар экотуризм билан бир қаторда рекреацион туризмни ривожлантириш имкониятини беради.

11. Тоғ олди ва адирлараро ўзлаштирилган миниэкотизимнинг:

11.1. Худудийлиги – вилоятнинг Чуст, Поп, Тўрақўрғон, Косонсой, Чортоқ, Янгиқўрғон, Уйчи туманларидаги тоғ олди ўзлаштирилган адирлар экотизими Сирдарё ҳавзасига қуйилувчи ўндан ортиқ сойлар, Сирдарёдан бошланувчи Шимолий Фарғона, Катта Наманган каналлари ва ўнга яқин сув омборлари ҳисобига селетеб ландшафтларни ҳосил қилган ҳудуддир.

11.2. Даврийлиги – ўзида даврийлик хусусиятини қамраб олган мазкур ҳудуд XX асрнинг 60-70 йилларигача вилоят ҳудудидаги бўз ерлар таркибига кирувчи ерлар ҳисобланиб, сув иншоотларини қурилиши натижасида адирлар ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжаликлари экинларидан пахта ва ғаллазорлар, мевали боғларга инсонлар таъсирида экин майдонларига айлантирилган. Кўплаб шифохоналар ва маданий маърифий масканлар қуриб фойдаланишга топширилганлиги учун ҳам агротуризм билан бир қаторда экотуризмнинг янги тармоқларини ривожлантириш истиқболига эга.

11.3. Комплекслилиги – экотизим аллювиал ва пролювиал ётқизиклардан иборат бўлган, тоғ олди адирликлардан (тўлқинсимон, конуссимон, парчаланган) иборат. Бу ерда гидрологик, рекреацион, агротуризм каби экотуризмни тармоқларини ривожлантириш мумкин.

12. Сирдарё олди ва орти ўзлаштирилган миниэкотизимнинг:

12.1. Худудийлиги – экотизим вилоятнинг ҳудудидан оқиб ўтувчи Сирдарёнинг ўнг ва чап соҳилидаги инсон цивилизацияси билан боғлиқ бўлган Учқўрғон, Норин, Наманган, Тўрақўрғон, Чуст, Поп, Мингбулоқ туманларидаги аллювиал текисликларни ўз ичига қамраб олади. Сирдарёнинг ўнг қирғоғида 12 тадан ортиқ сойларни конуссимон ёйилмалари, чуқур жарликлари, дарё қайирлари, тақирлар эко-агро туризм объекти бўла олади.

12.2. Даврийлиги – Сирдарё томон 3-7 градус қияликдаги текислик эрамиздан олдинги III–IV асрларда аҳоли манзилгоҳлари, дехқончилик, ҳунармандчилик ҳамда чорвачилик ўчоғи бўлганлигини кўрсатади. Майдони 40 минг га бўлга бу ҳудудда

ҳозирги кунга келиб аҳоли истиқомат қиладиган аҳоли пунктлари, саноат-транспорт, сервис ва коммунал тармоқларнинг ривожланганлигини кўришимиз мумкин.

12.3. Комплекслилиги – Сирдарёнинг бир-биридан табиий ва экологик жиҳатларидан кескин фарқланадиган ўнг ва чап соҳилидаги ҳудудларда суғориладиган ерлар, мевали боғлар, сабзовот ва полиз етиштириладиган ерлар, тарихий-археологик ёдгорликлар (Ахсикент, Хўжа Аҳмад Вали, Мунчоктепа), мадраса-масжидлар, ер остидан чиқувчи таркибида бром, йод, астатийли булоқлар сувлари билан даволовчи санаториялар (Учқўрғон, Ҳаққулобод, Шахант) дам олиш масканлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Экотизимда тарихий, диний, нозотуризм каби туризм турларини ривожлантириш зарур.

13. Сирдарё орти ўзлаштирилмаган қумли миниекотизимнинг:

13.1. Ҳудудийлиги – Сирдарёни эски ўзанидаги Мингбулоқ, Поп, Норин ва Наманган туманлари дарёнинг чап соҳилидаги қум барханларидан иборат бўлган Марказий Фарғона табиий географик районга киради. Сирдарё комплексига оид аллювиал ётқизиқлар шамол таъсиридан келтирилган қум ётқизиқлари (1-1.5м чуқурликда) остида қолиб кетган.

13.2. Даврийлиги – йилнинг апрель–июнь ойларида 20–70 м/сек. тезликда эсадиган шамол ўртача баландлиги 3-4 м, узунлиги 10-15 м. ҳажмдаги қум барханлари, кўчиб юрувчи қумларни қадимдан ташкил этган. Қуруқ чўл иқлими бўлганлигидан қизил қандим, сулен, янтоқ, туранғи каби ўсимликлар, тез югурувчи калтакесак, илон, эчкиэмар каби судралиб юрувчилар, чия бўри, тулки, қуён, каби сут эмизувчилар, лайлак, тус товук, хакка, қарға, чумчуқ каби қушларнинг яшаш маконидир. Бу ерларда табиий ландшафт сақланиб қолган.

13.3. Комплекслилиги – қум барханли 30 минг га майдондан иборат бу экотизимда аҳоли қадимдан қумга тушиб турли-хил касалликлардан ҳолис бўлган. 30 минг га иборат мазкур экотизимда нозотуризм ва экотуризмнинг отларда юриб сайёҳатлар ташкил

этиш мумкин бўлган Марказий Фарғона қумли чўл ландшафтлари табиий кўриқхонаси (1980) ташкил топган.

14. Сирдарё миниекотизимининг:

14.1. Худудийлиги – Сирдарё Наманган вилоятининг шимоли-ғарбий томонидан, яъни Учкўрғон туманидан бошланиб, Уйчи, Чортоқ, Наманган, Тўрақўрғон, Чуст, Поп туманларининг жанубий томонларидан 132 км масофада оқиб ўтади.

14.2. Даврийлиги – Сирдарё ўз йўлида узок муддатли геологик даврлар мобайнида меандралар, қайирлар, тақирлар, ороллар, қирғоқлар, жарликлар, тўқайзорларни ҳосил қилган. Чап қирғоғидаги эски дарё ўзани Охунбобоев номли канал, кўплаб насослар ёрдамида сув чиқарилиши натижасида Мингбулоқ ва Поп туманларига қарашли 40 минг га майдон ўзлаштирилиб, пахта, бугдой, шоли, макажўхори ва чорва озуқалари етиштиришга ихтисослашаган фермер хўжаликлари фаолият юрита бошлаган. Аграр соҳани истиқболда янада ривожлантириш мақсадида ҳудудда агротуризмни тизимли ташкил этиш даркор.

14.3. Комплекслилиги – Сирдарё ҳавзаси атрофи алоҳида экотизим ҳисобланиб, дарёнинг ўнг соҳилида қатор тарихий обидалар Хўжа Аҳмад Вали, Ахсикент, Абдулмоний мақбаралари, булоқлар, музей ва боғлар бор. Навоий ММТП қарашли Довдук ҳудудида 7 та нефть қудуғи орқали хомашё қазиб олинмоқда. Юқорида кўрсатиб ўтилган ишлар кўлами натижасида ҳудудда, аҳоли учун янги турар жойлар, дам олиш масканлари, савдо-маиший хизмат кўрсатиш дўконлари ва сервис хизматлари ташкил этилиши билан биргаликда ўзига хос туризмнинг рекреацион, экстремал ва экотуризм каби турларини самарали йўлга қўйиш мумкин.

Наманган вилояти экотизимларининг туристик имкониятлари умумлаштирган тарзда 3.2.1-жадвалда акс этган.

**Наманган вилояти экотизимларининг туристик
имкониятлари**

Миниэкотизим-лар тури	Табиий ва антропоген ўзгарган		Сервис ва хизмат кўрсатиш	
	экотуристтик объектларнинг			
	тури	сони	тури	сони
I. Баланд тоғ миниэкотизимлари (2400-2500 – 4008 м)				
1.Яйлов мини-экотизими (2400-4008м)	✓ қорли чўққилар; ✓ «Қизил китоб»га киритилган ҳайвонот ва ўсимлик дуёнси; ✓ ноёб ландшафтлар ва ҳ.к.	7	палаткалар қўйиш учун жойлар ва сайёҳларга хизмат кўрсатувчи маҳаллий аҳоли мавжудлиги	10
2.Тоғ ёнбағир ва воҳа миниэкотизими (2500 – 3400 м)	✓ булоқлар; ✓ рафтинг учун сойлар; ✓ шаршаралар; ✓ «Қизил китоб»га киритилган ҳайвонот ва ўимлик дунёси.	41	кемпинг ва палаткалар қўйиш учун жойлар ҳамда хизмат кўрсатувчи маҳаллий аҳолининг мавжудлиги	12 8
II. Ўртача баландликдаги тоғ миниэкотизимлари (1500-1600 – 2400-2500 м)				
3.Сийрак арча-зор ва бутазорлар тарқалган яйлов миниэко-тизими	- булоқлар; - рафтинг учун сойлар; -қизил китобга киритилган ҳайвонот дунёси турлари; - қизил китобга киритилган ўсимлик дунёси турлари;			
4.Ўзлаштирилган ўрта баланд-ликдаги тоғ миниэкотизими	-интенсив тоғ дараларидаги боғлар;		-	
			-	
			-	
III. Паст тоғ экотизимлари (800-900 – 1500-1600 м)				

5. Ўзлаштирилмаган паст тоғ миниекотизими	- чўмилиш ва хордик чиқариш сув объектлари; - қизил китобга киритилган ҳайвонот дунёси турлари; - қизил китобга киритилган ўсимлик дунёси турлари;		Қисқа муддатли дам олиш масканларини ташкил этиш;	2
			овқатланиш шаҳобчаларини ташкил этиш;	2
			мазкур экотизимда тарқалган ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш учун соҳа мутахасислари назоратини йўлга қўйиш;	10
6. Ўзлаштирилган паст тоғ миниекотизими	-интенсив тоғ боғлари;			
IV. Адир экотизимлари (500-1000 метр)				
7. Доимий яйлов адир миниекотизими	-шифобахш минерал сувлар; қизил китобга киритилган ҳайвонот дунёси турлари; -қизил китобга киритилган ўсимлик дунёси турлари;			
8. Лалмикор адир миниекотизими				
9. Суғорма деҳқончилик адир миниекотизими				
V. Текислик экотизимлари (500 метрдан пастликда)				
10. Ўзлаштирилмаган тоғ олди текислик миниекотизими	-ўзга хом рельеф шакллари;			

11. Тоғ олди ва адирлараро ўзлаштирилган миниэкотизим	-шифобахш минерал сувлар;		меҳмонхона;	2
			кемпинг;	4
			чайхона;	2
			ресторанлар;	1
			туристик КХК	2
			Таълим муасасалари	1
			тўғакларлар	5
			туристик фирмалар	5
12. Сирдарё олди ва орти ўзлаштирилган миниэкотизим	-интенсив боғлар ва полиз экинларини етиштириш;		мева ва полиз экинларини қуритиш ва сақлаш омборлари;	2
			мевани қайта ишлаш цехлари;	2
13. Сирдарё орти ўзлаштирилмаган қумли миниэкотизим	-шифобахш қум барханлари; -экзотик табиат манзаралари;	-	30-40 ўринли дам олиш масканлари;	1
			овқатланиш шаҳобчаси;	1
			ювиниш хоналари;	2
			тиббий хизмат пункти	1



4-бoб. НАМАНГАН ВИЛОЯТИНИНГ ЭКОТУРИСТИК РАЙОНЛАРИ, МАРШРУТЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

4.1. Миниэкотизимлар доирасида ажратиладиган экотуристтик районлар

Барча табиий фанларда бўлгани каби географик тадқиқотларда ҳам ҳудудий классификациялаш ва муайян таснифий белгиларига мувофиқ равишда ҳудудларни қисмларга ажратиш, табақалаш ва номлаш масаласи доимо долзарб муаммо бўлиб келган. Бунга мисол қилиб табиий географик районлаштиришни олиш мумкин. Зеро экотуризм география сингари табиат ва жамият ўртасида юзага келадиган ўзаро муносабатларининг экотуристтик жиҳатларини тадқиқ қилади.

Рус олимларидан Р.И.Аболин (1929), Н.А.Гвоздецкий (1979), А.Г. Исаченко (1991), В.Л.Бабурин (2006); ўзбек олимларидан Н.А.Когай (1981), Н.А.Когай, Л.И.Бабушкин, Ш.С.Зокиров(1982), Ш.С. Зокиров, И.Муминов (2004), А.Н.Нигматов(2004,2010), М.М. Маматкулов (2004), А.С.Солиев ва Р.Ў.Махамадалиев (2004), Ш.С. Зокиров, Р.А.Ибрагимовалар (2010) табиий ва иқтисодий географик районлаштиришнинг илмий-амалий томонларини ёритиб берганлар. Уларнинг тадқиқотлари натижасида олинган маълумотларни амалий тадбиқ этишда ҳудудий районлаштиришнинг нечоқлик зарурлигини исбот қилиб беришган. Лекин экотуристтик районлаштиришдан ташқари фанда муайян экотизимлар доирасида амалий районларга ажратиш замон талабидир (Нигматов, 2010).

Районлаштириш муайян ҳудудни маълум бир мақсадда, унинг тегишли кўрсаткичларига биноан ўзига хос «жой» ёки «ҳудуд»ларга ёинки таксономик бирликларга ажратиш ва номлаш. *Экотуристтик район эса экотизимзларни туристтик кўрсаткиччалирига қараб ҳудудий қисмлаштириш ва уларни номлашдир.*

Ўзбекистон ҳудудини экотуристик ва агротуристик районларга ажратиш ва уларни номлаш билан илк бор А.Нигматов, Н.Шомуратова (2006, 2007), А.Нигматов, Ш.Якубжановалар (2009, 2018) шуғулланишган ва мамлакатимиз ҳудудини 14 та экотурист ва 15 та агротуристик районларга ажратганлар. Ҳар иккала ҳолатда ҳам Фарғона водийси алоҳида бир ўзига хос экотуристик ва агротуристик район сифатида олинган. Экотуристик районлаштиришни улар 1:1000000 масштабдаги мавзули карталарда акс эттиришган. Келгусида эса Ўзбекистоннинг маҳаллий маъмурий бирликлар доирасида ўрта ва йирик масштабли карталарда экотуристик районлаштириш ишларини олиб боришни тавсия этганлар.

Бизнинг тадқиқотларимиз натижасида «Наманган вилоятининг экотуристик районлари ва маршрутлари» 1: 200000 ўрта масштабли картаси яратилди. Унда экотуристик районларни ажратишда: картографик, тизимли ёндошув, қиёслаш каби методлардан фойдаланган ҳолда географиянинг:

- *ҳудудийлик, яъни экотуристик чора-тадбирларни қўллашда ҳудудий бир бутунлик нуқтаи назардан келиб чиқиш;*
- *даврийлик, яъни унинг тарихан қарор топган ва ровожланган ҳолда экотизимларни бирлаштириш;*
- *комплекслик, яъни экотуризмни бошқа туристик турлари билан қўшиб олиб бориш имкониятини инобатга олиш* каби географик тадқиқот предметиға амал қилдик.

Экотуристик районларга ажратиш объекти қилиб илк бор маъмурий бирлик, биоценоз, биотоп, биотизим ёинки геотизим эмас, балки 3.1-бобда ажратилган экотизимларни олдик ва уларни қуйидаги экологик принципларга мос равишда муайян бир районларга бирлаштирдик:

- ✓ ҳудудий бирбутунлик;
- ✓ экотизимларнинг антропоген, табиий ва табиий-антропоген ўзгарувчанлиги;
- ✓ экотуризмни бошқа туризм турлари билан биргаликда олиб бориш самарадорлиги;

✓ маданияштирашган экотизимларда агротуристтик имкониятларнинг юкорилиги;

✓ экотуризмни экотизимларнинг ўзига хос муҳофаза қилиш, уларнинг туристик ресурсларидан оқилона фойдаланиш, бузилган экотизимларни қайта тиклаш.

Наманган вилояти экотуристик районларни номлашда: ажратилган қисмларнинг табиий географик ва ижтимоий-иқтисодий ҳолати ҳамда уларнинг номланиши асос қилиб олинди. Экотуристик районларга харакатеристика беришда эса экотизимлардаги туристик объектларнинг туристик имкониятлари бош мезон сифатида олинди. Чунки ушбу баҳолаш мезонлари районлар доирасида ўзига хос туристик маршрутларни ўтказишда қўл келди. Ҳар бир экотуристтик район таркибидаги экотизимлар сақланиб қолинди.

Юқорида келтириб ўтилган экотуристтик районларга ажратишнинг мақсади, предмети, методлари, принциплари ва топонимакаси вилоят ҳудудини қуйидаги 4 та районга ажратишга имкон берди (4.1.1-расм):

- **Чотқол–Қурама тоғли экотуристтик район.** Унинг таркибига – баланд, ўртача баландликдаги ва паст тоғ миниэкотизимлар турлари (1–6) киритилди.

- **Чодак–Чуст–Косонсой–Янгиқўрғон тоғ олди экотуристтик район.** Унинг таркибига тоғ олди текислик, адир, адирлараро текислик миниэкотизимлар турлари (7–11) киритилди.

- **Сирдарё ўнг соҳилидаги текислик экотуристтик район.** Унинг таркибига Сирдарё олди ўзлаштирилган ўнг соҳилидаги текислик миниэкотизим тури (12) киритилди.

- **Сирдарё чап соҳилидаги текислик экотуристтик район.** Унинг таркибига Сирдарё орти ўзлаштирилган ва ўзлаштирилмаган ўнг соҳилидаги текислик миниэкотизим турлари (12,13) ва Сирдарё дарёси миниэкотизим тури (14) киритилди.

1. Чотқол — Қурама тоғли экотуристтик район. Район баланд тоғ хушманзаралиги туйфайли экотуризмни ривожланганишга қулай имкониятлар яратади. Районда экотуризм


объектларининг шаклланишида рельеф асосий кўрсаткич бўлиб хизмат қилади. Доимий қор ва музликлар, дарё ва сой водийлари, табиат ёдгорликлари, карст яратмалари – ғорлар, чуқур даралар районнинг экотуристтик объектлардандир. Айниқса, 4000-8000 м. баландликдаги Арашон тоғ тизмаси ҳудудидаги турли шакл ва ҳажмда бўлган ўндан ортиқ музликлар альпинизм, қояларга чиқиш, музлик ва қорларга сайёҳат қилиш, тоғ ён бағирларида чанғи билан учиш каби экотуризм турларини уюштириш имкониятларига эга. Баланд тоғ чўққиларида қиш ўта совуқ ва узоқ давом этгани учун ҳам музлоқи ва қорли ҳудудлар ўзига хос манзара ва жозибадорликни вужудга келтиради.

Баланд тоғ минтақасида экотуризмнинг табиат қўйнида фаол усуллар билан боғлиқ бўлган саргузашт турларини, альпинизм, қояларга чиқиш, спелеотуризм, парапланеризм, каньонинг, тоғ чанғи каби турларини уюштириш имкониятлари мавжуд.

Чотқол ва Қурама тоғ чўққилари табиатининг диққатга сазовор жойлари экотуризмни ривожлантиришда қўл келади.

Ёзги иқлимий шароит текисликларига нисбатан 10-12 даража пастроқ юради Масалан июнь ойининг ўртача ҳарорати $+20 +22\text{ }^{\circ}\text{C}$, жанубий қисмида $+25+28\text{ }^{\circ}\text{C}$ ташкил этади. Ёғин миқдори ўртача 600-800 мм бўлиб, у асосан қор ҳолатида ёғади. Экотуристтик районнинг марказий ва жанубий қисмида нисбатан камроқ 300-350 мм бўлиб, у ёмғир ҳолатида ёғади.

Оҳангарон дарёси ва унинг ўндан ортиқ серсув ирмоқларининг гидрологик режими В.Л.Шульц, Р.Машрапов (1969) томонидан ўрганилган. Оҳангарон дарёси Чотқол ва Қурама тоғ тизмалари ён бағирларидан оқиб тушадиган бир қанча сой ва жилғаларнинг бирлашувидан ҳосил бўлади. Дарё паст тоғлардаги қор-ёмғир сувларидан тўйинади. Шу сабабли унинг суви апрель-май ойларида кўпаяди ва йиллик оқимнинг 75,4 фоизини, июль-сентябрь ойларида 12,9 %, октябрь-февраль ойларида 11,7 % ташкил этади.



4.1.1-расм. Наманган вилоятининг экотуристик районлари ва маршрутилари картаси

Оҳангарон дарёсининг кўп йиллик ўртача сув сарфи Турк қишлоғи ёнида $22,8 \text{ м}^3/\text{сек}$, барча ирмоқлари билан эса $43 \text{ м}^3/\text{сек}$ ни ташкил этади. Оҳангарон дарёсининг жуда кўп ирмоқлари бор, лекин улар кичкина-кичкина жилға ва сойлардир. Бу ирмоқлардан энг катталари Арашон, Ертошсой, Тошсой, Дукентсой, Қорабағирсой, Оқчасой, Шоввасой, Ниёзбошсой ва Гушсойлар. Дарёнинг тошқин сувларини тўплаш мақсадида сув сифими 80 млн м^3 бўлган Оҳангарон (Турк) сув омбори 1974 йилда ишга туширилди. Худуддаги сув омборлари географик жиҳатдан қулай жойлашганлиги сабабли ёз ойларида шаҳарликларнинг севимли оромгоҳига айланиши мумкин. Сув омборининг атрофида оромгоҳлар ташкил қилиш ва экотуризмни ривожлантиришда табиат экзотикаларининг мавжудлиги билан характерланади. Айниқса, сув спортини ривожлантириш учун катта имкониятларни ҳисобга олган ҳолда унинг – қайиқ, елканли қайиқ, балиқ овлаш ва чўмилиш учун лозим бўлган хизмат турларини кун тартибига киритиш даркор.

Район ер ости сувларига ҳам бой. 2000 метр чуқурликда $54-60^0$ термал сувлар захираси мавжуд. Улар минераллашган ва шифобахш аҳамиятга эга. Районнинг тоғ олди текисликларида турли чуқурликдаги артезиан сув ҳавзалари борлиги аниқланган.

Оҳангарон ҳавзасининг орографик тузилиши, тизмаларининг паст-баландлиги, иқлим ва гидрологик хусусиятлари бу ерда тупроқ ва ўсимлик қоплами, ҳайвоноти ва умуман ландшафтларининг ўзига хос баландлик бўйлаб минтақаланишига олиб келган. Бу эса дифференциялашган ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини тарқалишига сабабчидир. Районнинг табиий ва экотуристтик ресурслари экотуризмнинг турли йўналишларида (тоғ туризми, альпинизм, спелеотуризм, рафтинг, треккинг, пиёда, ов спорт-ишқибозлик) фойдаланиш имкониятини беради.

2. Чодак-Чуст-Косонсой-Янгиқўрғон тоғ олди экотуристтик район. Вилоятнинг Поп тумани жанубий ва шимолий, Чуст, Косонсой, Янгиқўрғон, Чортоқ ва Уйчи туманларининг 600—1500 м а.б. қамраб олган бу районнинг табиий шароити тоғ, тоғ олди,

адир ва адир орти текислик миниекотизимларидан иборат. Худуднинг катталиги учун ҳам шимолдан жанубга томон иқлими фарқланади. Қиш шимолда октябрь охиридан бошланиб март ойигача давом этади. Январ ойининг ўртача ҳарорати $-10 -12\text{ }^{\circ}\text{C}$, июль ойининг ҳарорати $+26 +28\text{ }^{\circ}\text{C}$. Йиллик ёғин миқдори 400-500 мм бўлиб, у қор ҳолатида ёғади. Қорнинг қалинлиги 30-40 см бўлиб, у март ойигача сақланади. Худуднинг жанубида январь ойи ҳарорати $-6 -8\text{ }^{\circ}\text{C}$, июль ойида эса $+30+35\text{ }^{\circ}\text{C}$, ёғин миқдори эса 200-250 мм атрофида ёмғир ҳолатида ёғади (А.Назаров, 2013).

Район худудидан оқиб ўтувчи Чодаксой, Резаксой, Ғовасой, Олмоссой, Косонсой, Подшоотасой, Чортоқсой, 12 та сув омбори, селхоналар, кўплаб булоқлар экотуристлик объект бўла олади. Экотуризмни ривожлантириш районнинг шимолий қисмидаги доривор ўсимликлардан – кийик ўти, каклик ўти, дала чой, зира, эримурз, талха, райхон, хина, қалампир, дўлана, наматак; сут эмизувчилардан – олмахон, тулки, бўри; судралиб юрувчилардан – тоғ илони, ботмончи, калтакесак; қушлардан – тоғ каклиги, бедана, булбул, қарға, олақанот, қизилиштон каби организмларнинг учрашидадир.

Поп туманининг Чодак, Чуст туманининг Ғова, Олмос, Варзик Косонсой, Янгиқўрғон туманининг Подшоота, Чортоқ ва Уйчи туманидан оқиб ўтувчи Чортоқсой ҳавзаларида сойларни шифобахш ва эриган кислородга бой зилол сувлари ва тоза ҳавоси, сой атрофларидаги гўзал ва жозибадор ўрмонлар, ўтлоқлар, булоқлар, тоғ манзаралари Чодак, Олтинкон, Пардатурсун, Ғова, Косонсой, Кўксарой, Чортоқ ва Гулшан каби машҳур дам олиш масканлари, оромгоҳлар сингари худудлар экотуристлик объектлардандир.

Иқлими районнинг шимолида тоғли, жанубида кескин континентал. Бундай иқлимий шароит худудда 8 та туристик аҳамиятга эга сойларни, сой водийларидаги 50 га яқин банналагик хусусиятли шифобахш булоқларни, 12 та сув омбори ва улар атрофидаги тўқайзор ва ўрмонларни, Чуст, Косонсой, Янгиқўрғон, Уйчи ва Чортоқ туманларидаги маданият ва истироҳат боғларни,

археологик ёдгорликлар, музейлар, масжидлар, маданият уйларни экотуристлик объект сифатида қўллаш имкониятини беради.

3.Сирдарё ўнг соҳилидаги текислик экотуристлик район.

Сирдарёнинг ўнг соҳили деб ном олган бу экотуристлик районга маъмурий бирликлар сифатида Поп ,Чуст, Тўрақўрғон, Наманган, Чортоқ, Уйчи туманларининг ўртача 400–550 м.а.б. ва улар орасидаги бир қатор сойлар ҳосил қилган водийлар ва аллювиал текисликлар киради. Мазкур ҳудудда эрамиздан аввал II-III асрлардан бошлаб аҳоли яшаганлиги, илк деҳқончилик, ҳунармандчилик ва овчилик билан шуғулланганлиги билан ажралиб туради.

Геологик ва геоморфологик тузилишига кўра Сирдарё, Мирзачўл комплексларига оид аллювиал, пролювиал, эол ётқизиклардан иборат, меза-кайназой тоғ бурмаланиш ва тўртламчи давр полистацен орогенезига таълуқли. Ҳудуднинг рельефи ўртача кўрсаткичларга эга Поп, Резак, Тўрақўрғон, Наманган, Чортоқ ва Уйчи адирлари ҳамда ўртача 400 м а.б. эга бўлган райондан оқиб ўтувчи Ғовасой, Косонсой, Чортоқсой, Намангансой, Подшоотасойларнинг қуйи қисми конуссимон ёйилмаларида ҳамда Сирдарёнинг ўнг соҳили терассасидаги текисликлардан иборат.

Иқлими типик континентал характерга эга бўлиб. Унда йил фасллари тўла бир-биридан дифференциялашган. Қиш фасли ҳамда ёз ойларида Сирдарё ҳосил қилган иқлимий шароит ва дарёдан эсувчи ҳаво массалари ҳамда арктикадан кириб келувчи совуқ ҳаво оқимлари таъсирида бўлади. Январь ойининг ўртача ҳарорати $-6,-8\text{ }^{\circ}\text{C}$, минимал ҳарорат $-20\text{ }^{\circ}\text{C}$, ёзда июль ойи ўртача кўрсаткичи $+28$ $+30\text{ }^{\circ}\text{C}$, максимум $+42\text{ }^{\circ}\text{C}$ гача ҳарорат кўтарилиши кузатилади. Ёғиннинг асосий қисми қиш ва баҳор ойларида тўғри келиб, ўртача 200-250 мм атрофида ёмғир ҳолатида кўп ёғади. Октябр ойининг охирларидан бошлаб, Сирдарё ҳаво масалаларини циркуляцияси ва кондесацияси натижасида, то февраль ва март ойларига қадар туманли кунлар кузатилади.

Мазкур экотуристлик район ҳудудидан оқиб ўтувчи Шимолий Фарғона (1940) ва Катта Наманган (1987) каналлари ҳамда

Сирдарёга қуёвчи Чодаксой, Резаксой ва Ғовасой, Косонсой, Чортоқсой, Намангансой, Подшоотасой ҳамда Жийда, Тўрақўрғон, Ирвадон, Олмос сув омборлари, селхоналар, бу сойлар ва каналлардан сув олувчи 50 дан ортиқ насос сув иншоатлари районни 50 000 га ортиқ ерларни сув билан таъминлайди. Худуддаги суғориладиган ва суғорилмайдиган автоморф оч тусли бўз тупроқлар, сойлар, сув омборлари, каналлар атрофида суғориладиган гидроморф режимли тупроқларни ҳосил қилган. Худуд пахта майдонлари, донли экинли ерлар, мевали боғлар, манзарали дарахтлар, полиз ва сабзавотчиликка ихтисослашган бўлиб, бу агротуризмни ривожлантиришга қулайдир.

Аҳоли вакиллари қадимдан ўтроқ ҳаёт кечириб, улар асосан деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик, овчилик билан шуғулланишган. Фарғона водийсининг қадимий пойтахти бўлган Ахсикент қалъаси ва унинг атрофидаги шаҳарларда аҳоли вакиллари истиқомат қилган. Ҳозирги кунгача тарихий археологик ёдгорликлар Ахсикент харобаларида сақланиб қолганлиги билан характерланади.

Районда туризмнинг рекреацион ва нозотуристтик турларини ривожлантириш учун Шаҳант сихатгоҳидаги сув ўзига хос аҳамиятга эга. Минералларга бой, таркибида олтингугурт, водород, йод, бром каби кимёвий элементларга эга бўлган сув вилоятдаги Чортоқ, Гулшан, Учқўрғон дам олиш масканларидаги сувлардан шифобахшлиги билан ажралиб туради.

Наманган вилоятидаги бой археологик-тарихий обидалардан – Ахсикент, Мунчоқтепа, Муғ, Элатан, Буонамозор ва бошқа диққатга сазовор жойлар, сайр-саёҳат, дам олиш ва даволаниш масканлари, Чортоқ туманидаги «Чортоқ», Тўрақўрғон туманидаги «Шаҳанд» ва бошқа кўплаб саломатликни тиклаш хўжаликлари туризмни янада оммлаштиришга имкон яратади.

4.Сирдарё чап соҳили экотуристтик райони. Бу районга Сирдарё ва уни чап соҳилидаги денгиз сатҳидан 300-350 м баландликка эга бўлган дарёнинг 2—3-терассаларидаги Мингбулоқ ва Поп туман худудларидаги миниэкотизимлар киради. Район

Сирдарё суви олиб келган аллювиал ётқизиклар, Жомашўйда 5-6 м, Марказий Фарғонада 10-15 м чуқурликдаги қолдиқ тупроқлар ва уларнинг устини қоплаган эол қум, қумоқ ва лёсслардан иборат. Унинг рельефи монолит кўринишдаги текисликлардан иборат. Иқлими чўл минтақаси бўлгани учун ёзи ўта иссиқ ва қуруқ бўлиб, ҳарорат ўртача $+30+35^{\circ}\text{C}$, қишки ҳарорат $-6 -8^{\circ}\text{C}$. Намланишга нисбатан буғланиш коэффиценти юқори. Ёғин миқдори бор йўғи 160-180 мм ташкил этгани учун ҳам чўл минтақасига хос ландшафтлар тарқалган. Ер ости сув сатҳи ер юзасига яқин жойлашганлиги учун ҳам Сирдарёда сув кўпайса (май – июль) ер ости сувлари сатҳи 1,5 метргача кўтарилади.

Районда Охунбобоев, Сариксув, Аччиккўл, Навбаҳор ва яна бир қатор колекторлар ва зовурлар мавжуд. Ботқоқ ўтлоқли тупроқлар мазкур ҳудудда тарқалган. Инсон таъсирида 50 000 га ерлар ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжалигида техник экин ҳисобланган пахта, дукакли ўсимликлардан – буғдой, мош, ерёнғоқ, соя ҳамда шולי, маккажўхори ва бир қатор интенсив мевали боғларга айлантирилган.

Сирдарё бўйларида ва дарё ҳавзасида ҳосил бўлган оролларда экотуризмни қайиқларда ва паромларда сайир қилиш, май-июнь ойларида хилма-хил ранглар жилосида гуллаган жозибадор юлғунзорларга саёҳатлар уютириш мумкин. Ўзлаштирилмаган Марказий Фарғона қум барханларидан иборат бўлган экотуристтик объектларда эса аҳолини халқ табобати бўйича қумдан шифо топиш маскани (20 августдан 20 сентябргача) сифатида фойдаланилади. Бот, бўғим ва таянч ҳаракат аъзолари касалликларидан шифо топишда ва олдини олишда фойдаланилади. Ҳудудда таркибида олтигугурт ва фтор бўлган ер қаридан чиқаётган минерал сув кўп касалликларга қарши курашда ва олидини олишда қўлланилади. Марказий Фарғонадаги 30 000 га майдондаги «Марказий Фарғона табиий қум ландшафти», Поп туманидаги Сирдарё ҳосил қилган Мирзаорол давлат кўрикхонаси нозотуризм ва агротуризм объектлари бўлиб ҳисобланади.

Райондаги Довдук маҳалла фуқоралар йиғинида нефть маҳсулотини қазиб олиш ишлари натижасида мазкур ҳудудда янги шаҳарча ва уларда истиқомат қиладиган аҳоли вакилларига замонавий турар жойлар, сервис хизматлари, дам олиш масканлари ҳамда маданият ва истироҳат боғлари ташкил этилиб, туризмни рекреацион ва тиббий турларини истиқболда ташкил этиш ва ривожлантириш мумкин.

Умуман олганда, вилоят миқёсидаги ҳудудни экотуристлик районларга ажратишнинг энг оптимал йўли миниекотизимларни тур ва тип жиҳатдан ажратиб олиш ҳамда уларнинг сайёҳлик имкониятларини очиб бериш мақсадга мувофиқдир.

3.2. Экотуристлик районларда туристик маршрутлар

«Экологик туристик маршрут» ёки «экотуристлик маршрут» тўрт атамалар йиғиндисидан: «oikos» (макон) + «logos» (таълимот) + «route» (юриш) + «marche» (ҳаракатланиш йўли) олинган. Кенг маънода экотуристлик маршрут – экологик мақсад ёки мақсадларни кўзлаган ҳолда шахснинг экотизимларга аввалдан белгиланган ҳаракатланиш йўли бўйича уюштирилган сайёҳати. Тор маънода экотуристлик маршрут – сайёҳларнинг экологик йўналишидаги экотизимлардаги ҳаракатланиш йўли. Кенг маънодаги тушунчадан келиб чиққан тарзда экотуристлик маршрутлар :

- саёҳатчи ўз олдига аниқ бир мақсад (масалан, экотуризм билан шуғулланиш) ёки мақсадларни (экотуризм билан бир қаторда тарихий, диний туризм касби саёҳатни йўлга қўйиш) қўяди;
- туристик гуруҳ (юридик шахс) ёки якка тартибдаги турист (жисмоний шахс) учун мўлжалланади;
- экотизимлар доирасида табиий ёки антропоген ўзгарган экотуристлик объектлар аниқланади;
- объектлар бўйича маълумотлар тўпланади ва гидлар тайёрланади;

- мутахассислар томонидан махсус ишлаб чиқилган ҳаракатланиш йўлишлари белгиланади.

Экотуристтик маршрутларни ташкил этиш ва олиб боришда В.С.Волков ва К.Е.Шапакиналар (1985) сайёҳларнинг имкониятларига қараб уларни: бир тўғри чизикли, радиал, айланма турларга ажратишни маъқул кўради. Н.Тухлиев ва Т.Абдуллаевалар (2006) ҳар қандай туристик маршрутлар географик нуқталар бўйича аввалдан белгиланган муайян бир тартибда тавсифланган туристик экскурсия ёки саёҳат йўллариدير, деб билишади. Лекин экотуристтик объектларнинг барчасини географик нуқта деб қаралмайди, яъни унда географик жойлашув координаталари берилмайди.

С.Р.Ердавлетов (2016) туристик маршрутлар аввалдан белгиланган график, карта ёки чизмаларда кўрсатилган йўллар бўйича олиб боришни мақсадга мувофиқ деб билади. Бунининкор этиб бўлмайди, чунки аввалдан маршрут графиклари тузилган ва йўллари аниқланган экотуристтик маршрутларнинг самараси юқори.

А.Н.Нигматов (2016) экотуристтик маршрутларни режалаштириш ва уларни амалга оширишда хавфсизлик масалларини ҳал этиш, сайёҳларнинг ҳаёт фаолияти хавфсизлигини нуқтаи назардан минимал таваккалчиликни таъминловчи чоратадбирлар режасини ишлаб чиқишни мақсадга мувофиқ деб билади. Муаллиф ҳар бир экотуристтик объектнинг хавфсизлик ҳолатини 4 даражада (хавфсиз, хавфли, ўта хавфли, фожиали) баҳолаш, уларга таъсир этувчи омилларни ёки кучларни аниқлаш (табiiй, табiiй-антропоген, антропоген) сайёҳликни олиб боришнинг энг оптимал йўлларини ишлаб чиқишни тавсия этади.

Ш.Т.Якубжанова (2011) туристик маршрутларни ишлаб чиқиш аксарият ҳолларда беш босқичда амалга оширишни маъқул деб билади:

- ✓ реганкцировка ишларини амалга ошириш (жой ёки ҳудуднинг сайёҳлик имкониятини тадқиқ қилиш, туристик объектларни аниқлаш ва таснифлаш;

✓ маршрутлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни план ёки картага тушириш; ҳар бир маршрут қабул қилувчи, гид ва туристлар учун «эслатма», буклет ва рекламалар лойиҳасини яратиш;

✓ яратилган лойиҳаларни тегишли экспертизадан ўтказиш;

✓ лойиҳаларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда уларни чоп этиш.

Муаллиф агротуристтик маршрутларни таснифий белгиларига кўра қуйидаги турларга ажратади: соф агротуристтик маршрутлар; агро–экотуристтик маршрутлар; агротуризм билан бошқа туризм турларини қўшиб олиб боришга қаратилган маршрутлар.

Туристтик маршрутларни ишлаб чиқишда Р.Ҳайитбоев ва А.Саттаровлар (2009) томонидан тавсия этилаётган принципларни экотуристтик маршрутларга қўллаш мумкин. Масалан, жозибадорлик, бетакрорлик, имкониятлилиқ, мазмундорлик, фаолиятлилиқ, алтернативлик, мажмуалилик, ахборотланганлик. Унга қўшимча тарзда экотурларнинг хавфсизлик принципини киритиш Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг 5.1-банди 6-хатбошида акс эттирилган «Фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этиш тизимини такомиллаштириш» вазифасига мос тушади.

Юқорида қайд этилган тушунча, туристтик маршрутларни лойиҳалаш, ташкил этиш ва олиб бориш қоидаларига кўра Наманган вилояти экотуристтик районларида қуйидаги маршрутларни ташкил этилди (3.2.1-жадвал):

4.2.1-жадвал

***Наманган вилояти экотуристтик районларда экотуристтик
маршрутлар***

Т/р	Экотуристтик район	Туристтик маршрут	
		Соф экотуристтик	Мажмуали туристтик
1.	<i>Чотқол-Курама тоғ</i>	1.Наманган-Поп-Чодак-Қамчиқ довони-Арашон бува. 2. Поп-Парда Турсун. 3. Поп-Мунчоктепа-Поп.	1.Наманган-Поп-Мунчоктепа-Парда Турсун-Чодак-Наманган.

2.	<i>Чодак-Чуст-Косонсой-Янгиқўрғон тоғ олди</i>	1.Тошкент-Қамчиқ довони-Арашон бува. 2.Поп-Чуст-Буономозор-Ғова. 3.Наманган-Косонсой-Муғтепа-Наманган. 4.Наманган-Чортоқ-Мамай-Нанай.	1.Тошкент-Қамчиқ довони-Чодак-Чуст-Косонсой-Янгиқўрғон-Наманган.
3.	<i>Сирдарё ўнг соҳил текисликлари</i>	1.Наманган-Тўрақўрғон-Ахсикент-Шахант-Наманган. 2.Наманган шаҳри. 3.Наманган-Уйчи-Учқўрғон-Наманган.	1.Наманган шаҳри-Тўрақўрғон – Ахсикент. 2.Наманган-Уйчи-Учқўрғон-Наманган.
4.	<i>Сирдарё чап соҳил текисликлари</i>	1.Наманган-Сирдарё-Шўрсув-Наманган. 2.Наманган-Марказий Фарғона чўллари –Наманган.	1.Наманган-Сирдарё ҳавзаси-Мингбулоқ-Наманган.

1. Чотқол — Қурама тоғ районидаги экотуристтик маршрутлар:

1.1. Наманган — Поп — Чодак — Қамчиқ довони — Арашон бува. Вилоят истиқболидаги мазкур маршрутга ташриф буюрган туристлар қаттиқ қопламали автомобиль йўлларида бошланиб, дастлаб Наманган шаҳри, Тўрақўрғон ва Чуст туманларидан ўтиб, Поп шаҳридан Чодакдаги дам олиш масканларига, сўнгра Қамчиқ довони орқали Арашон бува ҳудудидаги экотуристтик маскангача бориш имкониятига эга.

Попдан Чодаксой ҳавзаси орқали Арашон тоғ тизмасига томон паст, ўртача ва баланд тоғ минтақасига томон рельеф кўтарилиб борган сари тоғ ҳавоси, ландшафти, тоғ қоялари, тизмалари ва улардаги арчазорлар, тоғ тераги, дўланазорлар билан алмашинади. Атрофда ям-яшил ўрмон, бутазор ва дарёда чуқур дарралари жозибаси тобора ортиб боради. Денгиз сатҳидан 4000 м дан баланд Арашон экотуристтик объекти тоғ ҳавоси, атрофида қояли ва музли ландшафт туристларни ўзига жалб этади. Қамчиқ довонидаги тоғ ландшафти, фауна ва флоралар ҳамда Арашон бува масжиди, булоқлар, оромгоҳ, ошхона-чойхоналар, боғлар, гулзорлар ва тиббий шифохоналар, кичик бозорчалар туристларни диний, тарихий, тиббий, агро, тоғда чана спорти, алпинизм каби комплекс

экотуристик объектлар билан таништиради. Тарихий туристик масканлардан Оқ мазор, Чодак, Ғурумсарой, Исмоил Атои каби зиёратгоҳларни томоша қилиш ва зиёрат қилиш имкониятига эга.

1.2. Поп – Парда Турсун маришути. Поп шаҳридан 60 км шимолда тоғ орасида жойлашган Парда Турсун қишлоғига боради. Попдан чиққач йўлнинг икки томони паст ва баланд адирлар, Маданият қишлоғидан тоғ ҳавоси ва манзараси бошланади. Сойни тошдан тошга урилиб шарқираб оқиши, ям-яшил бутазорлар, мевали боғлар, доривор ўсимликлар, сайроқи қушлар туристларни мафтун этади. Парда Турсун қишлоғида сайёҳлар учун меҳмонхоналар, оромгоҳлар, тарихий обидалар, санатория, боғлар, гулзорлар, овқатланиш ва савдо, маиший хизмат шахобчалари, булоқлар кўпки булар диний, тарихий, рекреация, тиббий, агро каби комплекс экотуристик объектлардир.

1.3 Поп — Мунчоктепа – Поп маришути. Сирдарё ҳавзасининг ўнг соҳилида IX-X асрларнинг тарихий ёдгорлиги сифатида эътироф этилган Мунчоктепа қалъаси бўйлаб ташкил этиладиган мазкур маршрутда тарихий қадамжонинг ўзига хос маданияти, уй-рўзгор буюмлари, сопол ва металдан ясалган идишлар, ҳарбий қуроллар, қадимги қўлёмалар, бир неча аср муқаддам қамишдан ясалган майит ва уни тобути, қалъа хоналари, сарой хоналари, ҳимоя деворлари, соқчилар турадиган тепаликлар, сув йўллари, ҳаммом ва мадраса-масжидлари каби тарихий-археологик ёдгоҳликларга ташриф буюрган туристлар экотуризмни тарихий ва диний туризм турлари билан яқиндан танишиш имкониятини беради.

2. Чодак — Чуст — Косонсой — Янгиқўрғон тоғ олди экотуристик маршрутлар:

2.1. Тошкент — Қамчиқ довони — Арашон бува маришути. «XXI-аср мўжизаси» деб номланган Марказий Осиёда ягона, узунлиги 121.3 км Ангрен-Поп электрлаштирилган тез юрар темир йўли инфратузилмаси, йўл атрофидаги тоғ манзараси, тоғ арчазор ва бутазорлар панорамаси, тоза ва мусавффо тоғ ҳавоси, денгиз сатҳидан салкам 4000 м баландда жойлашган. «Арашон бува»

тарихий обидалар мажмуаси тоғдаги ўзига хос бўлган фауна ва флора турлари гидлар учун экотуристлик маршрут мавзуси бўла олади.

Вилоятга ташриф буюрган туристларнинг аксарияти турли мақсадларда туристик фаолиятини амалга ошириш давомийлигида албатта ўзининг қадимий миллий ҳунармандчилиги билан машҳур бўлган Чуст ҳудудига ва туман марказидаги маданият ва истироҳат боғига ташриф буюриши кузатилмоқда. Туризмнинг ички ёки ташқи турлари асоси ҳисобланган туристлар дастлаб ўзининг қадимийлик хусусиятига эга бўлган Чуст пичоғи ва дўпписининг келиб чиқиш тарихи билан яқиндан танишади. Тоғли ҳудудда истиқомат қилган қадимий Чуст аҳли ноёб металллардан ясалган пичоқлардан нафақат меҳнат қуроли сифатида, қолаверса ўзларини ёвдан ҳимоя қилиш мақсадида ҳам фойдаланишганлиги, пичоқлар қора пўлатдан тайёрлангани учун турли даврларда ҳам ўз нуфузини йўқотмаганлиги билан туристларни янада ўзига жалб этади. Пичоқчиликда уста бўлган қадимги чуст пичоқчилари ўзлари тайёрлаган пичоқ, ханжар ва қиличларни ўз даврида Қўқон хонлигига ҳам етказиб, унинг ҳарбий салоҳиятини юксалишига ўз ҳиссасини қўшганини билиб оладилар.

Миллий ҳунармандчиликни ноёб тури ҳисобланган пичоқ ва унинг турлари ҳозирги кунда ҳам харидорлиги билан ажралиб туради. Бу ҳунармандлар тайёрлаётган пичоқ турларини нафақат туман, вилоят, балки республикамизнинг турли ҳудудларидан келган меҳмонлар ҳам совға ва уй рўзғор буюмлари сифатида харид қилишмоқда. Бундан ташқари, мамлакатимизга ташриф буюрган чет эллик меҳмонлар ҳам Чуст пичоғини Ўзбекистоннинг миллий рамзларидан бири сифатида совға учун сотиб оладилар. Чуст пичоғи билан биргаликда дўппи ҳам ўзининг уч ярим минг йиллик тарихига эга. Тарихий даврлар мобайнида дўппининг тўртгула, зирова, ова, айюб, зира, сотим, тоғ, илова, булбулча рамзи, узум, қуёш рамзи, буғдой ва ҳумо қуши рамзли ва яна бошқа кўплаб нусхаларини хориж давлатларининг аксарияти билишади. Дўппи

нусхалари орасида энг қимматбаҳо ва нозик нусхаси ҳисобланган сатн дўппи тури ҳисобланиб, унинг тайёрлаш жараёни бошқа турларига қараганда узоқроқ давом этади ва бу тур билан асосан Чуст шаҳрида мазкур ҳунармандчилик тури билан шуғулланидаган оила вакиллари томонидан тайёрланади. Дўппининг мазкур нозик нусхаси ҳозирги кунда кўпроқ юртимизга ташриф буюрган хорижлик меҳмонлар олишини ҳунармандлар ўз сўзларида таъкидлашмоқда. Шу билан бирга ҳудудга ташриф буюрган нафақат хориж туристлари, қолаверса бошқа вилоят ва туманлардан келган меҳмонлар ҳам пичоқ ва дўппининг тайёрланишини, тикилиш услублари ва пресслаш жараёнларини кўриш учун ҳунармандчиликни мазкур соҳаси билан шуғулланидаган хонадонларга, кичик темирчилик дўконлари билан яқиндан танишиш мақсадида ташриф буюришмоқда. Хақиқий Чуст пичоқ ва дўппилари 80–200 минг сўм атрофида металл тури ва нозик нусхаларига қараб туман деҳқон бозоридаги кичик расталардан сотиб олиш имкониятига эга.

2.2. Поп — Чуст — Буномозор — Ғова маршрути. Поп туманидан бошланган мазкур маршрутда Фарғона водийсининг энг қадимий манзилгоҳларидан бири бўлган Чуст туманидан ўтади. Унда сайёҳлар бетакрор табиат манзараси, ҳунармандчилик марказлари, маданият ва истирохат боғи, тарихий археологик ёдголиклар, музейлар, масжидлар, Буоно мазор тарихий қадамжойи, болалар оромгоҳлари, Ғова ҳудудидаги рекреацион дам олиш масканлари билан яқиндан танишадилар. Виқорли тоғларнинг сўлим сой водийлари, доривор ўсимликлар ва шифобахш булоқлар, соғломлаштириш масканлари, мевали боғлар, ўтлоқли яйловлар, сайроқи қушлар овозидан баҳраманд бўлиши билан бирга қояли тоғларда учрайдиган ғорларни кўриш ва улар атрофида сайир қилишнинг экотуристик имконияти мавжуд. Ҳудуддаги диний туризм билан боғлиқ бўлган қадамжолардан Мавлоно Лутфиллох, Отчопар Эшонбува, Абдурахмон хожи ибн Авф каби тарихий обидалар ҳамда зиёратгоҳлар экотуризмни комплекслик хусусиятини очиб беради.

2.3. Наманган — Косонсой — Муғтепа — Наманган тоғолди маршрути. Бу экотуристтик районга вилоятнинг Косонсой туманининг 500-2000 м гача кўтарилган Еттикон – Қўқимбой тоғ олди ҳудудлари ва адирлар киради. Шимолдаги тоғ ва тоғ этаклари ўзига хос геологик тузилишга эга. Косонсой тумани денгиз сатҳидан 800 м баландда жойлашган тоғли ҳудуд экотуризм объектига мос. Агротуризм объекти бўлиб пахтачилик, дончилик, боғдорчилик, чорвачилик ривожланган қишлоқ районларни олиш мумкин. Шаҳарларда милоддан олдинги II-I асрларда барпо этилган Кушон давлатининг пойтахти бўлган Муғтепа тарихий ёдгорлиги, XVIII аср ёдгорлиги Жоме масжиди, XV-XVI аср ёдгорлиги Маҳдуми Аъзам Косонсой мақбараси, XVII-XVIII аср ёдгорлиги Ғўзапоя масжиди, XVIII аср ёдгорлиги Юсуфхон Эшонтўра мажмуаси экотуризмни тарихий туризм билан бирга олиб бориш имкониятини яратади. Косонсой санаторияси комплекси, маданият ва истироҳат боғи, ўлкани ўрганиш музейи, хунармандчилик марказлари, Косонсой ҳавзасининг икки соҳилидаги оромгоҳлар, дам олиш масканлари, маданий маърифий марказлари, салқин ва киши рухиятини яхшиловчи сўлим булоқлар ва атрофидаги жозибали табиат комплекс экотуристтик маршрутларни ташкил этишга кўмаклашади .

2.4. Наманган —Чортоқ — Мамай — Нанай маршрути. Наманган шаҳридан туристик йўналиш сифатида ташкил этилади ва Чортоқ туманидан оқиб ўтувчи Чортоқсойнинг ҳар икки ёнбағиридаги Чортоқ, Гулшан, Болалар соғлиқни қайта тикловчи дам олиш масканлари ва оромгоҳлар, шифобахшлик хусусиятига эга бўлган булоқлар, тумандаги маданият ва истироҳат боғига, табиий экзотикалар каби экотуристтик кичик ҳудудларга туристлар белгилаган маршрутларда саёҳатларни амалга оширишлари мумкин. Мазкур экотуристтик маршрутда сайёҳлар Балиқликўл мажмуаси, Зиркмозор зиёратгоҳи, Биби Наима Сутли булоғига, Алком ача, Қандиёнтепа, Оқтомтепа, Думалоқтепа, Кўкёртепа, Жулонтёпа, Қўрғонтёпа каби зиёратгоҳларга, тарихий-археологик ёдгорликларни кўриш имкониятларига эгалар.

Мазкур маршрутнинг иккинчи босқичи Янгиқўрғон туманидаги Мамай ва Нанай қишлоқ ҳудудларига режалаштирилган бўлиб, унда сайёҳлар Ўнғор тоғидаги бир қатор ғорлар, қояли тоғлар ва Подшоотасой дарё ҳавзасида ташкил этилган дам олиш масканларида тунашлари мумкин. Туристлар саёҳат давомида туризмнинг рафтинг, шоп, экстремал ва экотуризм каби турларидан фойдаланишлари тавсия этилади. Биргина дам олиш маскани Кўксарой сихатгоҳи 1967 йилда ташкил этилиб, унга йил бўйи 2500-3000 нафар туристлар ташрифи кузатилмоқда. Ҳозирги кунда туристлар учун 100 га яқин замонавий турар жойлар, 100х50 м ҳажмдаги сузиш ҳавзаси ва 100х60 м ҳажмдаги спорт майдони, 500 кишига хизмат кўрсатадиган овқатланиш шохобчаси, санъат саройи, фотостудия, тиббиёт масканлари, савдо ва бозор шохобчалари, болалар спорт майдончалари, сервис хизмати, отда, туяларда сайр қилиш уюшмаси, каштанзор, чинорлар, арчалар, теракзорлар, ёнғоқзорлар ҳиёбонлари ва гулзорлари, олма, олхўри, нокзор боғлари, доривор ва шифобахшлик хусусияти юқори бўлган зизифора каби ўсимлик дунёсининг бир қатор турларини кўрсатиш мумкин.

3.Сирдарё ўнг соҳили текислик экотуристтик райондаги маршрутлар:

3.1. Наманган — Тўрақўрғон — Ахсикент — Шахант — Наманган маршрути. Сирдарёнинг ўнг соҳили текислик экотуристтик районинг биринчи маршрути бўйлаб саёҳатни ташкил этадиган туристлар дастлаб Тўрақўрғон марказига келгач Ахсикент тарихий—археологик мажмуасига сўнгра, Шахант саломатликни қайта тиклаш масканига ташриф буюришади.

Қадимда Фарғона водийсининг пойтахти бўлган Ахсикент Сирдарёни ўнг соҳилида жойлашиб, 400 га майдонидан иборат. Бу тарихий шаҳар аҳолиси ўз даврида 200 минг кишига етган (С.Э.Анарбоев, И.А.Ахроров, 2010). Савдо маркази, хонақоҳлар, 4 та ҳимоя қўрғо—тепаликлар, мадраса, мажмуа, ҳарбий машғулоти ўтказадиган майдон, озиқ-овқат ва қурол аслсаҳа сақлайдиган ер ости омборлари, ҳаммом, хон саройи, боғлар ички ва ташқи

сайёҳларни ҳозирда ҳам жалб этмоқда. Тарихий туризмни ўзида мужассам этган Ахсикентнинг шарқий томонидан Сирдарё ҳавзаси оқиб ўтиши ҳисобига қаланинг сувга туташ жойларида емирилиши, 1960 йилдаги zilзила Ахсикентни хароба ҳолатига келтирган. Ҳозирги пайтда бу тарихий ёдгорлик давлат дастурига биноан қайта таъмирлаш, тиклаш, музейлар қуриш, атрофини кўкаламзорлаштириш, боғларга айлантириш ва туристларни жалб қилиш мақсадида қайта кўриб чиқилмоқда.

Ахсикентдан 2 км шимоли шарқда 40 мингдан ортиқ аҳоли яшайдиган Шахант қишлоғида шифобахш минерал булоқлар ва балчиқдан фойдаланган ҳолда юртимизнинг барча вилоятларидан саломатликни тиклаш мақсадларида сайёҳлар туризмнинг нозотуризм турини ривожлантирмоқда. Унда мевали ва манзарали боғлар, хиёбонлар, кўл ва фавворалар, зоопарк филиали, овқатланиш шоҳобчалари, савдо ва маиший хизмат уйлари, спорт, дам олиш масканлари, Хўжа Аҳмад Вали тарихий ёдгорликлари ҳам мавжудлиги туризмнинг эко–нозо–экстремал–тарихий комплекс турларини янада ривожлантириш имкониятини беради.

Тўрақўрғон туманида Ғойибназар қози, Паласбон ота тарихий ёдгорликлари, Каптархона қишлоғидаги Умар Шайх Мирзонинг рамзий қабри, Маҳдуми Аъзам Косоний авлодига мансуб бўлган Абдулмоний мақбаралари вилоятнинг тарихий қадамжойлари рўйхатига киритилган.

3.2. Наманган шаҳри маршрути. Вилоят марказидан бошланадиган мазкур маршрут шаҳардаги хунармандчилик марказлари, замонавий савдо дўконлари, маданият ва истирохат боғлари (3та), тарихий қадамжолар ва археологик ёдгорликлари билан яқиндан танишадилар.

Наманган шаҳри ҳудудидан оқиб ўтувчи Янгиариқ, Шимолий Фарғона канали шаҳарда ўзига хос иқлимий шароит яратибгина қолмай балки рекреацион тиббиёт, диний, тарихий, спорт каби хизмат кўрсатувчи турларини ҳосил қилган. Шаҳарда А.Навоий номли вилоят драма ва комедия театри, ўлкани ўрганиш музейи ва филиаллари, Мотамсаро она мономенти, бир қатор турли спорт

саройлари (Навбаҳор, Баркамол авлод, ва сузиш сув ҳавзалари, велетрек, чим устида хоккей, отчопар, Намонгоний, Азизхўжа Эшон мадрасаси, Мавлоно Намонгоний, Мулла қирғиз мадрасаси, Мулла Бозор Охунд мажмуаси, Махдуми Эшон масжиди, Қодирхўжа Эшон каби тарихий ва диний туристик мажумалари вилоят марказида жойлашган.

3.3. Наманган — Уйчи — Учқўрғон — Наманган маршрути.

Уйчи тумани вилоят марказидан 15 км шимолий ғарбда жойлашган шаҳар бўлиб, у денгиз сатҳидан 600 м баландликда Наманган—Учқўрғон магистрал йўлида Сирдарёнинг ўнг соҳилида жойлашган. Адир ва адир орти текисликларининг умумий майдони 29,5 минг км² тенг. Ҳозирда аҳолиси энг зич ва унинг сони 210 мингдан ошиқ бўлган бу маршрут Шимолий Фарғона ва Катта Наманган каналлари билан бирга Подшоотасой, Чортоқсойлари оқиб ўтидаган гидроиншоотлар атрофида дам олиш масканлари, оромгоҳлар, шифохоналар, соғломлаштириш масканлари, спорт ва санъат саройлари, маданият ва истироҳат боғларини қамраб олади. Экотуризм билан биргаликда тарихий туризмни ташкил этувчи — Тарикмозор, Ноғоратепа, Ниёзбектепа, Номаълумтепа, Оқтепа, Қоратепа, Оқгумбазтепа, Тошлоқтепа, Овчибулоқтепа, Қизбулоқ, Машхадмозортепа каби тарихий қадамжолар мавжуд.

Учқўрғон Намангандан 40 км узоқда жойлашган 30,7 минг км² майдонни эгаллаган, аҳолиси 190 минг кишидан иборат экотуристтик районнинг шимолий ва ғарбий қисмлари Қирғизистон Республикаси, Жанубий томони Норин, ғарбий томони Уйчи туманлари билан чегарадош. Туман геоэкологик шароитини белгиловчи характерли хусусияти Норин дарёси, ундан бошланувчи 5 та йирик канал ва сойлар Учқўрғон сув тугунининг ҳосил қилганлиги ва уни туман табиатига ижобий таъсиридадир. Учқўрғон сув омбори атрофида сўлим ва салқин манзарали ҳамда мевали боғлар, санаторий, шифохона, оромгоҳлар, дам олиш маскани, нуронийлар ва ёшлар боғлари, вокзал, автовакзал, спорт, санъат шохобчалари ташкил этилган. Ҳудудда таркиб топган Номсизтепа, Ўғриёртепа, Норинкаликлар, Оқтепа, Учёғочтепа,

Нўшкантепа, Гултепа, Бештепа, Қўштепа каби тарихий кадамжолар, ёдгорликлар ва масжидларнинг мавжудлигини экотур билан бирга тарихий ва диний турларни комплекс ривожлантиришни талаб этади.

4. Сирдарё чап соҳилидаги экомаршрутлар:

4.1. Наманган — Сирдарё — Шўрсув — Наманган маршрути.

Амалдаги экомаршрут Мингбулоқ туманинг Гуртепа МФЙ ҳудудида таркиб топган Шўрсув аҳоли манзилгоҳидаги баннологик даволаш масканидан ўтади. Ҳудуднинг географик ўрни ва ер ости сувининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда инсон саломатлигини қайта тикловчи, шифо ва қисқа муддатли дам олиш мақсадида Шўрсув соғлиқни қайта тикловчи ва даволаниш маскани 1980 йилда ташкил топган. Инсон саломатлигини тиббий кўрсаткичлари атроф-муҳит ҳолати билан чамбарчас боғлиқ. Аҳоли саломатлигини қайта тиклашда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш ҳар бир инсоннинг бурчидир (Н.Шомуратова, 2011). Табиий равишда учраган сув таркибида бром, фтор, олтингугурт каби моддалар ташриф буюрган 1500-2000 нафар аҳолининг саломатлигини таъминлаш учун хизмат қилмоқда. Улар бот, ревматизм, бўғимларда туз тўпланиши, тери касалликларини бартараф этишда соғлиқни сақлаш ходимлари томонидан берилган тавсияларга кўра фойдаланиш имконияти яратилган. Шўрсув масканидаги сувнинг ҳарорати $+70^{\circ}\text{C}$ бўлиб, у $+10, +15, +20, +25, +30^{\circ}\text{C}$ даги махсус ванналар, тиббиёт ходимлари ва замонавий жиҳозлар билан таъминланган.

4.2. Наманган — Марказий Фарғона чўл ландшафти — Наманган маршрути. Чўл минтақаси, унинг табиий, ижтимоий-иқтисодий шароитини тадқиқ этишнинг долзарблигини БМТ томонидан 2006 йилни «Чўллар ва чўлланиш ҳалқаро йили» деб эълон қилиниши муносабати билан олиб борилган чора-тадбирлар кўламинан билиб олиш мумкин (А.М.Мавлонов, 2009). Бу борада мустақил Ўзбекистон Республикасида ҳам ижобий ишлар, жумладан туризм соҳасида ҳам фойдаланиш кўлами босқичма-

босқич амалга оширилмоқда. Бундай табиати нозик экотизимларни муҳофаза қилиш, унинг табиий ресурсларидан оқилона фойдаланган ҳолда экотуризмни ривожлантириш, чўл минтақасида тарқалган, лекин йўқолиб кетиш хафи бўлган ўсимлик ва ҳайвонот оламини сақлаб қолиш приоритет илмий изланишлар кўлаמידан жой олмоқда.

Вилоятининг жанубий қисмида жойлашган, Мингбулоқ туманида ҳам ўзига хос табиий экотуристтик объектлар мавжуд бўлиб, уларнинг асосий ер фонди Марказий Фарғона чўлларида иборат. Чўл минтақасининг ўзига хос хусусиятлари ва таркиб топиши биринчи навбатда Фарғона водийсининг табиий географик ўрни билан бевосита боғлиқдир. Мазкур водий Тяньшань ва Олой тоғ тизмалари орасида герцин тоғ бурмаланишида пайдо бўлган тектоник ботикда жойлашган. Водий ҳудудида дастлабки қуруқлик палеазой эрасида тоғлар ўрнида пайдо бўлиб, мезазойда адирлар кўтарилган ва ниҳоят, водийнинг текислик қисми эса тўртламчи даврда тўлиқ қуруқликка айланган (М.Қориев, 1968).

Мингбулоқ туманининг Гулбоғ, Гуртепа, Алами, Баланд Гуртепа МФЙларида аҳоли истиқомат қилмайдиган ҳудудлардаги қум барханлари экотуристтик объектдир. Аҳоли вакиллари ўз саломатликларини қайта тиклаш мақсадида йилнинг июль—сентябрь ойларида чўлга ташрифи кузатилиб, тиббиёт соҳасида касалликлар рўйхатида қайд этилган бўғим, бот ва таянч ҳаракат тизими (грижа хасталигидан ташқари) касалликларни табиий равишда даволашда ўз самарасини бермоқда. Кузатув ва таҳлиллар натижасида табиий йўл билан даволаниш мақсадида борган аҳоли вакиллари саломатликларини қайта тикланиш ҳолатлари кузатилмоқда. Гулбоғ ҳудудидаги қум барханларига 2017 йилнинг 20—25 август кунлари 300 нафар киши нозотуризм иштирокчисига айланди.

Қум барханларига даволаниш мақсадида келган аҳолига замонавий сервис хизматларини ўз вақтида кўрсатиш, ташкил этиш ва ривожлантириш лозим. Бўғим хасталиги билан келган инсонлар куннинг биринчи ярмида яъни соат 10:00 дан 12:00 гача тананинг

оёқ қисмидан бошлаб, 20—30 дақиқа оёқнинг 5—10 см қисми кумга тикилади, сўнгра сон ва тананинг қуймиш қисмигача кум зарачалари билан тўлдирилади. Бу ҳолат куннинг иккинчи ярмида ҳам такрорланиб, қуёш нуридан келаётган ҳарорат бироз пасайгандан сўнг соат 16:00 дан, 17:30 гача ҳам табиий даволаниш профилактика ишлари олиб борилади. Юқоридаги табиий йўллар билан шифо топиш жараёнида ювиниш, дам олиш ва овқатланиш хизматларидан кенг фойдаланиш имкониятлари бироз чекланганлиги сервис хизматларини такомиллашмагинини кўрсатади. Тадқиқотлар натижасида яна шуни айтиш мумкинки, бундай экотуристтик ҳудудларга фақат даволаниш нуқтаи назардан эмас, балки чўл минтақасига саёҳат, ўзига хос доривор ўсимликларни териш ва турларини кўпайтириш, ҳайвонот дунёсини табиий ҳаракатланишини кузатиши ҳам мумкин.

Мингбулоқ туманидаги мавжуд экотуристтик ҳудуд истиқболида сервис хизматларини такомиллаштириш мақсадида маҳаллий ва минтақавий лойиҳалар аосида бизнес режаларни тайёрлаш ҳозирги куннинг давр талабларидан биридир. Амалиётга тадбиқ этилаётган лойиҳалар натижасида шуни кўриш мумкинки, ўз навбатида бу ҳудудларга экотуристларнинг салмоғи ортиши билан бирга аҳолини ишга жойлаштириш масалаларида ҳам ижобий ишлар амалга ошади.

4.3. Наманган вилоятида экотуризмнинг ривожлантириш истиқболлари

Наманган вилояти ҳокими томонидан 2017 йил 1 мартда вилоятда 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқат ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид Давлат дастури» тасдиқланди. Унинг 27-бандига айнан «янги турдаги туристик маршрутларни яратиш, туризмнинг замонавий турларини ривожлантириш, уларнинг жозибадорлигини кучайтириш чора-тадбирларини 2017 йил мобайнида ишлаб чиқиш» масаласи киритилди. Унга биноан

Вилоят ҳокимининг 1-ўринбосари бошчилигида тегишли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва янги туристик маршрутларни яратиш, ҳудудуларнинг туристик имкониятларини ўрганиш ва янги туристик маҳсулотлар ва маршрутларни шакллантириш, аҳоли учун турлар ва экскурсиялар ўтказиш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш режалаштирилган.

Хитойлик тадқиқотчи И.Вень (2010) ХХР мисолида туризм, жумладан экотуризмни ривожлантириш аввалам бор узоқ муддатга мўлжалланган иерархик, яъни қатъий кетма-кетликдаги самарали туристик тизимли инфратузилмани шакллантиришни таклиф қилмоқда. Мазкур инфратулимада уч босқичли экотуристтик тизим:

- *туристик марказларни ҳар бир маъмурий бирликлар доирасида яратиш;*
- *экотуризмга мослаштирилган иккиламчи кичик аҳоли пунктларини барпо этиш;*
- *экотизимлари нозик бўлган тоғли ва чўлли ҳудудларда тажриба–синов ишларини айнан ушбу кичик аҳоли пунктларида ўтказишни таклиф қилган.*

Хитойлик Лю Цзяминь (1998) эса мамлакат миқёсида экотуризмни илмий ва режали ривожлантириш учун аввалам бор илмий тадқиотларни молиялаштириш ва улардан аниқ бир таклифларни олиш, уларни синовлардан аниқ ҳудудлар миқёсида ўтказиш ва чора-тадбирларни яқин ва узоқ муддатли лойиҳаларини яратишни таклиф этади. Фу Боцзе (2001) экотуризмни ривожлантириш истиқболларини яратишни миллий миқёсда зоналлаштириш концепциясини яратишдан бошламоқ кераклиги айтади. Бошқалар (Хаэркэму, 2000; А.А.Назаров, 2004) томонидан берилган мазкур таклифлар нафақат миллий миқёсда балки локал геотизимлар миқёсида ҳам яратилиши мумкинлигини такидламоқдалар.

Украиналик мутахассислар (Т.А.Сафранов, 2005) тоғли ҳудудларда жойлашган санитар-курорт ва рекреацион масканлари фаолиятини экологиялаштириш масаласини қўйганлар. Улар

экотурстик маршрутларга ташриф буюрган шифо топиш мақсадида келган аҳоли вакиллари ҳамда дам олувчиларни таклиф қилишдан аввал уларга атроф-муҳит муҳофазасига доир тегишли маълумотларни беришни тавсия этганлар. Жонли табиат объектларини сақлаб қолиш мақсадида ангиялик олимлар (Guidelines For Community Based Ecotourism Development. UK, WWF. 2001) соғлиқни қайта тикловчи ва ёзги болалар дам олиш масканларида табиат ва унинг организмлар билан боғлиқ бўлган жонли бурчакларни ташкил этиш орқали уларга она табиатга бўлган меҳр-муҳаббатларини шакллантириш ўта муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб ўтишган.

Таниқли рус эколог тадқиқотчиси А.В.Дроздов (1998, 1999, 2009) замонавий экотуризм концепциясини яратиш ва уни амалга татбиқ этишда: фан – таълим – амалиёт тизимидаги вазифаларни глобал, регионал ва локал миқёсда ишлаб чиқишни таклиф этган. У экологик императивлар ва рекрация географиясининг асосий вазифаларини санаб ўтган. Экотуристтик концепцияларни яратиш ва чора-тадбирларини туристик нуқтаи назардан таҳлил қилишдаги тушунчалар, принциплар, белгилар ва шаклларни келтириб ўтган. А.В.Дроздовнинг касбдошлари эса экотуризмга тегишли дастур ва режаларни яратишни россиялик ва халқаро тажрибалардан келиб чиққан тарзда амалга оширишни тавсия этганлар.

Ўзбекистонлик олим А.Н.Нигматов (<http://eco.uz/uz/kutubkhona>) миллий миқёсда экотуризмни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини санаб ўтган:

- экотуризм индустриясини шакллантириш учун махсус қонунларни ишлаб чиқиш ва уларнинг ҳуқуқий механизминини яратиш;
- экотуристтик фан, таълим ва амалиётнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш;
- аҳолининг экологик онги ва маданиятини экотуризм орқали ўстириш;
- экотуризм йўналишидаги таълим ва тарбияни йўлга қўйиш;

- экотуризм оркали маҳаллий аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларини ҳал этиш;
- экотуризм бўйича мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;
- экотуристлик объектларни ҳар томонлама баҳолаш ва уларни кадастрини олиб бориш;
- экотуризм мониторинги ва истиқболини олиб боришни йўлга қўйиш;
- миллий давлат ҳудудини экотуризм бўйича районлаштириб чиқиш;
- экотуризм билан шуғулланувчи, юридик шахс мақомига эга бўлган махсус турдаги субъектлар фаолиятини йўлга қўйиш ва уларни ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини белгилаш;
- давлатларнинг ва халқаро ҳамжамиятнинг экотуризмга оид тактик режа ва стратегик дастурлар ва режаларни ишлаб чиқиш ҳамда уларга юридик мақом бериш;
- экотуризмга оид ижобий ҳаракатларни рағбатлантирувчи омилларни яратиш;
- иқтисодий жавобгарлик санкцияларини экологик ҳуқуқбузарларга нисбатан кучайтириш;
- биологик хилма-хилликни сақлаш вазифаси юклатиш ва ҳ.к.

Н.Т.Шомуратова (<http://uz.denemetr.com>) ҳозирда турли миқёсдаги 9 та концепция мавжудлиги, улар дунё ҳамжамияти эътироф этган 12 та принципга риоя қилган ҳолда ишлаб чиқилганлиги эътироф этмоқда. Лекин, 2017 йил 7 февралда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг махсус фармони билан қабул қилинган Ҳаркатлар стратегиясида кўрсатиб ўтилган 5 та асосий йўналишлар ва сўнги пайтда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар нуқтаи назардан уни қайта кўриб чиқиш замон талабидир.

Наманган вилоятининг бир қатор шаҳар, туман ва аҳоли манзилгоҳларида олиб борган тадқиқотлар натижаси шуни

кўрсатадики Ахсикент, Мунчоктепа, Муғтепа каби тарихий археологик ёдгорликларда туристик жозибадорликни кўриш ва уни мамлакат истиқболи йўлида ривожлантириш мумкин (С.Э.Анарбоев, И.А.Ахроров 2010). Экотуризмни ташкил этишнинг хорижий тажрибасини ўрганиш билан бирга, нафақат Фарғона водийсида, қолаверса вилоятларда ҳам уларни ривожлантириш учун қуйидаги тавсияларни умумлаштириб берган:

- ✓ сайёҳлар учун инфратузилмани яратиш;
- ✓ меҳмонхона бизнесини тўғри ташкил этиш;
- ✓ рекламани йўлга қўйиш;
- ✓ сайёҳлик фирмаларини кўпайтириш (П.М.Лутфуллаев, 2016).

Мазкур соҳа юзасидан бир қатор олимлар ва илмий тадқиқот ишларини олиб бораётган мутахассисларни берган фикр мулоҳазаларидан келиб чиққан ҳолда республикамизнинг барча вилоятлари каби Наманган вилоятининг истиқболида туризм ва унинг тармоқларини ривожлантириш учун қуйидаги вазифаларни бош мақсад қилиб олиш зарур:

- ✓ *хорижий кредит ва инвестицияларни жалб қилиш;*
- ✓ *ҳунардмандлар уйларини барпо этиш;*
- ✓ *кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;*
- ✓ *транспорт логистикаси йўлга қўйиш каби чора-тадбирларни режаларини амалиётга тақдим этиш.*

Мазкур тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларидан БМТнинг барқарор ривожланиш қоидалари, UN WTO талаблари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалардан келиб чиққан тарзда Наманган вилоятида туризм, жумладан экотуризмни ривожлантириш учун қуйидаги **17 та чора-тадбирларни амалга оширишга тўғри келади:**

1. *Илмий тадқиқотлар кўламини туризм, жумладан экотуризмнинг умумэтироф этилган назарий асосларига йўналтирилган тарзда кенгайтириш.*

2. *Халқаро, миллий ва маҳаллий миқёсдаги инвестицияларни туризм соҳасида бажарилаётган лойиҳаларни бажарига йўналтириши.*

3. *Вилоятда туризм, жумладан экотуризмни ривожлантириши концепциясини яратиши.*

4. *Стратегик ва тактик истиқболли аниқ ижтимоий-иқтисодий ривожлантириши дастури ва чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиши.*

5. *Миллий ва маҳаллий миқёсдаги норматив-ҳуқуқий асосларини яратиши ва уларни амалий жорий қилиши механизмини аниқлаб олиши.*

6. *Турли касбий даржа ва компетенцияларга эга бўлган кадрлар тайёрлаш тизимини яратиши ва унинг мониторингини олиб бориши.*

7. *Туристик, жумладан экотуристик реклама ва ахборот тарқатиши восита ва йўллари ривожлантириши.*

8. *Инфографикага асосланган туристик объектлар ва маршрутларнинг жозибадорлигини намоён қилувчи видеороликлар, буклет, карта, сувенир, аэровизуал электрон кўрсатувлар ва ахборот тарқатувчи материаллар ишлаб чиқариши ва уни тарқатишини йўлга қўйиши.*

9. *Глобал тармоқлашган Интернет тизимига вилоятнинг туристик потенциалли, имкониятлари, объектлари ва хизмат кўрсатиши шароитларини кўрсатувчи веб-сайтлар, порталлар яратиши.*

10. *Анънавий ва ноанъанавий таълим ва тарбияни замон талабларига мос равишда қайта кўриб чиқиши.*

11. *Туристик индустриясида фаолият юритаётган барча субъектларнинг малакасини ошириши ва уларни қайта тайёрлашни йўлга қўйиши.*

12. *Туристик, жумладан экотуристик маркетинг ва менежментни маҳаллий ва локал хусусиятларини аниқлаш ва ўзига хос мотивацияланган бошқарув тизимини шакллантириши.*

13. Турли ёшдаги, айниқса, ёшларни экотуристлик маънавияти ва маърифати туристик маданият даражасига кўтаришига эришиш йўллари излаб топиш.

14. Вилоят ва туманлар кесимида локал миқёсда туристик объектларни баҳолаш, кадастрлаш, мониторинг ва назорат, экспертиза, аудит тизимини яратиш ва уларни ишлаш механизмини йўлга қўйиш;

15. Маҳаллий миқёсда фото-видео-мақола-плакат-буклет-артографик-график ишлар конкурслари, кўргазмалари, викториналар, семинар-тренинглар, анжуманларни тақвил этиш ва уларни доимий равишда олиб боришни йўлга қўйиш.

16. Туризмни вилоят ва туман миқёсида бошқарув туризм тармоғи даражасига олиб чиқиш.

17. Вилоят миқёсида туризмни, жумладан экотуризмни индустрия даражасига олиб чиқиш учун уни ташкил этиш, олиб бориш ва статистик ҳисоботларни йўлга қўйувчи туристик фирмалар, унга хизмат кўрсатиш ва сервисни яратувчи тадбиркорлик фаолиятини махсус дастур ва режалар орқали йўлга қўйиш ва ҳ.к.

Айнан шу асосда республика минтақаларини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришда Наманган вилоятида ҳам мавжуд туманлар иқтисодиётини барқарорлигини таъминлаш зарур.

Наманган вилоятининг 11 та қишлоқ туманларидан 7 таси бевосита Давлат тасарруфида. Улар Мингбулоқ, Косонсой, Норин, Тўрақўрғон, Чортоқ, Янгиқўрғон ва Чуст туманларидир. Бу қишлоқ туманларини дотациядан қутқариш вилоят ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш демакдир (А.С.Солиев, М.И.Назаров, 2009). Иқтисодиёт секторида ҳозирги кунда юқори даромад келтирадиган соҳалардан бири туризм ва унинг янги тармоқлари ҳисобланиб, уни жойларда ташкил этиш ва мавжуд имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ривожлантириш долзарб вазифалар сирасига киради.

Вилоят ҳудудида туризм тармоқларни ривожлантириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, агротуризмни ташкил этиш ва ривожлантириш истиқболли учун Тўрақўрғон туманида 200 га ер майдонида гилос, ўрик, нок ва олма каби интенсив боғ майдонлари ташкил этилди. Етиштирилаётган меваларни қайта ишлайдиган корхоналар ва сақлаш имкониятига эга бўлган музлатгичларни қуриш ишлари ҳам ниҳоясига етказилди. Мазкур мевали боғ майдонига ташриф буюрувчилар дастлаб, вилоятдаги туманлардаги соҳа мутахассислари, мевали дарахтларни парвариш қилиш ҳолатини кўриш, агротехник ишлари билан яқиндан танишиш мақсадида мазкур агромажмуага ички туризмни асосини ташкил қилувчи вилоят аҳоли вакилларининг ташрифи кузатилмоқда. Шу ўринда агротуризм етакчи ҳисобланган Италия давлати фирмалари билан ҳамкорлик ишларини йўлга қўйиш керак бўлмоқда. Ушбу давлатнинг соҳага оид тажрибаларидан кенг фойдаланган ҳолда мазкур агротуристлик масканда ҳам меваларни қайта ишлашдан то тайёр маҳсулотга айланишгача бўлган жараёнлар ва технологик имкониятлар билан яқиндан танишишларини батафсил ёритиб берадиган соҳа вакиллари, таржимон ва гидлар бўлиши лозим.

Вилоятни 2017 йил 1 мартда қабул қилинган давлат дастурига кўра:

- Поп туманининг Чодак, Парда Турсун, Арашонбува, Чуст туманининг Ғова, Косонсойда, Янгиқўрғон туманининг Нанай, Мамай, Учқўрғон ҳудудида табиий ва рекреацион туризмни ривожлантириш;

- Наманган шаҳрида бўлгани каби «Гуллар байрами» рўқинидаги экологик тадбирларни ўтказиш орқали ташқи ва ички сайёҳларни вилоятга жалб этиш (4.3.1-расм);

- Наманган шаҳри, Ахсикент, Мунчоктепа, Буваномозор, Балиқ кўл, Косонсой шаҳридаги «Кушон» каби тарихий обидалар, зиёратгоҳларни қайта таъмирлаш, тарихий ва диний туризмни ривожлантириш,



4.3.1-расм. Экотуристик тадбирларга кирувчи 58-маротаба май ойининг охирида Наманган шаҳрида бўлиб ўтаган «Гуллар байрами»

➤ Косонсой, Чортоқ, Гулшан, Пахтачи, Кўксарой, Учқўрғон, Шахант, Наманган шаҳридаги Шифо сув, Оромгоҳ, соғлиқни қайта тиклаш;

➤ дам олиш масканларида тиббий ва экстремал туризм, Поп тумани Арашон тоғ тизмасидаги қор музликлар экотуристлик объектида тоғ алпинизми, чанғида юриш, Норин, Қорадарё ва Сирдарёларда қайиқ ва паромларда саёҳат қилиш, бу дарёлар ҳосил қилган ноёб ўсимлик ва ҳайвонларга эга бўлган оролларда экотуризмни ривожлантириш;

➤ вилоят иқтисодиётига даромад келтирувчи ва хорижий сайёҳларни жалб этиш каби сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ишлар лойиҳалаштириш;

Экологик зарарсиз дориворлик хусусиятига эга бўлган маҳсулотларни аҳолига етказиб, қайта ишлаш, технологик ва токсикологик меъёрларга тўла жавоб берган ҳолда етиштириш ва экспортбоп маҳсулотга айлантириш (А.Эргашев, Т.Эргашев, 2006). Суғориладиган ер майдонларнинг таркибидаги кам рентабилли майдонларини муҳофаза қилиш ва унинг ҳозирги ҳолатини сақлаб қолиш мақсадида вилоятнинг Чуст, Косонсой, Поп ва Мингбулоқ туманларида аҳоли саломатлигини қайта тиклаш ва бир қатор касалликларга даво ҳисобланган ковул доривор ўсимлигини етиштиришни амалга ошириш, тиббиётнинг фармацевтика соҳасига етказиб бериш ишларини истиқболда ривожлантириш лозим.

Экотуризмни ривожлантириш учун ҳар-бир жойнинг экотизим имкониятларидан сайёҳлик йўлида оқилона фойдаланиш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан бири. Бошқача қилиб айтганда «Сервис табиат» индустриясини яратиш ва уни давлат сиёсати даражасига олиб чиқиш лозим (А.Н.Нигматов, 2014). «Сервис табиат» индустриясини амалга оширишда биринчи навбатда хорижий тажрибаларни ўрганиш, жумладан Коста Рика тажрибасини илмий ва амалий тадқиқот олиб борилаётган Наманган вилоятининг тоғли ҳудудларида ҳам қўллаш ва ундан самарали фойдаланиш мумкин.

Наманган вилоятининг экотизимларини ўрганиш ва баландлик минтақали нуқтаи назаридан экотизимларга ажратиш, таҳлил қилиш, ҳудуд учун хос бўлган ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш борасида олиб борилган илмий тадқиқот натижаларига кўра вилоятда таркиб топган экотизимларда кийик ўтининг 2 тури тарқалганлиги аниқланди. Вилоятнинг маъмурий жиҳатидан тоғли Поп, Чуст ва Янгиқўрғон ҳудудларининг юқори қисмларида зезифорани эндемик ҳолатда тарқалиши кузатилиб, вилоятининг тоғли ҳудудларига ташриф буюрган туристлар табиий экзотикаларга ташрифи чоғида нафақат дам олиш қолаверса, ўзида қатор (қон босими ва юрак қон томирлари) касалликларига шифо бўлувчи зизифорани табиатдаги вегетацион жараёнини, табобатда дамлама сифатида қўлланилишини ва тайёрланишини кўриш, баланд тоғ дараларида ундан тайёрланган шарбатни чанқоғини қондириш мақсадида истеъмол қилишлари учун ўзлари билан олиб кетишлари мумкин.

Умуман олганда миллий экотуризмни ривожлантириш ўта долзарб масалалардан бўлиб, у юртимиз истиқболида барқарор ривожланишни таъминлаб берувчи омиллардан биридир (А.Нигматов, У.Рахмонқулов, Р.Хидоятлов, Б.Алимқулова, 2014). Шундай экан мазкур тоғ экотизимларида сервис хизматларини истиқболда ривожлантириш ишларини амалга ошириш лозим.

Ўзбекистон туризм соҳасида улкан салоҳиятга эга бўлган давлат ҳисобланади. Юртимизда 7300 дан ортиқ маданий мерос объектлари мавжуд ва уларнинг аксарияти ЮНЕСКО рўйхатига киритилган. Шу билан бирга, мамлакатимизнинг бетакрор табиати, гўзал дам олиш зоналари имкониятларидан фойдаланиб, янги туристик йўналишлар очиш мумкин.¹ Наманган вилоятидаги шаҳар, туманлар, аҳоли манзилгоҳларидаги муқаддас қадамжолар, тарихий ёдгорликлар ва табиий экзотикаларга олиб боровчи туристик маршрутларни ишлаб чиқиш ва уларни тизимли ташкил

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 22 декабрь 2017 йилда Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзоларига тақдим этган Мурожаатномаси.

этиш масалалари соҳа мутахасислари олдида турган мақсадли вазифалардан биридир. Вилоят иқтисодиётининг истиқболда етакчи тармоғига айланадиган туризмнинг бир қатор турларини (тарихий, диний, экстремал, шоп, агро ва экотуризм) истиқболли ривожлантиришда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил 22 декабрда ЎзР Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзоларига тақдим этган Мурожаатномаси ҳам албатта соҳа ривожини йўлида дастури амал сифатида ўз ҳиссасини қўшиши даркор.

Наманган вилоятида ҳозирги кунда 180 минг гектар суғориладиган ерларни 70 фоизидан ортиғи адирлар ҳиссасига тўғри келади. Адирларининг агроэкологик шароитларини ҳисобга олган ҳолда адир юзасини яъни тупроқ қопламини узок йиллар мобайнида химоя қиладиган, кам сув талаб қиладиган кўп йиллик мева-даракт кўчатларини кўпайтириш ва ундан юқори ҳосил олиш имкониятига эга бўлган ҳудудлар сирасига киради. Юртбошимиз ташаббуслари билан Хитой Халқ Республикасидан келтирилган ёнғоқ кўчатларини ҳамда мой берувчи соя ва зайтунзорларни барпо этиш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Агротуристлик марказларни ташкил этиш, етиштирилган ҳосилларни қайта ишлайдиган агроинфратузилмаларни барпо этиш билан бирга аҳолининг маълум бир қисмини янги турдаги меҳнат фаолияти таъминланади ва туризмнинг агро, эко ҳамда шоп туризм каби тармоқлари истиқболда ривожланиши мумкин.

Кейинги йилларда республикаимиз ҳукумати томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уларни турларини кенгайтириш, аҳолини иш билан таъминлаш, даромадларини ошириш мақсадида аграр соҳанинг ноанъанавий турларидан бири ҳисобланган асаларичилик ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда (Б.Ҳ.Камолов, 2013). Бу борада Наманган вилоятининг табиий-иқлим шароити, тоғ ва тоғ олди ҳудудларида тарқалган доривор ўсимлик дунёсинг шифобахш хусусиятларини инобатга олган ҳолда тоғ олди туманлари ҳисобланган Янгиқўрғон,

Косонсой, Чуст, Поп туманларида асал маҳсулотларини етиштирадиган фермер хужаликлари ва асалари уяларини янада ривожлантириш зарур. Асал маҳсулотларини пайдо бўлиши ва дурда боғлашида $+12^{\circ}$ — 13°C ҳароратни бўлиши асаларичиликни ривожлантириш ва унга бўлган эҳтиёжни доимийлигини таъминлайди. Агарда ҳарорат $+35^{\circ}$ — 45°C ва ундан юқорига кўтарилса, асалнинг сифати ва шифобахшлик хусусияти йўқолади. Шунинг учун асал сифатини яхшилаш мақсадида тоғ олди ҳудудларида асаларичиликни ривожлантириш тавсия этилади. Бундай ҳудудларда етиштириладиган асаллар *полифёр* асаллари ҳисобланиб, уларнинг таркиби акация, шашир, оққурай, янтоқ, читир, зезифора гулларида ва ўсимликлардан иборат бўлиб, маданийлашган ўсимликлардан тайёрланувчи *монофёр* асаллардан кескин фарқ қилади. Шу боис, вилоятнинг тоғ ва тоғ олди зоналарида асаларичиликни ривожлантириш, аҳолига асал ва асал маҳсулотларини арзон нархларда етказиб бериш, аҳоли саломатлигини қайта тиклаш учун хизмат қилади. Мазкур табиий экзотикаларга йилнинг тўрт фаслида ҳам туристларни ташриф буюриши ва экотизимлардаги воқеаликларни томоша қилишлари ҳам айтиш ҳақиқат. Шу мақсадда тоғ ва тоғ олди зоналарида аграр соҳани ноанъанавий турларини ривожлантиришда ҳудудга ташриф буюрган туристларга асал ва асал маҳсулотни тайёрланиш жараёнларини ва бир нечта касаллик турларига шифо бўлишлиги ҳақида маълумотларни баннер, билборд, буклет, инфографика ва видеороликлар кўринишида тақдим этиш ишлари ҳам истиқболда режалаштирилган.

Туризм ва унинг истиқболли тараққиётида улар учун ҳунармандчилик соҳаси қадимийлиги билан характерланади. Ҳунармандчилик инсоннинг дастлабки ишлаб чиқариш фаолияти билан бир вақтда вужудга келиб, кишилик жамияти ривожланишида аста-секин деҳқончилик ва чорвачиликдан ажралиб чиққан, турли ижтимоий формациялар даврида техника ривожини билан боғлиқ ҳолда такомиллаша борган саноат ишлаб чиқариш куртагидир (Б.Ҳ.Камолов, 2017). Бироқ.

туризм тараққиётини вилоятнинг бошқа туманлари каби Чуст туманида ҳам ривожлантириш ва янги замонавий турларини жорий этиш зарурияти мажуд. Бу борада экстремал туризм билан биргаликда ҳунармандчилик дўконларини мажмуаллик хусусиятларини ва уларга хизмат кўрсатиш турларини йўлга қўйиш керак. Юқоридаги фикрларни амалий ижросини бажариш юзасидан маҳаллий ҳокимлик вакилларига туризм ва унинг тармоқ таркибини янада ривожлантириш борасида қарорлар ва уларни ижросини таъминлашда маҳаллий дастурларни ишлаб чиқиш лозим.

Наманган вилоятининг жанубий қисмида жойлашган Мингбулоқ туманида ҳам ўзига хос табиий экотуристтик ҳудудлар мавжуд. Мингбулоқ ҳудудининг асосий ер фондини Марказий Фарғона чўллари ташкил этиб, туманининг Гулбоғ, Гуртепа, Алами ва Баланд Гуртепа МФЙнинг аҳоли истиқомат қилмайдиган ҳудудларида ҳозирги кунда табиий қум барханлари мавжудлиги билан характерланади. Мазкур қум барханларига нафақат вилоятдаги туманлардан, қолаверса Фарғона ва Андижон вилоятларининг бир қатор туманларидан ўз саломатликларини қайта тиклаш мақсадида аҳоли вакиллари июль-сентябрь ойларида ушбу чўл минтақасига ташриф буюришмоқда. Тиббиёт соҳасида касалликлар рўйхатида қайд этилган бўғим, бот ва таянч ҳаракат аъзолари (грижа хасталигидан ташқари) касалликларини табиий равишда даволашда ўз самарасини бермоқда. Тумандаги қум барханларига даволаниш мақсадида келган аҳолига замонавий сервис хизматларини ўз вақтида кўрсатиш, ташкил этиш ва ривожлантириш лозим.

Марказий Фарғона чўлларида типик барханлар бўлиб, асосан дўнг қумлар асосий ўрин тутиб, қумларнинг баландлиги 5-8 м, баъзан 15 м етади (П.Баратов, 1996). Юқоридаги табиий йўллар билан шифо топиш жараёнида ювиниш, дам олиш ва овқатланиш хизматларидан кенг фойдаланиш имкониятлари биров чекланганлиги тадқиқотлар натижасида маълум бўлди. Мазкур экотуристтик ҳудудда хизмат турларини кенг йўлга қўйиш

мақсадида сервис хизматларини ривожлантириш лозим. Марказий Фарғона чўллари таркибига кирувчи Мингбулоқ худудидаги Қорақалпоқ чўлида тиббий туризм билан экотуризмни олиб бориш маҳаллий аҳолининг сиҳат-саломатлигини йўлга қўйиш билан бир қаторда чўл экотизимларидан оқилона фойдаланишга олиб келади. Чўл ландшафтларини муҳофаза қилиш ва уни ўрганиш учун республикадаги Қоракўл ва Варданзи қумли чўл қўриқхоналари етарли эмас (П.Ғуломов, 1985). Чўлларнинг ҳар-бир типи бўйича худудларни табиатини муҳофаза қилиш ва уларнинг ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалаларини ўрганиш мақсадида чўлларнинг бошқа типларида ҳам чўл қўриқхоналарини ташкил этиш зарурияти бор. Тадқиқотлар натижасида яна шунини айтиш мумкинки, бундай экотуристик худудларга фақат даволаниш нуқтаи назаридан эмас, балки чўл минтақасига саёҳат қилиш, доривор ўсимлик дунёси турларини кузатиш, ҳайвонот дунёсини табиий ҳаракатланишлари кузатиш мумкин.



ХУЛОСА

Туризм жаҳон ялпи маҳсулоти ва истеъмол савдосининг 10/1, дунё экспортининг 8 фоизи, савдо хизматининг 30 фоизи, халқаро инвестицияларнинг 11 фоизи, 8/1 иш ўрни таъминлаётган индустрияга айланишида нисбатан янги ва жадал суратларда тараққий этиб бораётган экотуризмнинг ўрни бор, албатта. Шунинг учун ҳам 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 3.2-бандида «Туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда унинг роли ва улушини ошириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш», 4.3-бандида эса «одамларнинг экологик хавфсиз муҳитда яшашини таъминлаш масаласи қўйилган». Зеро мамлакатимизда истиқболда барқарор ривожланишни таъминлаш, аҳолини иқтисодий-ижтимоий муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизликни таъминлашнинг энг мақбул йўлларида бири экотуризмни ривожлантиришдир.

Туризм индустрияси, жумладан экотуризмни ривожлантиришнинг энг мақбул йўли маҳаллий ва маъмурий миқёсда туристик имкониятларни ўрганиш, унинг илмий асосларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш истиқболини ишлаб чиқишга боғлиқ. Наманган вилояти ҳам бундан мустасно эмас. Вилоят миқёсида олиб борилган тадқиқотлар экотуризмни бошқа туристик турлар билан аралаштириб юбориш натижасида ноаниқ статистик маълумотлар базасини юритиш ва илмий асосланмаган режаларни тузишга олиб келмоқда. Вилоят ҳокимининг 2016 йил 16 февралдаги «Наманган вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарорининг амалий ижроси таъминлаш мақсадида ҳудудунинг илмий асосда туризм индустриясини ташкил этиш ва ривожлантиришни унинг табиий шароитини ўрганиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ижтимоий—иқтисодиёт даражасини аниқлашдан бошланди. Сўнгра, туризм ва

унга тегишли атама ва ибораларнинг илмий асослаш ҳамда ягона бир тушунчаси, мазмуни ва моҳиятини аниқлаштириб олишни талаб этади.

Туризм – шахснинг доимий яшаш жойидан вақтинчалик борар жойига 24 соатдан то 6 ой муддатга кетма-кет, муайян мақсадда ёки мақсадларда пул тўлланмайдиган саёҳатни турли миқёсда тизимли ташкил этиш, олиб бориш ва ҳисобини юритиш санъати. Мазкур таъриф унинг жадал суратларда тармоқлашиб бораётган турларига бериладиган таърифларга илмий асос бўлиб хизмат қилади. Туризм атамасига берилган таърифга туризм турининг мақсади қўйилади, холосда. Масалан, тарихий туризм – шахснинг доимий яшаш жойидан вақтинчалик борар жойига 24 соатдан то 6 ой муддатга кетма-кет, унинг тарихи билан танишиш мақсадида сайёҳларга пул тўлланмайдиган саёҳатни турли миқёсда тизимли ташкил этиш, олиб бориш ва ҳисобини юритиш санъати. Мна бундай илмий асосланган тарзда туризмга тушунча бериш уни ташкил этиш, режалаштириш, ҳисобини юритиш, назорат қилиш ва бошқаришга хизмат қилади.

Бозор муносабатларига ўтиб бораётган Наманган вилоятида туманларнинг туристик имкониятларини аниқлаш, режаларини тузиш ва истиқболларини белгилаш орқали бошқарув тизимини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ. Наманган вилояти туманлари эса уларнинг табиати, ижтимоий ҳолати ва иқтисодий инфратулизмаси бири иккинчисидан кескин фарқ қилади ва шунинг учун ҳам туризмни ривожлантиришда уларга индивидуал ёндашишга тўғри келади. Лекин экотуризм бундан истесно, зеро унинг асосий мақсади экотизимларни муҳофаза қилиш, унинг ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва бузилганларини қайта тиклашдан иборат. Шунинг учун ҳам экологиянинг объекти бўлмиш экотизимларнинг мазмуни ва моҳиятини очиқ бериш, маҳаллий миқёсда ҳудуднинг катта-кичиглигига қараб экотизимларни таснифлаш, картага тушириш, сайёҳлик имкониятларини аниқлаш масаласи илмий асос бўлиб хизмат қилади. Зеро экотуризм – шахснинг доимий яшаш жойидан вақтинчалик бирор жойга 24 соатдан то 6 ой муддатга

кетма-кет, унинг экотизимларидан атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва бузилган табиат муамуларини қайта тиклашни мақсад қилиб олган пул тўлланмайдиган саёҳатни турли миқёсда тизимли ташкил этиш, олиб бориш ва ҳисобини юритиш санъати экан, унда экотизим алоҳида аҳамият касб этади. Чунки экотизим экология фанининг объектидир.

Илк бор Наманган вилоятида V та миниэкотизим типи ва 14 та тури ажратиб олинди. Миниэкотизимлар ўлчами экологик компонент ва элементарининг ички компонентлараро бошқарув ҳамда қайта тиклаш имкониятини яратувчи ер майдони ва сув акваторясиدير. У 1:200 000 масштабдаги «Наманган вилояти экотизимлар картаси»ни яратиш орқали унинг ҳудудий тарқалиш қонуниятларини очиб бериш имкониятини берди. Экотизимларни таснифлаш ва номлашда унинг доминанти қилиб баланд ва ўртача баландликдаги тоғ экотизимларида ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, паст тоғлардан то текислик экотизимларига тушиб борган сари кишилиқ жамиятининг хўжалиқ юритиш фаолияти олинди. Миниэкотизимлар типи ва тури географик тавсифланди ва уларнинг ҳар бирининг ҳудудийлик, даврийлик ва комплекслик туристик хусусиятлари очиб берилди.

Вилоят миқёсида экотуризмни ривожлантиришнинг яна бир илмий асоси экотуристтик районлаштиришдир. Экотуристтик район — экотизимларни туристик кўрсаткичалирига қараб ҳудудий қисмлаштириш ва уларни номлаш. Экотуристтик чора-тадбирларни қўллашда географик тадқиқотлар предмети — ҳудудий бир бутунлик, унда тарихан қарор топган ва ривожланган ҳолда экотизимларни бирлаштириш (даврийлик), яъни экотуризмни бошқа туристик турлари билан қўшиб олиб бориш имкониятини инобатга олиш (комплекслик) принципларидан келиб чиққан тарзда «Наманган вилоятининг экотуристтик районлари ва маршрутлари» 1: 200000 масштабли картаси энг оптимал масштаб деб топилди. Экотуристтик районларга ажратишнинг мақсади, предмети, методи, принципи ва топонимакаси асосида вилоят миниэкотизимлари

ўзига хос 4 та: Чотқол–Қурама тоғли, Чодак–Чуст–Косонсой–Янгиқўрғон тоғ олди, Сирдарё ўнг ва чап соҳилидаги текислик экотуристик районларга ажратилди.

Ишлаб чиқилган 12 та экотуристик маршрутларни ажратилган экотуристик районлар бўйича ўтказиш экотуризмни ҳудудий ташкил этиш, даврий мослаштириш ва уни якка ёки қайси бир туристик маршрут турлари билан комплекс олиб боришнинг оптималлаштиради. Экотурларни ташкил этиш, олиб бориш ва ҳисобини юритишда, бошқа туристик маршрутлардан фарқли равишда, сайёҳлик объектларининг жозибадорлиги, бетакрорлиги, имкониятлилиги, мазмундорлиги, алтернативлиги, мажмуалилиги, ахборотланганлиги билан бир қаторда унинг хавфсизлигини инобатга олиш бирламчи аҳамият касб этади. Бу эса Ўзбекистон Республикасининг Ҳаракатлар стратегиясининг хавфсизлик таъминлаш вазифасига мос тушади.

«Наманган вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепцияси»да туризм, жумладан экотуризмни ривожлантириш масаласи алоҳида банд бўлиб киритилди. Экотуристик инфратузилмани яратишда уч босқичли туристик марказларни маъмурий бирликлар доирасида яратиш; экотуризм мослаштирилган кичик аҳоли пунктларида барпо этиш; нозик экотизимларда тажриба ва синов ишларини ўтказиш таклиф қилинди. Вилоят бўйича 17 та йўналишдаги тавсия этилган чоратadbирлар экотурларнинг ҳудудийлик, даврийлик ва мажмуалилик жиҳатларини инобатга олган тарзда ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.	Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.—Т.: «Ўзбекистон», 2014.—40 б.
2.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 22 декабрь 2017 йилда Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзоларига тақдим этган Мурожаатномаси.
3.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони.—Т., 2017 йил 7февраль // www.lex.uz .
4.	Ўзбекистон Республикасининг «Ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуни, 1997 йил 26 декабрь // www.lex.uz .
5.	Ўзбекистон Республикасининг “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуни, 1997 йил 26 декабрь // www.lex.uz .
6.	2016 йил 4 майдаги «Қишлоқ жойлардаги аҳолига сервис хизмат кўрсатишни яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 139-сон қарори // www.lex.uz .
7.	Ўзбектуризм миллий компанияси Наманган вилоятининг ваколатли вакиллигини 2010 йил 1 январь ҳолатидаги йиллик ҳисобот материаллари.—Наманган, 2010,— 15 б.
8.	Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак // Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь.—Т.: «Ўзбекистон», 2017.— 104 б.
9.	Абдуллаев О. Наманган вилояти табиати, аҳолиси,

	хўжалиги.– Наманган: «Наманган»,1995. 10—35-б.
10.	Абдуллаев О. Фарғона водийси: ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнлари.—Наманган: «Наманган», 2000. 11—32-б.
11	Анарбоев С.Э., Ахроров И.А. Фарғона водийсининг тарихий обидалари.-Т.: «Фан», 2010. 20—76-б.
12.	Арифханова М.М. Растительность Ферганской долины.-Т.: «Фан», 1967.- 294 с.
13.	Ахмадалиев Ю.И. Ер ресурсларидан фойдаланиш геоэкологияси.— Т.: «Фан ва технологиялар», 2014. – 340 б.
14.	Ахмадалиев Ю.И. Фарғона вилояти топонимлари.—Фарғона: «Жаҳон», 2009.- 26 б.
15.	Баратов П. Ўзбекистон табиий географияси.—Т.: «Ўқитувчи», 1996.—190 б.
16.	Вернин Р.С., Рахимова Т. Естественная растительность и пастбища адыров Наманганской области.—Т.: «Фан»,1982.-88 б.
17.	Вэнь И. Принцип планирования экотуризма на север-западе КНР (провинция Синьцзянь, район Алтай).— Авт. диссерт. на соик. уч. степени канд.-СПб, 2010.- С.17-19.
18.	Давыдов Л.К. Водоносность рек, её колебания и влияния на нее физико-географических факторов.- Гидрометеиздат, 1947.-162 с.
19.	Дроздов А.В. Экологический императив и рекреационная география. Известия РАН. Серия География, 1998.- С.91-98.
20.	Дроздов А.В. Экотуризм: определения, принципы, признаки, формы. Актуальные проблемы туризма.—М., 1999. С.40-41.
21.	Дроздов А.В. Современный экотуризм: концепция и практика.—М.: «Конрус», 2009. – С. 245-260.
22.	Ердаветов С.Р. Ещё раз к вопросу науки о теризме // Междун. научно-практическая конфер. Вестник НУК,1/2(42).- Казахстан, 2016. С.22.
23.	Зокиров А., Хасанов А. Чимён худудий экологик рекрацион маскан // Географик экология ва табиатдан фойдаланиш

	муамолари..-Т., 1999. 62—63-б.
24.	Ибраимова А.А. Ўзбекистон Республикасини Марказий Осиё давлатлари билан ташқи иқтисодий алоқаларининг географик жиҳатлари // г.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.-Т., 2012.
25.	Ильин И.А. Водные ресурсы Ферганской долины.— Ленинград: «Гидрометеоздат»,1959.-247 с.
26.	Кадырова А. Экологический туризм в Узбекистане // Центральная Азия. Экономика.—Т., 2003. С.14.
27.	Казаков А. Эрозионноопасность земель Ферганской долины и пути повышения плодородия эродированных почв.—Т.: «Меҳнат», 1993.-136 с.
28.	Камолов Б.Х. Вилоят ҳудудидаги экотуристлик ресурслар ва экотуристлик маршрутлар / Фарғона водийсида экотуризмни ривожлантириш истиқболлари // Республика илмий-амалий анжуман материаллари. - Наманган, 2016. 97—101-б.
29.	Камолов Б.Х. Давлат дастури низоҳида туризмни ривожлантириш масалалари (Наманган вилояти мисолида) / Фарғона водийсида экотуризмни ривожлантириш истиқболлари // Республика илмий-амалий анжуман материаллари. -Наманган, 2016. 305—307-б.
30.	Камолов Б.Х. Чодалсойда экотуризмни ривожлантириш масалалари // Ўзбекистон География жамияти ахбороти. 48-жилд.—Т., 2016. 115—118-б.
31.	Камолов Б.Х. Минтақавий экотуризмни Фарғона водийсида ривожлантириш масалалари // Ўзбекистон Миллий университети хабарлари. 1/2-жилд.-Т., 2017. 44—46-б.
32.	Камолов Б.Х. Ahsikent an ancient ekoturism destination of Namangan region // Ж. Проблемы региональной экологии. №5.-Россия, 2017. С.54.
33.	Камолов Б.Х. Чуст тумани мустақиллик йилларида. Илмий оммабоп қўлланма.-Наманган: «Наманган», 2013.-76 б.
34.	Камолов Б.Х. Чуст тумани ўзига хос экотуристлик маршрут сифатида // Экология хабарномаси. 2-сон.—Т.,2017. 42—44-б.

35.	Камолов Б.Ҳ., Сўпижанов Қ. Мустақиллик йилларида Наманган вилоятида экотуризмнинг ривожи // Экология хабарномаси.10-сон.–Т., 2016. 51–52-б.
36.	Краткий словарь иностранных слов.–М.: «Изд. иностр. и нац. слов.,1952.–179 с.
37.	Комилова Н., Солиев А. Тиббиёт географияси.–Т.: «Истиқлол», 2005.–159 б.
38.	Краткий словарь иностранных слов.–М.: «Изд. иностр. и нац. слов., 1958.– 404с.
39.	Маҳмудов.Л.М. Ахсикент ёдгорлигини ўғаниш ва уни туризм манзилгоҳига айлантириш истиқболлари.—Наманган: «Наманган», 2016.– 24 б.
40.	Лутфуллаев П.М. Экотуризмни ташкил этишнинг хорижий тажрибаси // Фарғона водийсида экотуризмни ривожлантириш истиқболлари.–Наманган, 2016, 235-б.
41.	Лю Ц. Процесс исследования и планирование развития экотуризма в Китае. // Экология, 1998.–Ч. 9. № 3. С.327–331.
42.	Мавлонов А.М. Чўл шароитида шаҳарларнинг шаклланиши ва ривожланиши муаммолари (Бухоро вилояти мисолида).- Г. ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация.–Т., 2009, 3-б.
43.	Маллабоев Т.Н. Рекреацион ресурслар ва уларни генетик таснифлаш // Фарғона водийси табиатни муҳофаза қилишнинг экологик географик асослари.–Наманган, 2003. 71–73-б.
44.	Мамаджонов Р.И. и др. Проблемы охраны рекреационных ресурсов // Табiiй географиянинг регионал муаммолари илмий-анжуман материаллари.–Самарқанд, 2002.108–109-б.
45.	Мирзамахмудов О.Т. Адирлар минтақасидан рекреация мақсадида фойдаланиш // Ўзбекистон География жамияти ахбороти.-Т., 2002. 166–167-б.
46.	Миракмалов М.Т. Халқ табiiй географик терминлари. Монография.–Т.: «Фан ва технология», 2009.-98 б.
47.	Набиев М.М. Растительность пестроцветных толщ бассейна р. Майлиса. Восточная часть Ферганской долины.-Труды Ин-та

	ботаники АН Уз ССР. вып.5,1959. С.28–45.
48.	Назаров А.А. Табиатдан фойаланишнинг экологик-географик асослари (Наманган вилояти мисолида). Г. Ф. н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация.–Т., 2004. 100–147-б.
49.	Назаров А.А., Маҳкамов Ш.Н., Маҳкамов И.Р. Чодақсой табиатини асранг. Илмий оммабоп қўлланма.–Наманган: «Ибрат»,2013.-32 б.
50.	Наманган вилоят ҳокимлигининг паспорти.-Наманган,2013.- 42 б.
51.	Нигматов А. Н. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.–Т.: «Наврўз», 2016.— 248 б.
52.	Нигматов А. Н. Экология нима?.–Т.: «Faylasuflar», 2014.-58 б.
53.	Нигматов А.Н., Шомуратова Н.Т. Экотуризм асослари. Ўқув қўлланма.—Т.: «Faylasuflar», 2007.–104 б.
54.	Нигматов А.Н., Камолов Б.Ҳ. Барқарор ривожланишда экотуризм мустақил фан, таълим ва амалиёт йўналиши сифатида // Ўзбекистон География жамияти ахбороти. 49-жилд.-Т., 2017. 16–22-б.
55.	Нигматов А.Н., Раҳмонқулов У., Хидоятлов Р., Алимқулова Б. Жиззах вилоятининг экотуристик имкониятлари. Рисола.— Жиззах: «Сангзор», 2014.- 112 б.
56.	Пратов У. Маревые Ферганской долины.–Т.: «Меҳнат»,1970.– 15 с.
57.	Пирожник И.И. Основы географии туризма и экскурсионного обслуживания.–Минск: «Университет», 1985.- 10 с.
58.	Рассохина Т.В. Основы туризма.–М.: «МРМАТ», 2014.- С.3.
59.	Расулов А.Р., Ҳикматов, Айтбоев Д.П. Гидрология асослари.– Т.: «Университет»,2003.–327 б.
60.	Рафиқов А.А. Геоэкология асослари. Маърузалар матни.–Т.: «ЎзМУ нашриёти», 2000.10—11-б.
61.	Рахимова Т. Материалы к флоре Чартакских адыров Ферганской долины // Доклады АН Уз ССР, - Т.,1973. С.47-

	57.
62.	Рахимова Т. Накопление надземной и подземной биомассы в отдельных сообществах Чартакских адыров Ферганской долины // Ўзбекистон Биология журнали.—Т.,1972. С.12-18.
63.	Саидов А.,Тажихонов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси.—Т.: «ИИВ академияси», 2001. 7-б.
64.	Сафранов Т.А. Экологизация санаторно-курортной и рекреационно-туристической деятельности в горных регионах Украины.—Одесса: «ОГЭУ», 2005. С.23-28.
65.	Солиев Э.А. Фарғона водийси дарёлари сув оқимимини иқлим ўзгариш шароитида баҳолаш. Г.ф.н. илмий даража олиш учун ёзилган диссертация.—Т.,2008. 8—4-б.
66.	Солиев Э.А.,Умаров Ҳ. Наманган вилояти сув ресурсларини баҳолаш // Ўзбекистон География жамияти ахбороти. 27-жилд.—Т., 2006. 46—47-б.
68	Солиев А.С., Назаров М.И. Ўзбекистон қишлоқлари (Қишлоқ жойлар географияси).—Т.: «Фан ва технология», 2009.-212 б.
67.	Турсунов Л. Тупроқ физикаси.—Т.: «Меҳнат»,1988.-174 б.
68.	Тўқсонов А. Сайёҳлик иқтисодиётнинг истиқболли тармоғи // Бозор пул кредит. 6-сон.—Т., 1998. 41—42-б.
69.	Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Менеджмент и организация бизнеса в туризме Узбекистана.—Т.: «Чинор»,2006. С.18.
70.	Улуғхўжаев Т., Хакимов А., Каримов И. Чортоқ болалар оромгоҳи.—Т.: «Ибн Сино», 1991.- 61б.
71.	Усманиев А. Биолого-экологические основы создания искусственных кормовых угодий на Чартакских адырах Ферганской долины. Авт. на соиск. степ. к.б.н.—Т.,1977.-25 с.
72.	Усмонов М.Р. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг минтақавий хусусиятлари (Самарқанд вилояти мисолида). Г.ф.н. илмий даража олиш учун ёзилган диссертация.—Т.,2003.-22 б.
73.	Усмонов М. Р. Самарқанд туризми ривожланишида ўрта ва кичик корхоналарининг аҳамияти // Кичик ва ўрта бизнесда менежмент муаммолари. Халқаро илмий-амалий анжуман

	материаллари.—Самарқанд, 2002. 179—180-б.
74.	Усмонов М. Р. Шерматов А. The Great Silk Road and Vest // Буюк ипак йўли география, туризм ва экология. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари.—Самарқанд, 1998. 17—118-б.
75.	Усмонов М.Р., Жумаев Х. Н. Ландшафт рекреация тизимли харитани яратиш масалалари // Ўзбекистон География жамияти ахбороти. 23-жилд.—Т., 2003. 66—67-б.
76.	Усмонов М.Р. Фарғона водийсининг истиқболи тармоғи ёхуд унинг тизими хусусида // Фарғона водийси табиатини муҳофаза қилишнинг экологик-географик асослари.—Наманган, 2003. 85—86-б.
77.	Усмонова М.Р. Қашкадарё вилоятида қисқа муддатли дам олиш муаммолари // География экология ва табиатдан фойдаланиш муаммолари илмий-амалий анжуман.—Т., 1999. 64—65-б.
78.	Ўзбекистон миллий энциклопедияси. I—III жилдлар.—Т., 2000.
79.	Қурбонниёзов Р., Саъдуллаев А., Абиркулов К. Иқтисодий экология асослари.—Т.: «Ўқитувчи», 1999.—160 б.
80.	Қозоқов А. Эрозионноопасные земли Ферганской долины и пути повышения плодородия эродированных почв. Монография.—Т.: «Меҳнат», 1990.
81.	Қозоқов А., Камолов Б. Парда Турсун саёҳатгоҳи ва инсон саломатлиги // Тиббиёт ва замон илмий-оммабоп, ижтимоий-маънавий журнал. 61-сон.—Наманган, 2016. 18—19-б.
82.	Қориев М. Ўрта Осиё табиий географияси.—Т.: «Ўқитувчи», 1968.—257 б.
83.	Ғуломов.П.Н. География ва табиатдан фойдаланиш.—Т.: «Ўқитувчи», 1985.—131б.
84.	Ғуломов С., Убайдуллаева Р., Ахмедов Э. Мустақил Ўзбекистон.—Т.: «Меҳнат», 2001.—248 б.
85.	Фу Боцзе. Концепция зонирования экотуризма в Китае. Пекин: «Издат. туризма КНР», 2001. С.1-6.
86.	Халимов З. Ўзбекистонда рекреация зоналарини

	ривожлантиришда Қашқадарё ҳавзаси шифобаҳш ресурсларнинг аҳамияти // Ўзбекистон География жамияти ахбороти. 24-жилд.–Т., 2003. 108—109-б.
87.	Хасанов И. Рекрационционные возможности гор и предгорий Узбекистана // Тоғ ва тоғ олди ҳудудларидан фойдаланишнинг географик асослари. Илмий-амалий анжуман материаллари.–Т., 2002. 45—47-б.
88.	Хаэркэму. Концепция устойчивого развития экотуризма в заповеднике Канас. Ж. Экономика, 2000. С.36-40.
89.	Хўжаев У., Норчаев А. Халқаро туризм — иқтисодий ривожланиш воситаларидан бири // Ўзбекистон Иқтисодиёт ахбороти.–Т., 2001. 47—48-б.
90.	Шалиев В., Набиев М., Иброҳимов А. Шифобаҳш неъматлар.–Т.: «Меҳнат»,1990.– 42 б.
91.	Шодиметов Ю. Ижтимоий экологияга кириш. Дарслик.–Т.: «Ўқитувчи», 1994.–147 б.
92.	Шомуратова Н.Т. Ўзбекистонда экологик туризм ва унинг табиий географик жихатлари. Г.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.–Т., 2011. 10-б.
93.	Шульц В.Л. Средний сток рек Средней Азии // Метеорология и гидрология в Узбекистане.–Т.: «Изд. АН УзССР, 1955. С.231-246.
94.	Эргашев А., Яруллин Р. Ўзбекистон табиатидаги ноёб биологик ёдголиклар.Ўқув қўлланма.–Т.: «Ўқитувчи»,1995.– 113 б.
95.	Эргашев А., Эргашев Т. Агроэкология. Дарслик.–Т.: «Янги аср авлоди», 2006.– 462 б.
96.	Ю.Одум. Экология.1том.–М.: «Мир», 1986. С.24.
97.	Ю.Одум. Экология.1том.–М.: «Мир»,1986. С.44.
98.	Guidelines For Community Based Ecotourism Development. UK, WWF,2001. P.24
99.	www.lex.uz
100.	www.norma.uz
101.	www.stat.uz

Асқар НИГМАТОВ, Баҳтиёр КАМОЛОВ

ЭКОТУРИЗМ ВА УНИНГ ҲУДУДИЙЛИК,
ДАВРИЙЛИК, КОМПЛЕКСЛИЛИК
ХУСУСИЯТЛАРИ

(Наманган вилояти мисолида)

Муҳаррир: И.Халилов

Техник муҳаррир: М.Ҳакимов

Саҳифаловчи: А.Нигматов

«NAVRO'Z» нашриёти. Лицензия № AI.170

Нашриёт манзили: Тошкент ш. АмирТемур кўчаси, 19 -уй.

Босишга руҳсат этилди 20.08.2018 й. Қоғоз бичими 60x84 ^{1/16}
Times гарнитураси. Босма тобоғи 9.5. Нашр ҳисоб тобоғи 9.5.

Адади 300 та. Оффсет қоғоз. Буюртма № 140

«Munis design group» МЧЖ босмаҳонасида чоп этилган.

100170, Тошкент ш. Циолковский кўчаси, 356-уй.